


**Сабзавот, полиз экинлари
ва картошкачилик
илмий-тадқиқот
институти**



Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази
Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти

**Сабзавот, полиз экинлари
ва картошкачилик
илмий-тадқиқот институтининг**

90 йиллик
фаолиятига бағ ишланади

Baktria press
Тошкент — 2023

УЎК 631.53.01:633.49(072)

КБК 42.15

С 13

635
С 13

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг 90 йиллик фаолиятига бағишланади [Матн]: китоб-альбоми. — Тошкент. Baktria press. — 2023. — 224 б.

Нашр қ.х.ф.д., профессор Р.А. Низомов умумий таҳрири остида тайёрланди.

Тузувчилар:

Р. Ф. Мавлянова, қ.х.ф.д., Ш. Р. Арипова, қ.х.ф.д., Ф. Ф. Расулов, қ.х.ф.д., Р.А. Хакимов, қ.х.ф.н., А. Ж. Шокиров, қ.х.ф.д., Б. А. Иброҳимов, қ.х.ф.д., Е.Е. Лян, қ.х.ф.н., М. Ў. Халимова, қ.х.ф.н., М. У. Холдорев, б.ф.н., С. С. Алимухамедов, б.ф.н., К. Ш. Маматов, б.ф.н., А. М. Рахматов, қ.х.ф.д., Б. С. Саломов, қ.х.ф.д., Н. Хушвақтов, қ.х.ф.д., С. С. Лапасов, қ.х.ф.д., М. М. Мирзасолиев, қ.х.ф.д., Ф.К. Ганиев, М. Ш. Сабирова, Д. С. Хакимова, М. Х. Арамов, қ.х.ф.д., Ш. К. Аминов, М. М. Камилов, Ш. Б. Ашуров, Б. Б. Юсупов, М. А. Саидов, К. Дж. Уразбаев, М. А. Джалимбетов ва бошқалар.

Ўзбекистонда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти сабзавот, полиз, картошка нав ва дурагайлари яратиш, уларнинг уруғчилик тизимини ривожлантириш, ресурс ва сувтежамкор етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш, ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилиш, юқори сифатли маҳсулотлар етиштириш ва маҳсулот етиштириш рентабеллигини ошириш учун етакчи илмий муассаса ҳисобланади.

Ушбу нашрда институтнинг ташкил этилиш тарихи, сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликни ривожлантиришда эришилган ютуқлар ҳақида маълумотлар келтирилган.


Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар:

Қишлоқ хужалик фанлари доктори, профессор М.М. Адилов.

Қишлоқ хужалик фанлари доктори Б.Б. Азимов.

✓



ISBN 978-9943-8658-9-1

© Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти, 2023

© BAKTRIA PRESS, 2023

*“Илм ва изланиш бўлмаган
жойда ҳеч қандай ривожланиш,
юксалиш ва умуман, бирор-бир
соҳанинг келажаги бўлмайди”*

Ш. М. МИРЗИЁЕВ



Кириш сўзи

Сабзавотчилик аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Ўзбекистонда анъанавий сабзавот етиштириш кўп асрлик тарихга эга. Мамлакатимизда сабзавотчилик XX асрда илмий асосланган ёндашувни олди. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик тармоқларида ислохотларни жадал суръатлар билан ривожлантириш, бозор иқтисодиёти талаблари даражасида истиқболларини белгилаш бу соҳани ривожлантиришга илмий жиҳатдан ёндошишни талаб этади.

Соҳада илмий асосланган ёндашувни олиб бориш мақсадида 1933 йил 3 мартда Тошкент шаҳри яқинида Ўзбек зонал сабзавотчилик тажриба станцияси ташкил этилди.

Ўзбек зонал сабзавотчилик тажриба станцияси сабзавот экинларни ўрганиш, янги агротехника усулларини ишлаб чиқиш, сабзавот ва полиз экинларини сақлаш ва қайта ишлаш, ҳимояланган ерларда сабзавот етиштириш, маҳаллий навларни яхшилаш ва янги навларни яратиш, ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун мулжалланган биринчи илмий муассаса сифатида ташкил этилган.

Ўзбекистон сабзавот ва картошка экинлари тажриба станция базасида 1960 йилда ВАСХНИЛ Ўрта Осиё филиали таркибида мустақил илмий-тадқиқот институти сифатида ташкил этилди. Ўша даврларда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Ўрта Осиёда сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик соҳасидаги энг йирик илмий ва методик марказга айланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти деб номланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 10 февралдаги ПҚ-2125 сонли "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори билан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти деб қайта ташкил этилган.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Республикада сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликни ривожлантириш, сабзавот, полиз, картошка экинларининг янги нав ва дурагайларини яратиш, уларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш, етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш



*Институт директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Р. А. Низомов*

ва такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш борасида кўп қиррали илмий изланишларни амалга оширувчи етакчи илмий муассаса ҳисобланади.

Институтнинг 90 йиллик фаолияти давомида олиб борган илмий ишланмалари натижасида Ўзбекистонда сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик анъанавий кўсусий сектордан республикада қишлоқ хўжалигининг ривожланган замонавий тармоғига айланди.

Соҳадаги илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш ва ривожлантириш, замон талабларига мос изланишларни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қўриқдаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги илмий ташкилотларнинг тузилмаларини тасдиқлаш туғрисида"ги 601-сонли қарорига асосан, Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институтининг тузилмасига ўзгартиришлар киритилди ва институт таркибидаги лабораториялар сони 14 тага ўтказилди. Шунингдек, лабораториялар замонавий асбоб-усканалар билан жиҳозланди.

Бугунги кунда институтда 176 дан зиёд илмий ва илмий-техник ходимлар анъанавий ва ноанъанавий сабзавот, полиз, картошқа экинлари генетикаси, селекцияси, интродукцияси, уруғчилик, уруғшунослиги, биотехнологияси, экинларни етиштириш агротехнологиялари ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш, органик деҳқончилик, маҳсулотларни сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияларини илмий-амалий асосларини такомиллаштириш юзасидан кўп қиррали илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Институт селекционер олимлари томонидан ҳар хил муддатда пишадиган, юқори сифатли, ҳосилдор, турли стресс омилларга ва касалликларга чидамли, экспортбоп, турли мақсадли ишлатишга мос сабзавот, полиз, картошқа ҳамда ноанъанавий экинлар 34 турининг 200 дан ортиқ нав ва дурагайлари яратилди ва Давлат реестрига киритилди. Яратилган сабзавот, полиз, картошқа навлари ўзининг сифат кўрсаткичлари юқорилиги билан чет эл дурагайларида ажралиб туради ва маҳаллий истеъмолчи талабини қондиради.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти Халқаро сабзавотчилик маркази (АЦИРО, Тайван), Халқаро картошқачилик маркази (СIP, Перу), Жанубий Корея, Япония, Голландия, Польша, АҚШ, Германия, Венгрия, Туркия, Россия, Ўзбекистон, Озарбайжон ва бошқа давлатлар билан илмий алоқаларни боғлаган ҳамда бугунги кунда ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институтининг 90 йиллик фаолияти давомида олиб борган илмий-тадқиқот ишлари ва ишлаб чиқилган ишланмалари, етук олимлар, уларни келажак авлод учун қолдирган салмоқли меҳнатлари ҳамда бугунги кунда янги Ўзбекистонни янада ривожлантиришда ўз қисқасини қўшаётган институт ходимлари, доимо эъзозда бўладиган устозлар ва ёш олимлар томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари, эришилган ютуқлар, шунингдек, тараққиётнинг яқин ва узоқ истиқболлари ҳақида ушбу китобда ўқувчилар эътиборига ҳавола этилади.



**Сабзавот, полиз
экинлари ва
картошқачилик
илмий-
тадқиқот
институтининг
ривожланиши**



Институтнинг биринчи 30 йиллик ривожланиш даври

Олис тарихга назар ташланганда шу маълум бўладики, нафақат ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида, балки аввалги бутун Туркистон ўлкаси ерларида ҳам сабзавотчилик тармоғи мавжуд эмас эди. Уша даврларда етиштириладиган сабзавот ва полиз экинларининг турлари ва навлари ҳам жуда кам миқдорда эди. Оқбош ва гул қарам, помидор, бақлажон, картошка экинлари халқ учун умуман нотаниш сабзавотлар бўлган, бироқ Тошкент, Самарқанд ва Андижон шаҳри атрофларида истиқомат қилувчи рус ва болгар халқи оз миқдорда бўлса ҳам ўз томорқаларида уларни етиштирар эдилар.

Сабзавотлардан сабзи, пиёз, бодринг ва полиз экинидан қовун, тарвуз, қовоқнинг маҳаллий селекциясига мансуб навлари мавжуд бўлган. Уларни етиштиришда қўл меҳнатининг кўплиги, эски техникалардан фойдаланилганлиги сабаб кўпгина қийинчиликларга дуч келинган.

Ўзбекистон ҳудудида сабзавот, полиз ва картошка экинлари билан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Ягона илмий-тадқиқот муассаси 1887 йилда Тошкент вилоятида жойлашган Туркистон қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси бўлган. Бу муассасада иш жойларининг ва маблағ танқислиги сабаб асосий илмий фаолияти пахтачилик, узумчилик, боғдорчилик ва дала экинларининг мавжуд муаммолари ечимларига қаратилган бўлган. Шунга қарамасдан, тажриба станцияси баъзи бир маҳаллий сабзи, пиёз ва бошқа экинлар навларининг таснифини келтириш ва етиштириш агротехникасини қисман ўрганиш билан шуғулланган.

Деҳқон хўжаликларида етиштирилувчи қовун ҳамда қовоқ экинларининг маҳаллий агротехникасини ва навлар таркибини ўрганиш ишларини асосан тажриба станциясида ишлаётган ёки экспедицияга келган агрономлардан Р. Р. Шредер, Н. Александров, Н. Буренков, А. Осипов, Ф. Сергеев, П. Скварский, Н. Шавров, Н. Шахназаров, Андропов, Шевченко каби олимлар олиб боришган. Улар ўша даврдаги етиштирилиб келаётган экинларни етиштириш агротехнологиясини ва навларини таснифини қайд қилиб боришган.

Сабзавотчилик ва полизчиликда қўлланилиб келинаётган усулларни асосланган ҳолда улар мақсадга мувофиқлигини, қулай тупроқ-иқлим ва сув омилларидан, меҳнатдан оқилона фойдаланиш асосида ўзгариш имкониятларини, селекция ва уруғчиликни илмий асослашни систематик равишда ўрганишни илк бора Ўрта Осиё давлат университети Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси кафедраси мудири профессор К. И. Пангало бўлган. У 1922–1924 йилларда Ўзбекистонда мавжуд барча қовун навлари турларини ўрганиб селекция ишларини ташкил этди. Бу ишларни у 1926–1929 йилларда Ўрта Осиё селекция марказида, кейинчалик бу марказ тугатилганидан сўнг, БутунИттифоқ Ўсимликшунослик институти Ўрта Осиё станциясида давом эттирди.

Профессор Константин Иванович Пангало Ўзбекистонда полизчиликни узоқ ва синчковлик билан ўрганган, шунингдек қовун селекцияси ва уруғчилигига асос солган



кирган. Агротехника ва механизация бўлими очиқ ер, химояланган ер ва механизация тармоқларига ажратилди. Селекция ва уруғчилик бўлими таркибида сабзавот экинлари селекцияси ва полиз экинлари селекцияси тармоқлари мавжуд бўлган. Агрокимё ва физиология бўлими сабзавот экинлари устида изланишлар олиб бора бошлади. Станция таркибида режалаштириш бўлими ва бухгалтерия бўлими бор эди.

Тажриба станциясининг асосий вазифаси республикада етиштириладиган сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш, шунингдек, маҳаллий навларини экспедиция орқали йиғиб олиш ва турли сабзавот ва полиз экинларининг янги навларини яратиш учун хорижий намуналарни жалб қилиш бўйича илмий тадқиқот ишларини ташкил этишдан иборат эди.

1942 йилнинг июль ойида станция ходимларига навдор уруғлик ва айниқса, картошка экиш материални ишлаб чиқаришни кўпайтириш вазифаси юклатилди. Шундай қилиб, станция Ўзбекистон сабзавот ва картошка тажриба станцияси сифатида танилди.

Иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларида, кўплаб ходимлар фронтда бўлганида, қолган ходимлар фидокорона меҳнат қилдилар ва тажриба станцияси навларини сақлаб қолиш ва мамлакат ҳудудида экиш учун турли экинлар уруғларини кўпайтириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишга катта ҳисса қўшди.


Кейинги йилларда тажриба станцияси сабзавотчиликнинг турли соҳаларида илмий тадқиқот ишларини давом эттирди ҳамда илмий ишларга янада истеъдодли



*Ермохин Виктор Никифорович
(1933–1936 йилларда институтнинг
биринчи директори).*



*Жалилов Зариф Жалилович
(1936–1942 йилларда институт
директори).*



*Каримов Абдурахмон Каримович
(1942–1946 йилларда институт
директори).*



олимларни жалб этди. 1960 йилгача тажриба станциясида 34 та илмий ва 25 та техник ходим ишлаган.

1960 йил 12 мартда тажриба станцияси Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтига айлантирилди.

1961 йил 27 майдан бошлаб институт таркибида мавжуд илмий бўлимлар сақланиб қолинди, улар замонавий сабзавотчиликни яратиш вазифалари билан боғлиқ тадқиқот йўналишларини сезиларли даражада кенгайтди.

Картошкачилик бўлимида экиладиган навларнинг технологиясини такомиллаштириш, шунингдек, чет эл давлатларидан картошкани бошланғич манбаларини жалб қилган ҳолда янги юқори ҳосилли навларни танлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилди.

Агротехника ва механизация бўлими очиқ ерда етиштириладиган бир қатор сабзавот ва полиз экинларининг агротехник усулларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар амалга оширилди ва сабзавотларни механизациялаштирилган ҳолда етиштириш бўйича тадқиқотлар ривожлантиришга кўпроқ эътибор қаратилди. Қиш даврида сабзавот етиштириш учун ҳимояланган ерларда сабзавот етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Селекция ва уруғчилик бўлими томонидан сабзавот ва полиз экинларининг намуналарини ҳар томонлама ўрганиш ва очиқ ва ҳимояланган ерда етиштиришга мос янги навларни яратиш учун истиқболли бошланғич манбаларни ажратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Агрохимё ва физиология бўлими ўсимликларнинг озиқланишини яхшилаш, ҳосилдорлик ва маҳсулот сифатини ошириш учун экологик стресс омилларига чидамлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-амалий тадқиқот ишлари амалга оширилди.



*Шарипов Жўра Шарипович
(1946–1952 йилларда институт
директори).*



*Ходжаев Мажид Машарипович
(1952–1958 йилларда институт
директори).*



Шу даврда илмий бўлимларда олиб борилган тадқиқотлар интеграцион ёндашувни талаб қилди ва институт тузилмасини қайта ташкил этиш зарурати туғилди. Шу муносабат билан 1961 йил 22 сентябрда йирик бўлимлар: сабзавот ва полиз экинлари агротехника бўлими, сабзавот ва полиз экинлари селекцияси ва уруғчилиги бўлими ҳамда сабзавот ва полиз экинларини кўпайтириш бўлими ташкил этилди. 1962 йил 27 мартда ҳимояланган майдон бўлими, сақлаш ва қайта ишлаш бўлими, физиология ва биокимё бўлими ташкил этилди. Институт таркибида режалаштириш-ҳўжалик бўлими тузилди ҳамда бухгалтерия ҳисоби бўлими ўз ишини давом эттирди.

Институтнинг иккинчи 30 йиллик ривожланиш даври

1960 йилларда тажриба станциясининг илмий-тадқиқот институтига айлантирилиши илмий ишларни янада кенг кўламда олиб бориш имконини яратди ва илмий изланишлар моддий-техника ва малакали мутахассислар базаси беқиёс ривожланди.

Ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида институт директори Каримов Юлбарс Юнусович бошчилигида институтни ривожлантириш босқичининг янги даври бошланди.

Ю. Ю. Каримов бошчилигида Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг бугунги кундаги бош биносига асос солинди. Бош бино қурилишидан аввал барча лабораториялар турли ҳудудларда жойлашган бўлган ва олимларни биргалиқда ишлаш ҳамда жамланиб вазифаларни белгилаб тадқиқотларни олиб бориш жуда ҳам қийин бўлган. Бош бинонинг қурилиши эса барча лабораторияларни ва олимларни бир жойда ҳамжиҳатлик билан фаолият юритишга имкон берди.

Ташаббускор раҳбар билан бирга уруғчиликни ривожлантириш, аҳолини сабзавот, полиз ва картошка экинлари уруғлари билан таъминлаш, уруғлик мевалардан уруғларни тозалаш, саралаш, қадоқлаш ҳамда уларни сақлаш мақсадида уруғ омборхонаси қурилди.



*Мўминов Тургун Гулямович
(1964–1966 йилларда институт
директори).*



*Каримов Юлбарс Юнусович
(1966–1978 йилларда институт
директори).*



Институт раҳбари томонидан институтнинг илмий ва техник ходимларини соҳада фаолият юритишларида қулайлик яратиш мақсадида институт атрофида жойлашган ҳудудларда яшаш учун коттеджлар ва кўп қаватли уйлар қурдирди. Шу билан бирга, Ю. Ю. Каримов томонидан институт ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ерларни текислаш, янги техникаларни таркибга киритиш каби амалий ишлар бажарилди.

Маълумки, Ўзбекистон қовуннинг маҳаллий навлари ватани ҳисобланади ва миллий бойлигидир. Ушбу қовунларнинг янги навларини яратиш, уруғчилигини ташкил этиш ва етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича бир қанча илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Ю. Ю. Каримов бошчилигида Халқаро кўрғазмаларда институт селекционер олимлари томонидан яратилган қовуннинг "Йирик ич-қизил", "Оқ уруғ", "Тошлоқи" ва бошқа навлари бир қанча олтин, кумуш ва бронза медаллари билан тақдирланган.

Институт олимлари нафақат халқаро кўрғазмаларда, балки Республика бўйича ҳар йили ташкил этиладиган кўрғазмаларда мунтазам равишда иштирок этиб келишган. Бу кўрғазмаларга давлат бошқарув органларининг раҳбарлари, турли ташкилот ходимлари, аҳоли, талабалар жуда катта қизиқиш билан иштирок этишган. Шу билан бирга, ушбу кўрғазмаларда ва қовун сайилларида собиқ Ўзбекистон ССР Марказий қўмитасининг биринчи котиби Раиси Шароф Рашидович Рашидовнинг мунтазам равишдаги иштироки, институт олимларининг самарали меҳнати бўлган ишланмаларни баҳолаганини алоҳида таъкидлаш лозимдир.



Институтнинг халқаро кўрғазмалардаги қовун навлари билан иштироки.

Ю. Ю. Каримов раҳбарлигида институт ходимларини сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида институтда чорвачилик фермаси, шунингдек, техникаларни сақлаш учун махсус саройлар барпо этилган. Институтнинг моддий-техник базасини ташкил этишга бошчилик қилган институт директори Ю. Ю. Каримов меҳнатлари таҳсинга лойиқ бўлиб, келажак авлод учун ўрнак бўлган инсон сифатида институт тарихида юксак ўринни эгаллади.

Ю. Ю. Каримов бошчилигида институтда турли конференциялар, ўқув семинарлари хужалик раҳбарлари, соҳа мутахассислари, ёш олимлар, талабалар учун мунтазам равишда ташкил этиб борилди. Уша даврларда кўпгина илмий мақолалар тўплами, тавсияномалар ҳамда илмий китоблар чоп этирилди.

Сабзавотчиликни ривожлантириш учун ҳукумат томонидан тайинланган вазифаларни бажариш учун илмий тадқиқотлар кенгайтирилди. 1969 йил 29 мартдан бошлаб институт таркибида 12 илмий бўлимлар: селекция, уруғчилик, агротехника, картошкачилик, механизация, ҳимояланган ер, сақлаш, энтомология, фитопатология, агрохимё, физиология, иқтисодиёт ҳамда илмий-техник ахборот гуруҳи ташкил этилди.

Кейинги ўн йилликда илмий тадқиқотларни кенгайтириш давом эттирилди ва илмий тадқиқотларга интеграциялашган ёндашув зарурати туфайли илмий бўлимларни кенгайтириш орқали институт структураси такомиллаштирилди.

1978 йилда институт таркибида бир неча лабораторияларни (сабзавот экинлари ва картошка етиштириш технологияси, механизация, иқтисодиёт ва сабзавот ишлаб



Ш. Р. Рашидовнинг қовун сайлида институт навлари билан танишиши (институт директори Каримов Ю. Ю., селекционер олимлар А. С. Хакимов, М. Н. Кулакова).



Институтда ташкил этилган конференция.

чиқаришни ташкил қилиш) ўз ичига олган катта “Технология бўлими”, “Селекция ва уруғчилик бўлими” (полиэкинлари селекцияси, сабзавот экинлари селекцияси, ҳимояланган ер, уруғчилик лабораториялари), “Сифат бўлими” (агрохимё, физиология, сифат ҳамда сақлаш лабораториялари ва сақлаш гуруҳи) ва “Ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш бўлими” (биологик усулда ҳимоя қилиш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораторияси) ташкил этилди. Шу билан бирга, “Илмий-техник ахборот, тарғибот ва илмий ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий этиш” бўлими яратилди.



Қовун коллекция тажриба даласи.



Қовун ҳосилини йиғиб олиш.



Йирик мевали қовун мевалари.



Тарвуз “Қузибой 30” нави.



Институт биноси.



*С. Песцова фитопатологик таҳлил
утказиш жараёни.*



Майдонни шудгорлаш.



Ўғитларни механизация билан солиш.



Тарвуз меваларидан урув ажратиш.



*Институт директори.
А. И. Нуриддинов қовун кургазмасида
олимлар билан.*



*Ш. Рашидовнинг қишлоқ хужалиги
ютуқлари кургазмасига ташрифи.*



*Институтнинг иккинчи жаҳон уруши
фахрийлари.*



*Тошкентда қишлоқ хужалиги ютуқлари
кургазмасининг қовунчилик павильонида.*



*А.К. Каримов кургазмада ўзбек қовун
навларининг дегустациясини ўтқозиши.*

Уша даврда институт томонидан илмий бўлимларга тематик режа доирасида амалга ошириладиган қуйидаги вазифалар юклатилган эди:


- 1) сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг юқори ва барқарор ҳосилдорлигини таъминлаш, Ўзбекистоннинг тупроқ, иқлим ва сув шароитига нисбатан техника усуллари ва агротехник тадбирлар тизимини ўрганиш ва илмий ишлаб чиқиш;
- 2) колхоз ва давлат хўжаликларида сабзавот, полиз экинлари ва картошка ҳосилдорлигини оширишга қаратилган янгиликлар ва ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- 3) сабзавот, полиз экинлари ва картошка навларини ўрганиш ва синаш;
- 4) сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг мавжуд навларини кўпайтириш усулларини такомиллаштириш;
- 5) сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг элита уруғларини ишлаб чиқариш.

Ўтган асрнинг 80-йилларида институт таркибида 12 та лаборатория, илмий-ахборот, ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва тарғибот ишларини ташкил қилиш гуруҳлари ҳамда республиканинг турли экологик минтақаларида жойлашган 8 та — Андижон, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Сўх, Термиз, Қарши ва Хоразм тажриба станциялари бўлган.

Институтда 80 та илмий ва 125 та илмий-техник ходимлар ўз фаолиятини олиб борган. Шу билан бирга, институтнинг таркибида “Сабзавотчилар мактаби” ташкил этилган бўлиб, республика бўйича сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилиқда кенг қамровли бригадирлар ўқитилган.

1990 йилда институт таркибида сабзавот ва полиз экинлари селекцияси, сабзавот ва полиз экинлари уруғчилиги, картошкачилик, биотехнология, физиология, биокимё ва сабзавот маҳсулотлари сифати, агрокимё, ўсимликларни ҳимоя қилиш, сабзавот, полиз экинлари ва картошкани етиштириш технологияси, ҳимояланган ер лабораториялари, сақлаш ва қайта ишлаш гуруҳи ҳамда иқтисодиёт бўлимларига асос солинди.

Тажриба станцияси ташкил этилган вақтдан бошлаб уни илмий-тадқиқот институтига айлантиришга ҳақ долзарб муаммоларни ҳал этиш ва сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқариш талабларига мувофиқ янги ёндашувлар мақсадида таркибий ўзгаришлар амалга оширилди.



*Нуритдинов Анвар Икбалович
(1978–1993 йилларда институт
директори).*



Институт мустақиллик йилларида

Ўзбекистон Республикаси 1991 йилда мустақилликка эришгандан сўнг институт ўз илмий-тадқиқот фаолиятини давом эттирди ва республика сабзавотчилигида илмий ютуқларни жорий этди. 1992 йилда Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти деб номланди, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 10 февралдаги ПҚ-2125 сонли “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази фаолиятини такомиллаштириш туғрисида”ги Қарори билан Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти негизида қайта ташкил этилди ва Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти деб номланди.

Республикаимиз сабзавотчилик соҳасига янгича ёндашувларни шакллантириш, фермер ва деҳқон хўжалиklarини ривожлантириш, сабзавот, полиз экинлари ва картошка экиш структурасидаги ўзгаришлар бўйича белгиланган вазифаларга мувофиқ 2014 йилда институт таркибида фан олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун айрим ўзгаришлар рўй берди.

Институт таркибида сабзавот ва полиз экинлари селекцияси, сабзавот ва полиз экинлари уруғчилиги, картошка селекцияси ва уруғчилиги, сабзавот, полиз экинлари ва картошка агротехнологияси, иссиқхона сабзавотчилиги, биотехнология, агрокимё ва маҳсулот сифати, ўсимликларни касаллик ва зараркундалардан ҳимоя қилиш лабораториялари ташкил этилди.


Институт таркибида Тошкент тажриба хўжалиги ва Андижон, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида таянч бўлимлари мавжуд бўлган. Тажриба хўжалиги ва таянч бўлимларининг барча суғориладиган ер майдони 447 гектар. Режалаштириш бўлими ва бухгалтерия бўлими, шунингдек, кадрлар бўлими институт таркибида ишлашни давом эттирди.



Бакиев Акбар Бариевич
1993–1998 йилларда институт
директори.



Ҳақимов Рафикжон Абдунабиевич.
(1998–2001 йиллар ва 2002–2018 йилларда
институт директори).



М. Мирзиётов, Ж. Наджиев, Ш. Жабборов, М. Ниёзов, Д. Турсунов ва бошқалар самарали иш олиб боришди.

Республикада сабзавотчиликнинг ривожланиши Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг олиб борган долзарб тадқиқотлари ва илмий жиҳатдан мунтазам таъминлаб турилиши самараси билан боғлиқдир. Ўтган давр ичида илмий ишлар натижаларини Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига кенг жорий қилиш республика аҳолиси шахсий томорқа хўжалигида ва фақат маҳаллий истеъмол учун маҳсулот берадиган тармоқдан — халқ хўжалигида муҳим ўрин эгаллаган, тез суръатлар билан ўсиб бораётган, шаҳар ва саноат марказлари аҳолисини резавор сабзавот, полиз, картошка маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатини хом ашё билан таъминловчи ривожланган йирик тармоққа айланишига катта ҳисса қўшди.

Шу билан бир қаторда, республикада илмий асосланган селекцияни ташкил этишга, уруғчилик тизимига, янги суғориш усуллари, механизациялашган технология, маҳаллий ва маъдан ўғитларни қўллаш, иссиқхоналарда сабзавот кучатлари ва сабзавот маҳсулотларини етиштириш, плёнка остида эртаги маҳсулот етиштириш, экинларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш, жадаллашган агротехнология ва сабзавотларни саноат тарзида етиштириш ва бошқа муаммоларни ҳал қилишга ҳам асос солди.

Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида картошканинг эртаги ва кечки муддатда истеъмол қилиш, уруғчилигини ташкил этиш, янги маҳаллий навларини яратиш, туганакларнинг айниб кетишини бартараф этиш, навларни минтақалараро жойлаштириш, экиш муддатларини аниқлаш ва юқори ҳосил олиш технологияси ишлаб чиқилди.

Картошканинг экологик ва вирус билан боғлиқ морфологик белгилари, туганакнинг нотекис ўсиши, айнаши, уларнинг асословчи сабаблари, картошкани ўстириш ҳамда сақлаш даврида салбий омилларнинг олдини олиш ёки таъсир кучини пасайтирувчи масалалар мажмуи ўрганилди.

Сабзавот ва полиз экинлари уруғчилиги бўйича илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш, илмий асосланган усул ва услубларни ишлаб чиқаришда кенг қўллаш, бирламчи уруғчилик ишларини тубдан яхшилаш ва республикамиз уруғчилик хўжалиklarини институтимизда яратилган навларини элита уруғлари билан таъминлаш билан бирга, уруғнинг ҳосили ва сифатини оширишга қаратилган уруғчилик тизимини яхшилаш стратегиясига оид бир қатор илмий ечимлар тадқиқ этилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди.



Услубий ҳайъат томонидан экинлар апробацияси.

Сабзавот экинларининг иссиқхоналарда етиштириш технологияси ишлаб чиқилди, яъни кўчатларни етиштириш, бодринг ва помидор ўсимлигига шакл бериш, озиқа майдонларини аниқлаш, иссиқхоналарда сабзавотларни етиштиришнинг технологик харитаси тузилди. Помидор ва бодринг нав намуналарининг катта коллекцияси ўрганилди. Помидор навларини яратиш бўйича селекция ишлари олиб борилди.

Сабзавот ва полиз экинларининг фотопериодизм даври, уларнинг ўсимлик ҳосили ва сифатига таъсири, уруғларнинг унвчанлик физиологияси, ўсимликларни суғориш режими, ўсув стимуляторлари, ўсимликлардаги азотнинг ўзлаштирилиши, маҳсулотда тақсимланиши, ҳосил сифатига таъсири, ҳосилдорлик даражасини олдиндан башорат қилиш, экологик тоза маҳсулот етиштириш, бошоқли дондан сўнг такроран сабзавот ва картошка етиштиришда ўғитлаш тизими, микробиологик ўғитларни қўллаган ҳолда минерал ўғитларни қўллашни қисқартириш технологияси каби масалалар ишлаб чиқилган ва олинган натижалар ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тавсия этилган.

Республикада сабзавот, полиз ва картошка етиштиришда маъдан, маҳаллий ва кўкат сидерат ўғитларнинг ўсимлик ҳосили ва сифатига таъсирини аниқлаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида сабзавот, полиз ва картошка экинларининг асосий озиқа моддаларига бўлган талабчанлиги, ҳосил билан тупроқдан асосий озиқа элементларини олиб чиқиб кетиш миқдори аниқланди.

Сабзавот ва картошка экинларини алмашлаб экишда юқори ҳосил олиш учун керакли ўғитлар тизими яратилди. Шу асосда ҳар бир экин турига кўра маъдан ва маҳаллий ўғитларни солиш миқдори, нисбати, тури ҳамда муддати илмий асосланди.

Сабзавот, полиз ва картошка экинларида учрайдиган зараркунанда ва касалликлар биологияси ўрганилиб, уларга қарши кураш чоралари бўйича самарали илмий изланишлар олиб борилди.

Сабзавот, полиз ва картошка экинларини етиштириш технологияси бўйича дастлабки асосий илмий ишлар тупроққа ишлов бериш тизимини ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Сабзавот экинларини поғоналаб, зичлаштириб экиш ҳамда эрта маҳсулот олишда тўқсонбости усулида экиш, плёнкадан фойдаланиш, уларни сабзавотчиликда самарали қўллаш тадбирлари ишлаб чиқилиб, кенг жорий қилинди. Ердан унумли фойдаланиш, оралик ҳамда такрорий экин экиш усуллари, томатдош экинларни уруғи билан очиқ майдонларга қора плёнка остига экиб етиштириш технологияси ишлаб чиқилди.

Сабзавот, полиз ва картошка экинларини экиш, парваришлаш ҳамда ҳосилни йиғиб олишда турли механизмлар синаб кўрилди ҳамда такомиллаштирилди. Сабзавотчиликда дон экинларидан сўнг сув ва ердан унумли фойдаланиш учун такроран сабзавот, картошка экиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сабзавотчиликда меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш, иш жараёнларини меъёрлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнлари самарадорлигини аниқлаш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни ўрганиш, сабзавот ва картошка уруғчилигининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва унинг рентабеллик даражасини кўтариш каби илмий ишлар амалга оширилди.

Институт таркибидаги лабораториялар ва бўлимлар

Сабзавот ва полиз экинлари селекцияси лабораторияси

1933 йилда зонал сабзавотчилик тажриба станцияси очилиши билан унинг таркибида биринчи бўлиб янги навлар яратиш лабораторияси очилди ва у селекция ишларини қўшимча асосланган асосда амалга ошира бошлади.

Лабораторияга В. В. Бел-Кузнецова (1933–1937 й.), П. Н. Дудко (1937–1958 й.), М. Н. Кулакова (1958–1972 й.) ва С. К. Кучкаров (1972–1985 й.) раҳбарлик қилган. 1985 йилда лаборатория иккига бўлинди ва сабзавот экинлари селекцияси лабораториясига А.М. Аббосов ва полиз экинлари селекцияси лабораториясига А. С. Щукина таъин қилинган. 1993 йилда сабзавот экинлари селекцияси лабораторияси ва полиз экинлари селекцияси лабораторияси қўшилиб, сабзавот ва полиз экинлари селекцияси лабораторияси ташкил этилди ва А.М. Аббосов лабораторияни бошқарган. 2000–2018 йилларда лабораторияга Р.А. Хакимов, 2019–2021 йилларда Ф. Ф. Расулов раҳбарлик қилди.

Лабораторияда селекционер олимлардан А. Г. Никулина, В. Ф. Бел-Кузнецова, П. Н. Дудко, М. Н. Кулакова, А. С. Хакимов, Е. В. Ермолова, А. С. Щукина, К. Р. Юсупов, А.М. Аббосов, Э. Алиев, Р. Ғаниходжаева, Д. Мақсудходжаев, С. А. Акбаров, М. Х. Арамов, Р. А. Хакимов, М. Ў. Халимова, Д. М. Исламова, А. Борасулов, Ш. Р. Арипова ва бошқалар самарали фаолият олиб боришган.

Ҳозирги пайтда лабораторияда селекционер олимларидан қ.х.ф.н. Р. А. Хакимов, қ.х.ф.н. М. Ў. Халимова, Д. М. Исламовалар селекция ишларини олиб боришмоқда.

Селекция ишларининг асосий йўналишлари бу юқори маҳсулдор, маҳаллий тупроқ шартлари шaroитига мос, ўсув даври турли бўлган, ҳосилдор, мева сифати юқори, касалликларга чидамли, ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берадиган, маҳсулотларни тўлиқ йўналишда фойдаланишга мос сабзавот ва полиз экинларининг янги нав ва F_1 туратайларини яратиш.

Селекция лабораториясида сабзавот ва полиз экинларининг бой генофонди, шунингдек, экспедицияларда йиғилган маҳаллий нав ва намуналар ҳамда ҳамкорлик асосида келтирилган хорижий нав намуналар мавжуд.

Мавжуд сабзавот ва полиз экинлари генофонди селекционерлар томонидан селекция учун дастлабки манба ашёси сифатида фойдаланилади. Ушбу намуналарни ҳар турли селекция тартибига ўрганиш, қимматли хўжалик белгилари бўйича истиқболлиларни танлаш асосида селекция жараёнига жалб қилинади.

Институт селекционер олимлари томонидан сабзавот ва полиз экинларининг селекцияси бўйича селекция ишларини олиб боришди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида етиштириш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат



Институт таркибидаги лабораториялар ва бўлимлар

Сабзавот ва полиз экинлари селекцияси лабораторияси

1933 йилда зонал сабзавотчилик тажриба станцияси очилиши билан унинг таркибида биринчи бўлиб янги навлар яратиш лабораторияси очилди ва у селекция ишларини амалга ошира бошлади.

Лабораторияга В. В. Бел-Кузнецова (1933–1937 й.), П. Н. Дудко (1937–1958 й.), М. Н. Кулакова (1958–1972 й.) ва С. К. Кучкаров (1972–1985 й.) раҳбарлик қилган. 1985 йилда лаборатория иккига бўлинди ва сабзавот экинлари селекцияси лабораториясига А. М. Аббосов ва полиз экинлари селекцияси лабораториясига А. С. Щукина таъин қилинган. 1993 йилда сабзавот экинлари селекцияси лабораторияси ва полиз экинлари селекцияси лабораторияси қўшилиб, сабзавот ва полиз экинлари селекцияси лабораторияси ташкил этилди ва А. М. Аббосов лабораторияни бошқарган. 2000–2018 йилларда лабораторияга Р. А. Хакимов, 2019–2021 йилларда Ф. Ф. Расулов раҳбарлик қилди.

Лабораторияда селекционер олимлардан А. Г. Никулина, В. Ф. Бел-Кузнецова, П. Н. Дудко, М. Н. Кулакова, А. С. Хакимов, Е. В. Ермолова, А. С. Щукина, К. Р. Юсупов, А. М. Аббасов, Э. Алиев, Р. Фаниходжаева, Д. Мақсудходжаев, С. А. Акбаров, М. Х. Арамов, Р. А. Хакимов, М. Ў. Халимова, Д. М. Исламова, А. Борасулов, Ш. Р. Арипова ва бошқалар самарали фаолият олиб боришган.

Ҳозирги пайтда лабораторияда селекционер олимларидан қ.х.ф.н. Р. А. Хакимов, А. М. Ў. Халимова, Д. М. Исламовалар селекция ишларини олиб боришмоқда.

Селекция ишларининг асосий йўналишлари бу юқори маҳсулдор, маҳаллий тупроқ шартларида шариоитига мос, ўсув даври турли бўлган, ҳосилдор, мева сифати юқори, касалликларга чидамли, ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берадиган, маҳсулотларни яхши йўналишда фойдаланишга мос сабзавот ва полиз экинларининг янги нав ва F_1 туратайларини яратиш.

Селекция лабораториясида сабзавот ва полиз экинларининг бой генофонди, экспедицияларда йиғилган маҳаллий нав ва намуналар ҳамда ҳамкорлик шартларида келтирилган хорижий нав намуналар мавжуд.

Мавжуд сабзавот ва полиз экинлари генофонди селекционерлар томонидан селекция учун дастлабки манба ашёси сифатида фойдаланилади. Ушбу намуналарни ҳар томонлама ўрганиш, қимматли хўжалик белгилари бўйича истиқболлиларни танлаш зонал селекция жараёнига жалб қилинади.

Институт селекционер олимлари томонидан сабзавот ва полиз экинларининг 32 тури бўйича селекция ишларини олиб боришди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида етиштириш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат





А. Г. Никулина



В. Ф. Бел-Кузнецова



П. Н. Дудко




М. Н. Кулакова



А. С. Щукина



Э. Алиев



К. Р. Юсупов




А. М. Аббасов



Е. В. Ермолова



А. С. Хакимов



Р. А. Хакимов



М. Х. Арамов



М. У. Халимова



Д. М. Исломова



Ш. Р. Арипова



А. М. Борасулов



Институтнинг 154 та сабзавот ва полиз экинларнинг нави ва дурагайлари тарқатилган. Жумладан: помидор жами 38 та, шундан очиқ ер майдонлари учун 29 та ва иссиқхоналар учун 9 та, ширин қалампир — 7 та, аччиқ қалампир — 2 та, бақлажон — 4 та, бодринг жами 18 та, шундан очиқ ер майдонлари учун 14 та ва иссиқхоналар учун 4 та, карам — 6 та, пиёз — 7 та, сабзи — 6 та, ош лавлаги — 2 та, редис — 2 та, турп — 2 та, турп ва дайкон — 3 та, исмалоқ — 3 та, тарвуз — 10 та, қовун — 26 та, саримсоқ — 3 та, шунингдек, саримсоқ, патиссон, қовоқча, салат, петрушка, кашнич, спарсгей, арпабодиён, баргли шолғом, жағ-жағ, райҳон, жамбил, бамия ва ширин навларнинг биттадан.

Институт селекционерлари томонидан яратилган помидор, ширин қалампир, пиёз, сабзи, редис, қовун ва бошқа экинларнинг айрим навлари қўшни мамлакатларда тарқатишга эришган.

Республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитига мос, қимматли хўжалик хусусиятларга эга ва иқтисодий самарадор бўлган янги навларни яратиш бўйича ҳар бир экин тили бўйича мақсадли селекция ишлари олиб борилди.

Сабзавот ва полиз экинлари бўйича селекция ишлари институтнинг Сурхондарё илмий тажриба станциясида қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор М. В. Арамов раҳбарлигида қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Ж. Н. Нажиев, қишлоқ хўжалиги фанлари номзодлари Б. Т. Турдикулов, Б. Б. Бахрамов, А. Р. Хасанов ва Б. Саломовлар томонидан олиб борилган.


Арпабодиён тажриба станциясида селекция ишлари А. К. Каримов, А. А. Чернишева томонидан турп, бодринг экинлари бўйича олиб борилган. Бугунги кунда Ш. Аминов, М. Раҳимовлар томонидан помидор, бодринг, пиёз, турп, исмалоқ, жағ-жағ каби сабзавот экинлари бўйича олиб борилмоқда.

Қовун илмий тажриба станциясида қовун селекция ишлари селекционер Ф. Р. Бақомов раҳбарлигида С. Гулимов ва Г. Гулимовлар томонидан олиб борилган.

Помидор. Ўзбекистонда помидорнинг илмий селекция ишлари

А. Б. Никулина (1936–1960 й.) томонидан бошланган. Н. И. Вавилов номидаги ВИРнинг Самарқанд тажриба станцияси олимлари билан биргаликда помидор навларини яратиш бўйича селекция ишларини олиб борган. Натижада помидор популяцияларидан яқка тегишли усули билан илк бор Буденовка, Битан, Болхозний ва Гибрид-88 помидор навлари яратилди ва республикада кенг тарқатишда етиштириш бошланган.

Селекционер олим К. Ю. Юсупов помидорнинг йирик мевали навларини яратиш бўйича селекция ишлари олиб борган. Натижада меваси йирик (350–400 г) ва сизмати юқори бўлган Чудо рынка хўжалик навларини дурагайлаш услубида



Юсуповский нави.

сўнг раъма томонидан эртапишар, уртапишар ва кечпишар, юқори маҳсулдор, яхши истеъмол ва технологик сифатларига эга **Энсал** (1992 й.) ва **Заря Востока** (1994 й.) навлари ҳамда Ф. Ф. Расулов томонидан **Маснон – нави** (2020 й.) яратилган.

Сурхондарё илмий тажриба станциясида М. Х. Арамов, Б. Б. Бахромов, А. Хасановлар ширин қалампирнинг **Навруз** (2002 й.), **Тонг** (2005 й.) навини ва **Навруз – F₁** (2011 й.) дурагайини яратишган.

Анжик қалампир. Аччиқ қалампирнинг биринчи маҳаллий Маргеланский 330 нави **Давлат** реестрига 1950 йилда киритилган. Е. В. Ермолова ва Р. Ф. Мавлянова 2011 йилда **Анжик** селекцион манба асосида аччиқ қалампирнинг **Саид** навини яратишган.

Р. Низомов ва Н. Хушвақтов томонидан иссиқхоналар учун аччиқ қалампирнинг **Шарқ гавхари** нави яратилди ва 2022 йилда **Давлат** реестрига киритилди.

Бомбейон. Е. В. Ермолова томонидан яхши пастандачилик ва технологик сифатларга эга **Феруда** нави (1980 й.) яратилган. Е. В. Ермолова ва Р. Ф. Мавлянова **Феруз** навини (2013 й.) яратишди.

Сурхондарё илмий тажриба станциясида М. Х. Арамов ва Ж. Наджиев **Бақлажоннинг** **Заман – F₁** (2011 й.) дурагайини ва **Сурхон ғўзали** (2015) навини яратишди.


Бодринг Бодринг бўйича илмий селекция ишларини биринчи бўлиб М. Н. Кулакова 1940 йилларда бошлаган ва бодрингнинг бешта навини яратган. Булар: **Узбекиский 740** (1944 й.), **Маргеланский-822** (1946 й.), **Первенец Узбекистана 265** (1955 й.), **Ранний 645** (1964 й.), **Куйлюкский 262**. Бу навлар юқори сифатли таъмга эга бўлиб, бугунги кунгача **Давлат** реестрига киритилган ва улар ҳали ҳам сабзавоткорлар томонидан етиштирилмоқда.

1960 йилларда А. М. Аббасов бодринг бўйича селекция ишларини давом эттирди ва бодрингни **Ўзбекистонда** **Плодовитый 45** ва **Маргеланский 822** навларини дурагайлаш ёсида дастлабки **Ҳосилдор F₁** (1985 й.) дурагайини яратди. Кейинчалик **Гулноз** (1994 й.), **Наврўз** (2002 й.), **Зилол** (2008 й.) ва **Сафар** (2011 й.) навлари муаллифи бўлди.

Бодринг селекция ишларини А. М. Борасулов давом эттирди ва **Ифор**, **Шабнам** (2020 й.) навларини яратди.

Андижон илмий тажриба станциясида С. Абдурахмонов, Ш. Аминов, М. Комиловлар иссиқхоналарда ҳамда очик ерда етиштириш учун бодрингнинг **Дурафшон F₁** (2018 й.), **Дояра F₁** (2018 й.), **Сардор F₁** (2018 й.), **Ширин F₁** (2019 й.) ва **Эзгу F₁** (2022 й.) дурагайларини яратди.

Пиёз. Пиёз экини бўйича дастлабки селекция ишларини П. Н. Дудко (1937–1971 й.) томонидан 1937 йилда бошланган. Селекция ишлари натижасида пиёзнинг **Каба 132** (1946 й.), **Самаркандский красный-172** (1949 й.) ва **Маргеланский удлиненный** (1961 й.) навлари яратилган.



Маргилон 330 нави.



Кейинчалик А. М. Аббасов, Д. Максудходжаев ва Д. М. Исламова томонидан пиёз-нинг Истиқбол (1999 й.), Зафар (2002 й.), Сумбула (2003 й.) ва Ок дур (2013 й.) навлари яратилган. Р. А. Хакимов, М. Х. Арамов, Д. М. Исламова пиёзнинг эртапишар Равнақ (2019 й.) навини яратди.

Саримсоқ. Саримсоқнинг биринчи Южный фиолетовий нави 1972 йилда яратилган ва ҳозирги кунгача асосий майдонда экилмоқда.

Сурхондарё илмий тажриба станциясида М. Х. Арамов ва Б. Саломов саримсоқнинг Чидамли (2016 й.), сунгра 2020 йилда Сурхон, Жануб навларини яратишган.

Оқбош карам. П. Н. Дудко (1937–1971 йй.) томонидан оқ бош карам селекци-яси дастлаб 1937 йилда бошланган ва Судья Узбекский (1946 й.), Ташкентская 10 (1957 й.), Узбекистанская 133 (1961 й.) навларини яратди. Бу навлар бугунги кунда ҳам истеъмолчилар томонидан ҳамон харидоргир.

Селекция ишлари Э. А. Алиев (1978–1998 йй.) томонидан давом эттирилди. Ёзги экиш даврида етиштириш учун иссиққа чидамли Саратони (1995 й.), кечки муддатда экиш учун узоқ муддат сақланадиган Шаркия-2 (2002 й.) навини яратди.

Сурхондарё илмий тажриба станциясида М. Х. Арамов ва А. Р. Хасанов томонидан иссиқликка чидамли ўртапишар Термез 2500 (2004 й.) нави яратилди.

Сабзи. Сабзи буйича дастлабки селекция ишлари А. Г. Никулина томонидан ташкил этилган ва сабзининг Мирзои желтая 304 (1946 й.), Мшак-195 (1946 й.) ва Мирзои крас-ная 228 (1949 й.) навларини яратган. Ушбу навлар бугунги кунда ҳам Давлат реестрига киритилган ва сабзавоткорлар томонидан катта майдонларда етиштирилмоқда.

Кейинчалик Э. А. Алиев сабзининг сариқ рангли Нурли-70 (1993 й.) ва қизил рангли Зийнатли (1999 й.) навларини яратган.

Сурхондарё илмий тажриба станциясида М. Х. Арамов ва Б. Б. Бахромов сабзининг Фаровон (2014 й.) навини яратдилар.

Ош лавлаги. Институт олимлари танлаш усулидан фойдаланиб, ош лавлагининг Бордо 237 навини яратишган. Кейинчалик ош лавлаги буйича селекция ишлари 2000 йилларда М. Х. Арамов ва Г. А. Эргашев томонидан бошланган бўлиб, юқори ҳосилдор, яхши пазандалик хусусиятларига эга Диёр (2010 й.) ва Ягона (2014 й.) навлари яратилган.

Шолғом. Шолғомнинг Наманганская местная ва Самаркандская местная (1949 й.) Давлат реестрига киритилиб, республиканинг барча вилоятларида етиштирилади.

Б. Т. Турдикулов томонидан янги экин тури — салат шолғоми Муяссар (2004 й.), М. Х. Арамов ва А. Рахматов томонидан салат шолғомнинг Гулшод (2018 й.) ва барг шолғомнинг Дармон (2018 й.) навлари яратилди.

Турп. Андижон илмий тажриба станциясида А. А. Чернышева турпнинг юқори таъм ва шифо фазилатларга эга Андижон-9 (1992 й.) навини яратган.

Сурхондарё илмий тажриба станциясида Б. Т. Турдикулов томонидан янги экин тури — дайкон Содиқ (2004 й.) нави яратилди.

Редиска. А. С. Хакимов қалин илдизмевалари ичи ва яхши таъми билан ажралиб турадиган эртапишар оқ редисканинг Эртапишар (1981 й.) ва қизил редисканинг Лола (2004 й.) навларини яратди.

Бамия. Б. А. Иброхимов ва Р. Низомов томонидан бамиянинг эртапишар, юқори маҳсулдор Тошкент тухфаси, Замин ва Шафақ янги навлари яратилди.

Кўкат сабзавот экинлар. В. А. Серкова, А. М. Аббасов, Р. Ф. Мавлянова томонидан кўропнинг Ором (2001 й.), салатнинг Кўк шох (2002 й.) ва кашничнинг Орзу (1999 й.) навлари яратилган.

Сурхондарё илмий тажриба станциясида М. Х. Арамов, Б. Т. Турдикулов ва бошқалар петрушканинг Нилуфар (2002 й.), исмалоқнинг Нафис (2001 й.), арпабодиённинг Шайо (2004 й.), селдерейнинг Сербарг (2008 й.), райҳоннинг Ихлос (2022 й.) навларини яратишган.

Анджон илмий тажриба станциясида Ш. Аминов, М. Комилов ва бошқалар томонидан исмалоқнинг Ҳосилдор, Ҳосилдор-1 (2018 й.), жағ-жағнинг Барра (2018 й.), қимбилнинг Хуштаъм (2022 й.) навлари яратилган.

Қовоқча. М. Н. Кулакова қовоқчанинг Греческие 110 (1950 й.) навини яратди ва ушбу навдаги ҳам сабзавотчилар томонидан етиштирилади. Кейинчалик 2015–2021 йилларда Ш. Р. Арипова қ.х.ф.д., профессор С. И. Дусмуратова бошчилигида қовоқчанинг янги навларини яратиш бўйича селекция ишларини олиб бориб, аналитик селекция услуги ёрдамида ўртапишар, серҳосил, ихчам палакли Орбита, Вириди ва Ҳилол навларини яратдилар.

Тарвуз. Тарвуз селекцияси бўйича ишлар илк бор А. Г. Никулина томонидан ташкил этилган ва Король Кубы 92 (1949 й.), Қўзибой 30 (1949 й.), Узбекский 452 (1951 й.) навлари яратилган.

Селекция ишлари С. К. Кучкаров томонидан давом эттирилган ва кечпишар Гулистон (1984 й.) нави яратилган. С. К. Кучкаров ва Р. А. Ҳакимов томонидан 1994 йилда Девноз нави яратилди.

М. У. Ҳалимова 1997 йилда ультраэртапишар Учинбой навини яратди. Селекция ишлари Р. А. Ҳакимов ва М. У. Ҳалимова томонидан давом эттирилиб, тарвузнинг Мансур (2001 й.), Шарқ неъмат (2012 й.), Салкин (2017 й.) навлари ва Чиллаки F₁ (2019 й.) дурагаи яратилган.

Сурхондарё илмий тажриба станциясида Б. Турдикулов Сурхон тонги (2001 й.) навини яратди.

Қовун қовун селекциясининг биринчи борончада маҳаллий навларнинг турли генотипларидаги популяциялардан якка



Қўзибой 30 нави.



*Чап тарафда қовуннинг Шакар палак 554 нави, унг тарафда ун шудрингга чидамли
Кутана ва ўртадаги биринчи авлод дурагайи*

танлаш усули билан илмий ишлар бошланган. Селекционер П. Н. Дудко қовунни Куй-баш-476 (1939 й.), Хандалак кокча (1946 й.), Кокча 588 (1949 й.) ва М. Н. Кулакова Ташлаки 862 (1959 й.) навларини яратган.

Селекционер А. С. Хакимов қовуннинг Байти курган (1960 й.), Ак-уруг 1137 (1967 й.), Кок тинни 1087 (1969 й.) ва Ич-кизил крупноплодная (1972 й.) навларини яратган. Ушбу навлар бугунги кунда Давлат реестрида ва ишлаб чиқаришда катта майдонларда экиб келинмоқда.

Ўтган асрнинг 70-йиллари бошида селекционер А. С. Щукина ва фитопатолог С. Т. Песцова қовуннинг фузариоз ва ун шудринг касаллигига чидамли навлари селекцияси бўйича ишларни бошлашди.

Маҳаллий навларни Япониядан келтирилган касалликка чидамли ярим маданий Кутана ва Куруме навларига чатиштириш ва бир неча марта қайта чатиштириш (бекросс) натижасида ҳосилдор, сифат кўрсаткичлари юқори, ун шудринг касаллигига чидамли Ширали (1982 й.), Суюнчи (1982 й.), Ғалаба (1984 й.), Олтин тепа (1989 й.), Туёна (1991 й.) ва Лаззатли (1991 й.) навлари яратилган.

Селекционер А. С. Щукина ишларини шоғирдлари — селекционерлар



Зар гулоби нави.

Р. А. Ҳақимов, М. У. Ҳалимова, С. Акбаров, С. Гулимов, Г. Гулимовлар давом эттирган. Навлар томонидан Зарчапан F₁ (1990 й.) дурагайи ҳамда Олтин водий (1997 й.), Гурлан (1998 й.), Амударё (2000 й.), Гулобий Хоразмий (2002 й.), Зар Гулоби (2002 й.), Суюнчи 2 (2002 й.), Саховат (2007 й.), Кичкинтой (2010 й.), Дилхуш (2014 й.), Кук мағиз (2019 й.), Ютоб (2022й.) навлари яратилган.

М. У. Ҳалимова томонидан қовуннинг ультраэртапишар Роҳат (1997 й.) нави яратилган.

Қовоқ. Қовоқ биринчи марта Испанская-73 (1949 й.) ва Палов каду-268 (1950 й.) навлари М. Н. Кулакова томонидан яқка танлаш усули билан яратилган. Бу навлар бугунги кунда ҳам ишлаб чиқаришда катта майдонларда етиштирилади ва юқори талабга эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган барча навларга муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк Агентлиги томонидан яратилган сабзавот, полиз экинлари навларига 2 та патент олинди ва 27 навга патент олиш учун қонунлар топширилган.

Институт сабзавотчилик ва қовунчилик лабораторияси олимлари коллекцияларини қўлдан ва республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитига яхши мослашган янги навларни яратиш учун истиқболли манба материални ажратиш бўйича тадқиқотларни давом эттирмоқдалар.

Тазирги кунда институт олимлари томонидан яратилган навлар республикамизнинг турли ҳудудларида маҳаллий бозор ва маҳсулот экспортини таъминлаш, фермерларнинг даромадларини ошириш ва аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қўшган ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги илмий ташкилотларнинг тизимларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 601-сонли қарори билан Сабзавот ва полиз экинлари лабораторияси негизда сабзавот экинлари генетикаси ва селекцияси лабораторияси ва полиз экинлари генетикаси ва селекцияси лабораторияси ташкил этилди. Сабзавот экинлари генетикаси ва селекцияси лабораториясига қишлоқ хўжалиги фалсафа фанлари номзоди Б. Саломов ва полиз экинлари генетикаси ва селекцияси лабораториясига қишлоқ хўжалиги номзоди Р. А. Ҳақимов раҳбарлик қилмоқда.



Р. А. Ҳакимов, М. У. Ҳалимова, С. Акбаров, С. Гулимов, Г. Гулимовлар давом эттирган. Ушбу томонидан Зарчапан F₁ (1990 й.) дурагайи ҳамда Олтин водий (1997 й.), Гурлан (1998 й.), Амударе (2000 й.), Гулобий Хоразмий (2002 й.), Зар Гулоби (2002 й.), Суюнчи 2 (2003 й.), Саховат (2007 й.), Кичкинтой (2010 й.), Дилхуш (2014 й.), Кук мағиз (2019 й.), Дастоб (2022й.) навлари яратилган.

М. У. Ҳалимова томонидан қовуннинг ультраэртапишар Роҳат (1997 й.) нави яратилган.

Қозоқ Қовоқ биринчи марта Испанская-73 (1949 й.) ва Палов каду-268 (1950 й.) навлари М. Н. Кулакова томонидан якка танлаш усули билан яратилган. Бу навлар Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришда катта майдонларда етиштирилади ва юқори таъмига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган барча навларга муаллифлик гувоҳномалари олинган.


Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк Агентлиги томонидан яратилган Қобзавот, полиз экинлари навларига 2 та патент олинди ва 27 навга патент олиш учун қўғишлар топширилган.

Институт сабзавотчилик ва қовунчилик лабораторияси олимлари коллекцияларини ўзлаштириш ва республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитига яхши мослашган янги навларни яратиш учун истиқболли манба материални ажратиш бўйича тадқиқот-таъминоти давом эттирмоқдалар.

Қозоқда кунда институт олимлари томонидан яратилган навлар республикамизнинг турли ҳудудларида маҳаллий бозор ва маҳсулот экспортини таъминлаш, фермерларнинг даромадларини ошириш ва аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга асосли ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги инновациялар миллий маркази тизимидаги илмий ташкилотларнинг "Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжалиги генетикаси ва селекцияси лабораториясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 601-сонли қарори билан Сабзавот ва полиз экинлари генетикаси ва селекцияси лабораторияси негизида сабзавот экинлари генетикаси ва селекцияси лабораторияси ва полиз экинлари генетикаси ва селекцияси лабораторияси ташкил этилди. Сабзавот экинлари генетикаси ва селекцияси лабораториясига қишлоқ хўжалиги фалсафа фанлари номзоди Б. Саломов ва полиз экинлари генетикаси ва селекцияси лабораториясига қишлоқ хўжалиги номзоди Р. А. Ҳакимов раҳбарлик қилмоқда.

Лаборатияда олиб борилган тадқиқот ишлари жараёнидан фотолавҳалар



Помидорнинг машхур “Юсупов” нави
муаллифи селекционер Карим Юсупов.



Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди,
селекционер Кучкаров Сайфиддин
Кучкарович қовун навлари коллекциясини
баҳоламоқда.



Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди
селекционер Кулакова Мария Николаевна
илмий изланишларининг натижасини
урганмоқда.



Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди,
селекционер Щукина Анфиса Семеновна
қовун намуналари қанд миқдорини
аниқламоқда.





и номзоди
я Николаевна
натижасини



и номзоди,
са Семеновна
миқдорини



лок хужалиги фанлари номзоди
селекционер А. С. Ҳақимов қовун
селекцияси жараёнида.



Лаборатория мудури, қ.х.ф.н. Р. Ҳақимов,
етакчи илмий ходим, қ.х.ф.н. Е. Ермолова,
кичик илмий ходим, қ.х.ф.н. М. Ҳалимова,
лаборантлар Д. Исломова,
А. Борасулов.



етакчи илмий ходим, қ.х.ф.н. М. Ҳалимова
кичик илмий ходим Ш. Арипова тарвуз
селекцияси даласида.



Лаборатория мудури Р. А. Ҳақимов
бошчилигида Д. М. Исломова,
А.М. Аббасов, Е. В. Ермолова ва
М. У. Ҳалимова, яратилган навларни
тавсифлаш жараёни.



Селекционер, қ.х.ф.н. А.М. Аббасов бодринг
селекция даласида.



Етакчи илмий ходим, қ.х.ф.н. Е. Ермолова,
кичик илмий ходим А. Борасулов,
лаборантлар М. Юнусова ва Г. Қодирова.





*Е. В. Ермолова ва А.М. Аббасов,
бақлажоннинг Феруз нави.*



Д. М. Исломов ва пиёз селекцияси даласида.



*Е. В. Ермолова ва Б. А. Каримов,
помидорнинг истиқболли линияси.*



*А. М. Борасулов бодринг селекция
даласида.*



Сабзавот ва полиз экинлари уруғчилиги лабораторияси

1933 йилда зонал сабзавот тажриба станцияси ташкил этилиши билан сабзавот ва полиз экинларининг уруғчилик ишлари бошланди.

Қишлоқ хўжалигининг фахрий олимлари Н. В. Сидоров, Н. В. Рейхаль, П. С. Дряпина, Б. А. Мухина, П. Н. Мазукина, Н. С. Пятницкийлар томонидан станцияда сабзавот ва полиз экинлари уруғчилик ишлари илмий асосда йўлга қўйилди.

ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ УРУҒЧИЛИК ИШЛАРИНИ АСОСДА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ:

Республикада сабзавот, полиз экинларининг уруғчилик ва уруғшуносликдаги илмий тадқиқот ишларини олиб боришда ҳамда суперэлита ва элита уруғларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришда Г. О. Земан, В. Н. Ермохин, А. Г. Никулина, П. Н. Дудко, М. Н. Кулакова, А. С. Ҳақимов, С. К. Кучкаров, А. М. Аббасов, А. А. Тошмухамедов, А. А. Каримов, А. М. Мустаев, Т. Сағдуллаев, Ш. Карабаев, В. П. Черников, М. З. Умарова, Б. Абдуллаев, Ж. Абдуваҳабов, М. Мирзиётов, Ш. Махамадаминов, Н. Ибрагимов, Р. Турааматов, Б. Каримов ва бошқа олимларнинг ҳиссаси катта бўлган.

Сабзавот ва полиз экинлари уруғчилиги лабораторияси институтнинг селекция ва уруғчилик бўлими таркибида 1961 йилда ташкил этилди. Лабораторияга 1961 йилдан 1997 йилгача Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди А. С. Ҳақимов раҳбарлик қилган.

Лабораторияга 1997–2008 йилларда А. М. Мустаев, 2008–2010 йилларда А. М. Аббасов, 2010–2018 йилларда М. Мирзиётов, 2018–2020 йилларда Ш. Махамадаминов раҳбарлик қилган. 2022 йилдан лабораторияга қ.х.ф.д. М. М. Мирзасолиев раҳбарлик қилмоқда.

Лабораторияда сабзавот ва полиз экинлар уруғчилиги самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган усуллар ишлаб чиқилди.



Карабаев салат баргининг уруғлик жиғимликлари биометрик таҳлилинι утказмоқда (1959 й.).




Т. Сағдуллаев ва А. С. Ҳақимов қовоқчанинг уруғлик меваларини кўздан кечириш жараёнида (1974 й.).


Уруғшунослик ва бирламчи уруғчиликка оид олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари бирламчи уруғчиликда якка, оилавий ва оммавий танлаш усулларини яхшилаш, республика уруғчилик хўжаликларини мавжуд ва янги яратилган навларнинг юқори сифатли уруғлари билан таъминлаш имконини берди. Сабзавот ва полиз экинлари уруғларининг ҳосили ва сифатини оширишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди ва ишлаб чиқаришга жорий қилинди.



А. С. Ҳақимов



А. Тошмухамедов




А. А. Қаримов




А. М. Мустаев




Т. Сағдуллаев



М. З. Умарова



М. Мирзиётов



Н. У. Ибрагимов

Сабзавот ва полиз экинлари уруғчилигини ташкил этишнинг энг яхши минтақалари аниқланди. Пиёз, сабзи, бодринг, лавлаги ва бошқа экинлар уруғларини етиштиришнинг бир қатор янги технологиялари ишлаб чиқилди. Икки йиллик сабзавот экинларининг (пиёз, сабзи, карам, лавлаги) оналик меваларини экиш схемалари ва муддатлари аниқланди. Эртапишар карам навларининг уруғликларини ва сабзининг илдизмеваларини кўчирмасдан жойида қолдириб етиштириш технологиялари ишлаб чиқилган.

Сабзавот ва полиз экинлари уруғликларини йиғиштириш муддатлари ва уларни қайта ишлаш давридаги технологиялари ишлаб чиқилди. Сабзавот ва полиз экинларининг уруғликларига минерал ўғитларни қўллаш муддатлари ва меъёрлари тавсия этилди.

Турли микроэлементлардан фойдаланган ҳолда уруғликларнинг унувчанлигини ошириш технологияси, сабзавот уруғларини турли идишларда сақлаш технологияси ишлаб чиқилган.

Лабораторияда бу муаммоларни ҳал қилиш билан бирга, сабзавот ва полиз экинларининг уруғлари сифатини яхшилаш ва ҳосилдорлигини ошириш масалалари урганланган.

Институтнинг Тошкент тажриба участкаси ва Андижон, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларидаги илмий тажриба станцияларида лаборатория ходимлари раҳбарлигида сабзавот ва полиз экинлари навларининг бирламчи уруғчилиги ишлари олиб борилган.

Республикада сабзавот ва полиз экинларининг бирламчи уруғчилигини ривожлантиришда салмоқли ҳисса қўшган тажриба станция раҳбарлари: Тошкент тажриба участкасида Ж. Шукуров, И. Миниров, Р. Алиев, Андижон илмий тажриба станциясида Н. Мамеджанов, Т. Каримов, Ш. Аминов, Бухоро илмий тажриба станциясида Ф. Ш. Раджапов, Самарқанд илмий тажриба станциясида И. М. Ашероф, И. А. Тагаев, Сурхондарё илмий тажриба станциясида С. Алламуратов, Сирдарё илмий тажриба станциясида С. Халилов, М. Хайдаров, Хоразм илмий тажриба станциясида К. Шарипов, А. Аминов, Ю. Юсупов, С. Гулимов, Г. Гулимов ва бошқалар.

Институт республикада уруғчилик хўжаликларини сабзавот ва полиз экинларининг бирламчи уруғчилик билан тизимли таъминлаб келмоқда.

Уруғчилик лабораториясида турли экинларнинг уруғларини етиштириш учун биологик асосланган, ресурсларни тежайдиган технологияларни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқаришда турли хил сабзавот ва полиз экинларининг навларини уруғлик экинларини зонал талабларнинг илмий асосланган усуллари, уруғларни йиғиш, тозалаш ва сақлаш усуллари республикада уруғлик ишлаб чиқариш тизимини ривожлантириш, суперэлита ва элита усулларининг ҳосилдорлигини ва сифатини ошириш имконини берди.

Лабораторияда олиб борилган тадқиқот ишлари жараёнидан фотолар



Лабораторияда олиб борилган тадқиқот ишлари жараёнидан фотолар
Т. Сагдуллаев ва А. С. Ҳакимов карам уруғчилиги даласида (1965й.).



*А. С. Ҳақимов қарам уруғлик
ўсимликларини кўздан кечирмоқда.*



*Сабзи ўсимликларининг тўпгулларини
кўздан кечирмоқда.*



А. М. Мустаев бошчилигида сабзи уруғликлари кўздан кечирилмоқда (2005й.).





Ш. Мамадаминов ва Н. У. Ибрагимов
«овоқ уруғ чилик майдонида».



Ш. Мамадаминов бодринг уруғ чилик
майдонида.



М. Мирзиётов карам уруғлик ўсимликларини кўздан кечирмоқда.



Картошкачилик ва уругчилик лабораторияси

Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди О. Я. Фоница 1938 йилдан бошлаб ва қирқ йилдан ортиқ давомида лабораторияни бошқарган. Шундан сўнг лабораторияни қишлоқ хўжалиги фанлари номзодлари П. Ф. Черников, И. А. Эсанов, биология фанлари номзоди Е. И. Байтуреев, қ.х.ф.н. А. И. Расулов бошқарган. 2021 йилдан бошлаб қ.х.ф.д. С. С. Лапасов бошқариб келмоқда.

Лабораторияда илмий изланишларни олиб бориб катта ҳисса қўшган олимлар А. Обидов, Ж. Ризамухамедов, Р. Юнусов, А. Г. Мартыненко, Б. Д. Азимов, Б. Б. Азимов, В. Д. Прякин, Г. Ходжаев, Н. Усманбеков, Я. Ахмедзянова, М. П. Галицкий, П. Ф. Черников, Т. Раджапов, А. И. Нуриддинов, Г. В. Песцов, П. Г. Джуров, С. Ризаев, Р. А. Низомов, М. Расулов, Д.Т. Турсунов, С. С. Лапасов, О. Исмоилов ва бошқалардир.



О. Я. Фоница



А. Обидов



П. Ф. Черников



В. Д. Прякин



К. И. Байтуреев



И. А. Эсанов




Я. Г. Ахмедзянова



А. И. Расулов



Д. А. Халиков



М. А. Расулов



Д. Т. Турсунов



О. С. Исмоилов

Лабораториянинг асосий фаолияти Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитига мос навларни яратиш, эртаки ва кечки муддатларда картошка маҳсулотини ва уруғликларини етиштириш муддатларида етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда бошқа турли муаммолар ечимини топишдан иборат бўлган.

Институт ташкил этилган даврдан бошлаб 50 йил давомида лабораторияда қуйидаги илмий натижаларга эришилган:

- картошканинг ўсув даври ва сақлаш давомида учрайдиган вирусли касалликлари морфологик белгилари, кўпайиши ва уларга қарши курашиш усуллари ишлаб чиқилган;
- картошка уруғчилигининг тизимига асосланган (кечки ёзги экин экиш муддатида уруғлик картошкаларни етиштириш, суғориш тартиботини ишлаб чиқиш, уруғчилик маҳсадида тоғли ҳудудлардан фойдаланиш);
- картошка етиштиришда органик ва минерал ўғитлар сарфи ва озиқлантириш муддати аниқланган, ўғитларнинг маҳсулот сифатига таъсири комплекс баҳоланган; турли мамлакатлардан келтирилган 2000 та нав намуналари баҳоланган, 200 та нав намунанинг чангчилари тузилиши ўрганилган, селекция услубларини қўллаш ва навларни яратиш ишлари амалга оширилган;
- турли экиш муддатларида экиш олдидан туганакларнинг яровизация таъсирини кеч камровли ўрганилган ва эрта баҳорги муддатда яровизациянинг юқори самаралиги аниқланган;
- кечки картошка етиштириш муддатида турли ўсув даврига эга бўлган навларни маҳсулот ва уруғлик мақсадида етиштиришнинг ҳосилдорлигига, товарбоп ҳосилига, уруғлик сифатига ва уруғлик туганакларнинг ҳосил бўлишига таъсири ўрганилган;
- картошка етиштиришда янги механизациялашган технология ишлаб чиқилган.

Д.А. Бонина картошка коллекциясини ўрганиб, истиқболли навларни аниқлаган, селекция ишларини амалга оширган ва картошка навларини яратган. У нафақат картошканиликнинг услубий асосларини яратди, балки экиш муддатларини, агро-технологиясини ва картошкани сақлашни ўрганиб чиқди, шунингдек, икки ҳосилли навларни уруғчилик асосларини яратди.

1975 йилнинг 40-йилларидан бошлаб Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида картошканиликни ошириш учун картошкачиликка катта эътибор берилган. Бу даврда картошка етиштиришнинг агротехник усуллари ишлаб чиқиш, жумладан, тупроқ фойдаланиш муддатлари ва схемалари, суғориш, ўғитлар, касаллик ва зараркунанда-лардан ҳимоя қилиш буйича илмий изланишлар олиб борилди.

1975 йилда селекционер А. Обидов республикада биринчи бўлиб картошканинг навалини Обидов-2 навини яратди. Нав йигирма йилдан буён ишлаб чиқаришда кенг қўлланадиган етиштирилган.

1975 йилдан 80-йилларидан бошлаб институтда картошкачиликка катта эътибор берилган. Россиядаги картошкачилик илмий-тадқиқот институтидан 250 та намуна келиб қолди, булар ўрганиб чиқилди ва кейинчалик селекцион клонлари танлаб олинди.



Лабораториянинг асосий фаолияти Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитига мос навларни яратиш, эртаки ва кечки муддатларда картошка маҳсулотини ва уруғликларини етиштириш муддатларида етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда картошка турли муаммолар ечимини топишдан иборат бўлган.

Институт ташкил этилган даврдан бошлаб 50 йил давомида лабораторияда қуйидагиларни натижаларга эришилган:

Картошканинг ўсув даври ва сақлаш давомида учрайдиган вирусли касалликлари патологияларнинг белгилари, кўпайиши ва уларга қарши курашиш усуллари ишлаб чиқилган;

Картошка уруғчилигининг тизимига асосланган (кечки ёзги экин экиш муддатида картошка картошкаларни етиштириш, суғориш тартиботини ишлаб чиқиш, уруғчилик мақсадида тоғли худудлардан фойдаланиш);

Картошка етиштиришда органик ва минерал ўғитлар сарфи ва озиклантириш мақсадида аниқланган, ўғитларнинг маҳсулот сифатига таъсири комплекс баҳоланган;

Ўзбекистон мамлакатлардан келтирилган 2000 та нав намуналари баҳоланган, 200 та навларнинг чангчилари тузилиши ўрганилган, селекция услубларини қўллаш мақсадида яратиш ишлари амалга оширилган;

Ўзбекистон экин муддатларида экиш олдидан туганакларнинг яровизация таъсирини баҳолаш мақсадида ўрганилган ва эрта баҳорги муддатда яровизациянинг юқори самарадорлиги аниқланган;

Кечки картошка етиштириш муддатида турли ўсув даврига эга бўлган навларни маҳсулот ва уруғлик мақсадида етиштиришнинг ҳосилдорлигига, товарбop ҳосилига, яровизация сифатига ва уруғлик туганакларнинг ҳосил бўлишига таъсири ўрганилган;

Картошка етиштиришда янги механизациялашган технология ишлаб чиқилган.

1957 йили картошка коллекциясини ўрганиб, истиқболли навларни аниқлаган, эртаки ва кечки навларини амалга оширган ва картошка навларини яратган. У нафақат картошканингнинг услубий асосларини яратди, балки экин муддатларини, агро-технологиясини ва картошкани сақлашни ўрганиб чиқди, шунингдек, икки ҳосилли ва янги уруғчилик асосларини яратди.

1958 йили 40-йилларидан бошлаб Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида картошканингни ошириш учун картошкачиликка катта эътибор берилган. Бу даврда картошка етиштиришнинг агротехник усуллари ишлаб чиқиш, жумладан, тупроқ фидолиги, экин муддатлари ва схемалари, суғориш, ўғитлар, касаллик ва зараркунандачилар билан кураш бўйича илмий изланишлар олиб борилди.

1955 йилда селекционер А. Обидов республикада биринчи бўлиб картошканинг «Обидов-2» навини яратди. Нав йигирма йилдан буён ишлаб чиқаришда қўлланмоқда етиштирилган.

1970 йилнинг 80-йилларидан бошлаб институтда картошкачиликка катта эътибор берилган. Россиядаги картошкачилик илмий-тадқиқот институтидан 250 та намуна келтирилиб, улар ўрганиб чиқилди ва кейинчалик селекцион клонлари танлаб олинди.



Натижада, Тўйимли (1995 й.), Ақраб (1996 й.), Умид (2001 й.) навлари яратилган ва Давлат Реестрига киритилган.

Картошка экинни етиштиришни илмий асослашда Н. Н. Балашовнинг хизмати катта.

П. Ф. Черников юқори ва паст ҳароратни картошка ўсимталарининг ўсишига таъсири, ўсимликларни тупроқ билан қумилишининг ҳосилдорликка таъсири бўйича тадқиқотларни олиб борди.

Я. Г. Аҳметзянова ҳосилдорликни ошириш учун экиш муддатлари, суғориш ва ишлов беришнинг таъсирини ўрганиб чиқди. У картошка етиштириш учун ботаник уруғидан фойдаланиш усулини ҳам ишлаб чиққан.

К. И. Байтураев янги навларни яратиш учун картошка коллекциясини ўрганиб чиқди ва маҳаллий картошка навларининг уруғчилигини йўлга қўйди. 1984 йилда у картошка дурагайларни 3 (9), 24 (1) ва БКИ яратган.

А. И. Расулов картошкани сақлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқди. У картошка маҳаллий янги навларини яратиш ва уруғчилик ишларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Картошканинг селекция иши ва кўпайтиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда 1995 йилда картошка бўлими картошка етиштириш ва уруғчилик лабораториясига айлантирилди. Лабораторияга қ.х.ф.н. А. И. Расулов раҳбарлик қилди. Тадқиқотчилардан Д. Т. Турсунов, Д. А. Халиков, Р. А. Низомов, М. А. Расулов лабораторияда тадқиқот ишларини олиб боришди. Ҳозирги кунда лабораторияда илмий тадқиқот ишларини С. С. Лапасов, Д. Т. Турсунов, М. А. Расулов, О. Исмоилов ва Ж. Рахматуллаев олиб бормоқдалар.

Илмий тадқиқотлар асосида лаборатория олимлари томонидан картошка навларини зонал жойлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди, баҳорги экиш даврида картошкани етиштириш ва республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитида юқори ҳосил олиш учун такрорий экин сифатида мақбул экиш муддатлари ва етиштириш технологиялари ишлаб чиқилди. Картошка навлари учун уруғчилик тизими ташкил қилинди. Картошка туганакларининг сақлаш шароитини яхшилаш ва уларнинг сифатини ошириш учун усуллар тавсия этилди.

Картошка уруғлик материални такомиллаштириш ва апикал меристем усули ёрдамида вируссиз асосга ўтказиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Биоорганика институти биотехнология маркази билан самарали ҳамкорлик натижасида *in-vitro* усули ёрдамида янги картошка навларини вируссиз уруғчилиги йўлга қўйилди. Лаборатория шароитида такомиллашган манба материални поянинг бўғимлари сонига кўра микро-қаламча усулда кўпайтириш технологияси ишлаб чиқилган. Вируссиз картошка уруғчилиги бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Республикамизда картошка ассортиментини кенгайтириш ва селекциясига катта эътибор берилган. Республиканинг тупроқ-иқлим шароитида синовдан ўтказиш учун Голландия ва Германия нав намуналари олиб келинди. Натижада Голландиядан

келтирилган 36 нав ва Германиядан келтирилган 12 нав Давлат Реестрига киритиш учун тавсия этилди.

Картошка экинини ўрганиш ва селекция ишлари натижасида институт олимлари томонидан яхши таъм ва технологик сифатларга эга бўлган юқори маҳсулдор картошка навлари яратилди.

Лаборатория олимлари томонидан картошкани Тўйимли (1995 й.), Ақраб (1996 й.), Умид (2001 й.) ҳамда А. И. Расулов томонидан Диёра (2008 й.), Кўксарой (2010 й.), Умид-2 (2013 й.), Серҳосил (2011 й.), Сарнав (2012 й.) ва Пском (2012 й.) навлари яратилган.

Кейинчалик картошканинг Феруза (2012 й.), Умид 2 (2013 й.) ва Барака (2016 й.) навлари яратилди.

Бу картошка навларининг барчаси Давлат Реестрига киритилган ва республиканинг турли ҳудудларида етиштирилади.

Картошка экинининг майдонларини кенгайтириш ва аҳолини сифатли маҳсулот билан таъминлаш мақсадида янги картошка навлари яратиш бўйича селекция ишлари ҳамда уларни замонавий усулларда етиштириш технологияси бўйича илмий қўллаш давом этмоқда.



Ақраб нави.



Лаборатория мудири А. И. Расулов ва тадқиқотчи Д.А. Халиков билан яратилган картошка навларини морфологик баҳоламоқда.



Лаборатория ходимлари картошка етиштирилаётган майдонда.



Дала тажрибаларини апробациядан утказиш жараёни.




Ҳимояланган ерда сабзавотчилик лабораторияси

Мавсумдан ташқари даврда илмий асосланган сабзавотчиликни ривожлантириш мақсурати туфайли, 1935 йилда тажриба станциясида технология ва механизация бўлими қошида ҳимояланган ер сектори ташкил этилди.

1935–1940 йилларда бу секторга М. Я. Мухина раҳбарлик қилди. Унинг раҳбарлигида тадқиқотлар ўтказилиб, иссиқхона ва кўчатхоналарда сабзавот экинлари кўчатларини етиштириш технологиялари ишлаб чиқилди. Помидор ва бодринг навлари импортовдан ўтказилиб, иссиқхоналарда етиштириш учун тавсия этилган.

Ҳейинчалик ҳимояланган ер бўлими 1962 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг биринчи раҳбари 1971 йилгача қ.х.ф. д. В. Я. Волков бўлди. 60–70 йилларда иссиқхоналарнинг сезиларли даражада ривожланиши, янги иссиқхона конструкцияларининг юртимизда sanoat даражасида кўчатларни ва сабзавотларни етиштиришнинг илмий асослаш ишларини олиб боришни тақозо этди.

Бу даврда иссиқхоналарда кўчат ва сабзавот етиштириш усуллари ишлаб чиқилди. Ҳаринингдан интенсив фойдаланиш усуллари тавсия этилиб, шу майдонда юқори сифатли помидор кўчатлари ва эрта сабзавот етиштириш имконини берди. Кўчатхоналарда таналли иситиш усули тавсия этилди, бу эса органик ўғитдан фойдаланишни ярмига камайтирди. Гуруч пўстининг субстратида кўчатларни ўстириш усули ишлаб чиқилган ва бу даврда ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилган. Гидропоника усулида тупроқсиз сабзавотлар ва плёнка остида сабзавотларни етиштириш технологияси ишлаб чиқилди.



Институт ҳудудида иссиқхона қурилиши (1964 й.).



М. Я. Мухина



Н. С. Бақурас



Е. Г. Лучинина



К. К. Луценкова

Экинларни навбатлаб экиш тизимлари кўчатхоналарда, иситиладиган тупроқларда ва совуқ кўчатхоналар учун агроэкономик асослар берилди.

Иситиладиган ва плёнкали иссиқхоналарда очиқ майдонларга 40–45 кун эрта кўчат етиштириш имконини берувчи янги усул яратилди. Иситиш услублари ва экин такрорланишига асосланган ҳолда иссиқхоналардан фойдаланишнинг технологик харитаси ишлаб чиқилди.

Иссиқхонада помидор етиштириш учун илмий асосланган экиш муддатлари: куз — қиш, қиш — баҳор ва утиш даврлари белгиланди. Ҳар бир экиш муддати учун иссиқхоналарда сабзавот етиштириш технологияси ишлаб чиқилган, жумладан, экин тури, нав ва дурагайлар, кўчат етиштириш ва иссиқхонада уруғларни экиш ва кўчатларни иссиқхонага экиш муддатлари, ўсимликларга шакл бериш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган.

Барча муддатларда (кузги-қишки, утиш, қишки-баҳорги) помидор ва бодринг экинларининг уруғларини ва кўчатларини экиш муддатлари ҳамда бодринг етиштиришда энг яхши палак шакл бир пояли ва экиш схемаси $70 \times 30 - 35$ см ва $((35 + 70 + 35)/2) \times 25$ см эканлиги аниқланди.

Иссиқхонада етиштиришга мос нав намуналарини ўрганиш, истиқболлиларини ажратиш ҳамда янги нав намуналарини яратиш бўйича кўпгина илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Янги навларни яратиш бўйича олиб борилган селекция ишлари натижасида помидорнинг Ташкентский тепличный, Умид, Южанка, Гулқанд, Баҳор навлари яратилди.

Иссиқхоналарда етиштириш учун Я. В. Волков томонидан бодрингни ВИР-1 ва ВИР-2 навлари ҳаммуаллифликда яратилган ва туманлаштирилган.

1972–1991 йилларда ҳимояланган ер лабораториясига Н. С. Бақурас мудир бўлди. Лабораторияда К. К. Луценкова, Е. Г. Лучинина, Н. И. Победоносцева, Е. Е. Лян, Д. В. Катанов, Д. Умаров, О. Н. Черныш, С. Латыпова., М. Альбеков, П. Г. Джуров, У. Сапаров, М. Умаров, Д. Джумаклычев, Н. Нораева, Г. Урабова, А. П. Пушкарская, Е. В. Москвинова, Б. М. Хошимхўжаев, В. В. Ким ва бошқалар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.



*Гулқанд нави.**Турон нави.*

йилликда яққол намоён бўлди. Бу сезиларли даражада ишлаб чиқарувчилар даромадларининг ошиши, мавсумдан ташқари даврда юқори сифатли маҳсулотлар билан аҳоли таъминланиши ва сабзавот маҳсулотлари экспортининг ошишига сабаб бўлди.

Республикада иссиқхонада помидор етиштириш технологиясини янада ривожлантириш мақсадида 2013–2017 йилларда ҳосилдорлик ва маҳсулот сифатини ошириш учун иссиқхонада помидорнинг Гулқанд, АВЕ-Мария ва Марварид навларини ҳамда очиқмайдонда ТМК 22 ва Дўстлик навларини вегетатив усулда илк бора пайвандлаш ишлари олиб борилди.

Натижада, Б. А. Каримов ва Р. Ф. Мавлянова томонидан ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқаришга жорий этиш учун ҳимояланган ва очиқ ерга помидор учун вегетатив пайвандлаш технологияси тавсия этилган. Илк бор улар томонидан вегетатив пайвандлашда пайвандтаг сифатида фойдаланиш учун помидорнинг Матонат (2018 й.) нави яратилган ва Давлат Реестрига киритилган.

Иссиқхонада қовун нав намуналарини ўрганиш, истиқболли нав намуналарини ажратиб олиш, линияларни яратиш ва етиштириш технологиясининг айрим элементларини ишлаб чиқиш ҳамда вегетатив пайвандлаш усули ёрдамида қовун етиштириш каби илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Тадқиқот ишлари давомида қовуннинг Зарҳал нави Давлат нави синовига топшилди.

*Сайхун F₁ дурагайи.**Помидорнинг коллекцион кучатзори.*



Д. Мирзоева, Е. Е. Лян, В. В. Ким ва
Ш. Досилова помидорнинг коллекцион
кўчатзорида.



Кам ҳажмли тупроқда Баҳор F₁ помидор
етиштириш.



Е. Е. Лян иссиқхонанинг коллекцион
кўчатзорида қовун етиштириш
жараёнида.



Б. А. Каримов пайванд қилинган помидор
кўчатларини текшириши.



Пайванд қилинган помидор кўчатлари.



Пайванд қилинган помидор ўсимлиги
мевалари пишиши.



Сабзавот, полиз экинлари ва картошка агротехнологияси лабораторияси


1933 йилда тажриба станциясида сабзавот экинларининг қишлоқ хўжалиги технологияси бўйича илмий тадқиқотлар бошланди. 1935 йилда агротехника ва механизация бўлими таркибига очик ерга, ҳимояланган ерга ва механизациялаш тармоқлари киритилган.

1966 йилгача лабораторияга республиканинг фахрий агрономи, қ.х.ф.н. А. К. Каримов раҳбарлик қилди. 1966–1985 йилларда лаборатория қ.х.ф.н. Ҳ. М. Мирпоязов томонидан бошқарилган. 1955 йилдан 1987 йилгача механизация лабораториясига техника фанлари номзоди Е. И. Хизкилов раҳбарлик қилган. Унинг раҳбарлигида механизация лабораторияси Россия ва Германия қишлоқ хўжалиги машиналари базасида сабзавот ва картошкани механизациядан кенг қўламда фойдаланган ҳолда етиштириш жараёнлари ишлаб чиқилган.

1987 йили ташкил этилган сабзавот, полиз экинлари ва картошка етиштириш технология лабораториясига 1995 йилгача қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Р. М. Якубжанов раҳбарлик қилган бўлса, 1995–2011 йилларда бу лавозимда қишлоқ хўжалик фанлари номзоди М. Қорабоев, 2012–2018 йилларда қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Б. Ж. Азимов, 2018–2019 йилларда А. М. Раҳматов лаборатория раҳбари бўлиб ишлади. 2020–2021 йилларда лабораторияга Ф. К. Ғаниев раҳбарлик қилди.

Лабораториянинг 90 йилдан буён мавжудлиги ва ривожланиши давомида қуйидаги ходимлар самарали меҳнат қилдилар ва катта ҳисса қўшдилар: Е. Смирницкий, М. Ходжаев, С. Кучкаров, П. Г. Джуров, С. М. Махкамов, Н. А. Малицкий, Н. П. Пушкарская, Ф. Г. Умарова, Ф. А. Банасис, Б. Я. Липилин, А. Сохта, Н. Рахматуллаходжаев, Б. Утепов, И. В. Скворцов, Р. П. Якушина, Т. Карабаев, Р. Якубжанов, Л. Ищенко, А. Аймаков, Н. Н. Нехай, Т. С. Дадамухамедов, Р. Касимов, Н. Е. Илхамов, Б. Ж. Азимов, Ф. К. Ғаниев, Р. А. Низомов, Р. А. Раҳматов, Ф. Ф. Расулов, Б. А. Иброҳимов, Ж. Шералиев, Р. Тўрааматов, Б. Хуррамов ва бошқалар.

Лаборатория тадқиқотларининг илмий изланишлардаги асосий йўналиши сабзавот, полиз ва картошка экинларини етиштиришда мунтазам равишда технологик жараёнларни ва техник воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда илмий асослашдир.



Н. Н. Балашев



А. К. Каримов



Х. М. Мирпоязов



Е. И. Хизкилов



Р. М. Якубжанов



Н. Раҳматиллоҳоджаев



С. М. Махкамов



М. А. Карабаев

Картошка етиштиришнинг илмий асосланган технологияси асосчиси Н. Н. Балашов бўлиб, у 1934–1948 йилларда тажриба станциясида ишлаган ва илмий тадқиқотлар ривожига катта ҳисса қўшган. Кейинчалик қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор бўлиб, узоқ йиллар олий таълим тизимида ишлаган. Унга “Фахрий фан аъзоби” унвони берилди.

1959–1962 йилларда илк бора А. К. Каримов Тошкент вилояти тупроқ-иқлим шартларида қишки экин экиш муддатида сабзи, ош лавлаги, пиёз, укроп ва исмалоқ экинларини экиш муддатларининг ҳосилдорликка таъсирини ҳамда етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиб 20 ноябрдан 10 декабргача бўлган давр экиш учун мўъвоқлигини аниқлаган.

1962–1963 йилларда Х. М. Мирпаязов илдизмевали экинларни (сабзи ва ош лавлаги) қишки экин экиш даврида етиштирилганда бегона ўтларнинг ҳажми ва қўл меҳнатининг сарфинга таъсирини ўрганган. Шу билан бирга, иш фаолияти давомида Х. М. Мирпаязов томонидан қишки экиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган ва эрта сабзавот етиштириш учун агротехнология ишлаб чиқилган. У республикада сабзи экинини етиштириш технологиясини ишлаб чиқишга ҳам ўз ҳиссасини қўшган олимдир.

С. М. Махкамов сабзавотчиликда илмий асосланган алмашлаб экиш жорий этишнинг асосчиларидан бири бўлган.

Жумладан, агротехника ва механизация лабораторияси ходимлари томонидан трактор ёрдамида чорраҳали ишлов бериш йўли билан белгилаб қўйилган текис



Э. Д. Азимов



Ф. К. Ганиев



Р. А. Низомов



Ф. Ф. Расулов



Р. М. Раҳматов



Б. А. Иброҳимов



Р. Турамаатов



Ж. Шералиев

далага механизация ёрдамида тарвуз экинини уялаб экиш усули, шунингдек, картошка ҳамда карамни квадрат уялаб экиш ва уларга чорраҳали ишлов бериш усуллари ишлаб чиқилди. М. Ходжаев томонидан эртапишар помидор ва эртаги карам кўчатини гўнг ва чиринди тувакчаларида етиштириш технологияси ишлаб чиқилган. Тувакчаларда етиштириладиган экин кўчатларини экиш мuddати, схемаси ва усуллари буйича тавсиялар берилган.



Чапдан уннга: Я. Е. Хизкулов, А. М. Аббосов, С. Кўчқоров, С. М. Маҳкамов, А. И. Нуриддинов, Н. Н. Нехай, В. Н. Ермохин, А. С. Ҳақимов, Т. Г. Муминов интенсиф технология асосида помидор етиштириш майдонида (1980 й.).



Б. Д. Азимов баҳор ва ёз экиш даврида оқбош карам учун суғориш режимларини ишлаб чиқди. У дала технологик тажрибалари ва статистик маълумотларни қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича услубий кўрсатмалар ёзган.

1965–1970 йилларда агротехника лабораторияси илмий ходими С. Кўчқоров сабзавотчиликда қатор ораларига ишлов бериладиган алмашлаб экишда экинларни навбатлаб экиш агротехник тадбирлар асосини ишлаб чиқди. П. Г. Джуров томонидан сабзавот экинларини алмашмасдан етиштириш усуллари ишлаб чиқилган. Малицкий Н. А. ва С. Махкамовлар алмашлаб экишда дуккакли экинларни қўллаган ҳолда сабзавот экинларини етиштириш технологиясини ишлаб чиққанлар. Н. П. Пушкарская томонидан зичлаштирилган ва бирга қўшиб экилган сабзавот экинларни етиштириш усули ишлаб чиқилган. Х. Мирпоязов сабзавотларни кеч кузда экиб эрта ҳосил олиш агротехник тадбирлари устида ишлаган.

А. К. Каримов ва Ф. Г. Умаровалар тупроқ унумдорлиги ва суғориш тартиботини боғлаган ҳолда, қовуннинг энг қулай экиш схемасини аниқлаганлар. Кам тарқалган сабзавот экинларидан бамия турининг агротехник тадбирларини Ф. А. Бананис ишлаб чиққан.

Механизация лабораторияси ходимлари 1961–1968 йилларда очиқ ва химояланган ерларда сабзавот ва полиз экинларини уйғунлашган механизация ёрдамида етиштириш ва йиғиб олиш устида ишлар олиб борганлар.

Б. Я. Липинин биринчи бор тарвуз уруғини механизация ёрдамида экишда СТВХ-4 эгичт экгичдан фойдаланган. Ушбу эгичга уруғни саралайдиган ҳар хил катакли махсус дисклар ясалган бўлиб, у тарвуз, қовун, бодринг уруғини экишни тامينлаган. Бу усулда экиш қўлда экилганга нисбатан ишлаб чиқариш унумдорлигини 9 баробарга оширган.

Бу йилларда давомида Н. Рахматиллаходжаев томонидан сабзавот, картошка ва бошқа сабзавот экинлари етиштириш технологик харитасини такомиллаштириш борасида солиштирма изланишлар олиб борилган. РП-2,1 ротацион юмшатгич ёрдамида экин экишдан олдин ерни тайёрлашда бажариладиган қўшимча тадбир технологик харитага киритилган.

Механизация лабораторияси мудири Е. И. Хизкилов томонидан картошкачилик техника воситалари дала шароитида ишлаши бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Ушбу илмий изланишлар натижаларида СН-4Б русумли картошкээгич, УБД-3 русумли поя йиғиштирадиган машина, КТН-2В русумли картошка ковлагич, РКС-10 русумли картошка саралагич ва КГП-2 русумли картошка комбайнларининг самарали қўлланилиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Ёулакланган помидор, картошка ва сабзи уруғларини механизация ёрдамида ерга экиш усули А. Сохта ва С. Метовалар томонларидан ишлаб чиқилган. Лаборатория ходимлари И. В. Скворцова ва П. Г. Джуровалар зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш учун заҳарли препаратларни пурқайдиган қайтарувчи форсунка типидagi шарнирли-полозлик пуркагич конструкциясини ишлаб чиқиб, саноат корхоналарига таклифлар киритганлар.

1960-йилларда Н. Рахматуллаходжаев томонидан карам ва картошканинг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида қорғоғиннинг эгатлаб, ёмғирлатиб, ер ости ва томчилатиб суғориш

усуллари ўрганилганда, томчилатиб ва ер ости суғориш усуллари, эгатлаб суғориш усулига нисбатан сувни 13,8–30,2 фоизгача тежаш имкониятини таъминлашини ва кечки карамнинг Судья нави ҳосилдорлигини 21,1% ва Седов навли картошкани 14% ошиш имконияти беришини таъминланиши аниқланган.

Технология лабораторияси мудирлари Р. М. Якубдждонов ва илмий ходимлар Е. И. Хизкилов, Ф. К. Ганиев, Н. Н. Нехайлар томонидан институтнинг бошқа лабораториялари билан ҳамкорлигида помидор ва оқбош карамларни парваришlashда йўналтирувчи шелерезлар ва пассив чопиқ роторлари орқали механизациялаштирилган технологияси синовдан ўтказилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилиши таклиф этилган.

90-йилларда, технология лабораторияси илмий ходими Ф. К. Ганиев ва Пахтачилик машиналарининг бош махсус конструкторлик бюроси мутахассислари билан ҳамкорликда Хитойнинг “ФЭНШОУ-180-3” русумли мини-трактор базасида машиналар тўплами ишлаб чиқилган. Жумладан, ПО-1-30 бир корпусли айланма плуги, ОБ-300 русумли штанга-брандспойтли пуркагич мосламаси, пахта култиваторининг ишчи органлари базасида икки қаторли осма култиватори, бир брусли ўриш мосламаси ва майда сабзавот уруғларига ихтисослашган икки қаторли экгичлар ясалиб, давлат қабул синовларидан ўтказилиб, саноатда ишлаб чиқаришга тавсия этилган. Ушбу техник воситалари базасида, кичик хажмли хўжаликлар учун сабзавот ва картошкани парваришlashда қўлланиладиган технологиялар ишлаб чиқилган.

Шу йилларда, Ф. К. Ганиев ва Пахтачилик машиналарининг бош махсус конструкторлик бюроси мутахассислари билан ҳамкорлигида икки ва тўрт қаторли машиналар ва иш қуролларининг комплекси ишлаб чиқарилган. Шулардан: ПО-2-30 русумли икки корпусли айланма плуги, икки ва тўрт қаторли орқа осмали култиваторлар, СММ-4 русумли сабзавот экгичи, ПН-2,2 ва ПН-3,5 русумли сабзавот платформалари, КС-2, КС-4 русумли картошка экгичлари, ГФ-2, ГФ-4 русумли ротацион эгат олгичлар, ОШБ-7 русумли штанга-бранспойтли пуркагичи, КН-2 русумли картошка ковлагичи ва СКК-3 русумли картошка туганакларини саралаш-калибровкалаш машиналари яратилиб, қабул синовларидан муваффақиятли ўтиб, ишлаб чиқаришда жорий қилишга таклиф этилган ва улар асосида Голландия технологияси ўрнига муқобил картошка етиштириш технологияси ишлаб чиқилган.

2003–2008 йилларда, сабзавот, полиз ва картошка экинларини етиштиришда эгатларни полиэтилен плёнкаси билан мулчалаб парваришlash технологиялари ва техник воситалари ишлаб чиқилди. Жумладан, ижрочилар А. Караханов, Ф. К. Ганиев, А. Ибрагимов, А. Толибаевлар томонларидан пахтачилик худудларида помидор экинини 90 см қаторларда кучатсиз етиштириш учун бир йўла экиш ариқларини очиб, тагига помидор уруғларини экиб, устига тонель шаклида шаффоф плёнка билан ёпиш агрегат макети ишлаб чиқилди. Ушбу экиш агрегати “Сабзавот экинларининг уруғларини бир қаторли ариқ тагига қадаб, бир вақтнинг ўзида плёнка билан ёпиш агрегати” фойдали моделига 2010 йил 11 ноябрда № FAR 00586 патенти олинган, ҳамда “Энг яхши фойдали модель” номинацияси бўйича 1 даражали диплом билан тақдирланган.



Лаборатория ходимлари томонидан баҳорда эрта ҳосил олиш учун бир қатор экинларни қишги экиш, кўчат ва сабзавот экинлари етиштириш учун иссиқхоналарда полиэтилен плёнкадан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар ўтказилиб, тавсиялар ишлаб чиқилди. Сабзавот, полиз экинлари ва картошка етиштириш учун ресурс тежайдиган технологиялар ишлаб чиқилди.

2009–2011 йилларда профессор Б. Д. Азимов ва ходимлар Ф. К. Ганиев, М. Корабаев, Р. А. Низомовлар томонларидан эгатларни шаффоф ва қора плёнка билан мулчалаб помидор ва ширин қалампирни кўчатсиз етиштириш учун механизациялаштирилган технологик жараёнлар ишлаб чиқилган.

2012 йилдан проф. Б. Д. Азимов ва катта илмий ходим Ф. К. Ганиев мазкур технологияни такомиллаштириш учун сабзавот ва полиз экинларини бир йўла эгатларни қора плёнка билан мулчалаб, томчилатиб суғориш ва минерал ўғитлар билан озиклантириш сувтежаш технологиясини ишлаб чиқдилар.

2016–2020 йилларда республикамининг ҳар бир минтақаси учун тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда сабзавот, полиз экинлари ва картошка етиштиришнинг илмий асосланган технологиялари ишлаб чиқилди.

Сабзавот экинлари ва картошкани такрорий экин сифатида донли экинларнинг йиғим-теримини ўтказгандан сўнг ердан самарали фойдаланиш мақсадида экиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Лаборатория ходимлари меҳнат талаб технологик жараёнларни механизациялаш учун техник воситалар ёрдамида экин ҳосилдорлигини ошириш учун тадқиқот ва ишлаб чиқилган усулларни ўтказди.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги бўйича изланишлар олиб борилиб, унда картошкани экадиган СН-4Б, барглар йиғувчи УБД-3, картошка қазувчи КТН-2, картошка саралаш РКС-10 ва картошка йиғувчи КГП-2 дан фойдаланилди ва улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар тузилди.

А. К. Каримов ва Ф. Г. Умарова қовун уруғларини тупроқ унумдорлиги ва сув режимига қараб экиш учун оптимал схемаларни яратдилар.

Лаборатория ходимлари очиқ ва ҳимояланган ерларда сабзавот ва полиз экинларини етиштириш ва ҳосилни йиғишни мураккаб механизациялаш бўйича тадқиқотлар олиб бордилар.

Т. Карабаев ва М. Ландсман томонидан Ўзбекистонда суғориш қишлоқ хўжалиги шароитида картошка туганакларини экиш жараёнлари яхшиланди.

Маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқаришнинг турли техник воситаларини ўрганиш ва тадқиқ этиш орқали меҳнат талаб қиладиган етиштириш жараёнларини механизациялаш учун истиқболли янги машиналарни машиналар тизимига киритиш бўйича таклифлар берилди: сабзавот етиштириш учун 49 та, полиз экинлари учун 18 та, картошка учун 33 та ихтисослашган техник воситалар. Ҳаммаси бўлиб сабзавот, полиз ва картошкани етиштириш, йиғиштириш ва маҳсулотларни қайта ишлаш учун жами 95 та истиқболли машина ва қуроллар кластер, фермер деҳқон ва томорқа жўжаликларида қўллаш учун тавсиялар берилди.





Помидор эгатларини қора плёнка билан мулчалаб ва бир йула томчилатиб сугориш орқали етиштириш.



Тарузи эгатларни қора плёнка билан мулчалаб ва бир йула томчилатиб сугориш орқали етиштириш.



Технология лабораторияси раҳбари профессор Б. Ж. Азимов ҳамда илмий ходимлар Ганиев Ф. К., Низомов Р. А., Расулов Ф. Ф. ва лаборант Рахимова О. Йигилишида.



Технология лабораториясининг 3 нафар тадқиқотчиси 2016–2017 йилларда диссертацияларини мувафақиятли ҳимоялашди. Натижада Р. А. Низомов қишлоқ хўжалик фанлари доктори (DSc) ҳамда Ф. Ф. Расулов ва А. М. Рахматовлар қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори илмий унвонларига эга бўлишди.

Лаборатория олимлари сабзавот, полиз экинлари ва картошка етиштириш учун қишлоқ хўжалиги технологияси элементларини такомиллаштириш, механизациядан фойдаланган ҳолда замонавий агротехникани ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларни давом эттирмоқда.



Мулчалаш ва томчилатиб сугориш тажриба майдони.



Тупроқ унумдорлигини оширувчи дуккакли экинлар.



Қовоқ экини етиштириш агротехнологияси.



Тарвуз етиштириш.





Карам етиштириш агротехнологияси.



Помидор экинida мулчани қўллаш.



*Помидор уруғларини экишда тупроқни
мулч билан қоплайдиган
агрегат.*



*Картошка туганакларини бир вақтда
экиш ва сугориш эгатларини кесиш учун
бирлаштирилган машина-трактор
агрегати.*



Ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш лабораторияси

1933 йилда Ўзбекистон сабзавотчилик тажриба станцияси ташкил этилгач, у ерда агротехника секторида ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш бўйича дастлабки тадқиқотлар ўтказила бошланди.

1963 йилдан бошлаб институтда энтомология ва фитопатология бўлими ташкил этилди, кейин 1978 йилда 2021 йилгача фаолият олиб борган ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш лабораторияси ташкил этилди.

Ўзбекистонда сабзавот ва полиз экинларини зараркунандалари ва касалликларининг тур таркибини ўрганиш, уларнинг тарқалиши ва зарарланиши ҳамда назорат чоралари ва усулларини ишлаб чиқишга қишлоқ хўжалик фанлари номзодлари Н. Г. Кузнецова (1958–1964 й.), О. М. Мўминов (1964–1983 й.), В. И. Песцов (1983–1986 й.) катта ҳисса қўшдилар.

Кейинчалик илмий тадқиқотларни лаборатория ходимлари Х. Аскаралиев, Н. С. Василенко, Н. Турсунметова, В. В. Васильев, В. С. Мирзааҳмедов, А. А. Каримов, Г. И. Кленова, Н. А. Ражапова, С. Т. Песцова, Э. Филатов, О. Мансуров, Х. Мирҳайдаров ва бошқалар давом эттирдилар. 2011–2021 йилларда лабораторияга биология фанлари номзоди С. С. Алимухамедов раҳбарлик қилди. 2021 йилда лаборатория ўсимликларни касаллик, зараркунандалардан ҳимоя қилиш ва фитопатология лабораторияси деб номланди ва унга биология фанлари номзоди М. У. Холдоров раҳбарлик қилмоқда. Унинг раҳбарлигида тадқиқотларни М. Ахмедова, А. Хуррамов ва бошқалар олиб бормоқдалар.

1958 йилдан бошлаб лаборатория олимлари тупроқ шароитида яшовчи картошка экинининг ҳашаротларини аниқлаш ҳамда уларга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишларини бошлашган. Энтомологик объектлар билан А. М. Мўминов, Э. В. Филатов, Х. Аскаралиев, М. Т. Скрипникова, Ш. Асанкулов, А. Шаймардонов ва бошқалар ишлаган. Бунда сабзавот экинларида ҳашаротларга қарши турли препаратларни қўллаш, қўллаш меъёри ва қўллаш муддатларини аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган.



Н. Г. Кузнецова



О. М. Мўминов



С. Т. Песцова



В. И. Песцов





X. Мирхайдаров



В. Мирзаахмедов



Н. А. Раджапова



X. Аскаралиев

1960 йилларда ҳашаротларга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда экинларнинг ҳосилдорлигига таъсири ва меваларнинг таркибидаги препаратлар юқинларини ўрганиш бўйича тадқиқотларни Ўзбекистон гигиена ва санитария илмий тадқиқот институти билан ҳамкорликда олиб борилган.

1972–1982 йилларда лаборатория олимлари ҳимояланган ерларда бодрингни етказиришда ҳашаротлар кўпайиш динамикаси ва биологиясини ўрганиш ҳамда уларга қарши курашиш чораларини ишлаб чиқишди.

1973 йилда Н. Г. Кузнецова, В. И. Песцов ва С. Т. Песцова томонидан илк бора фукарисоз касаллигини қўзғатувчи спора турлари аниқланган. 1974–1983 йилларда 10 йил давомида қовуннинг Йирик ич-қизил, Ич қизил 1895 ва Кўкча 588 навларида фукарисоз касаллигини қўзғатувчи сунъий фонда тадқиқот ишларини олиб боришган.

1975–1977 йилларда ҳимояланган майдонларда ўргимчак канага қарши биологик кураш учун тадқиқотлар олиб борилган. Бунда йиртқич кана — фитосейлюсани симбиотик кўпайтирилган ва қўлланилган.

1979–1984 йилларда очиқ майдонларда сўрувчи ҳашаротларнинг помидор ва тоғиз етиштиришда кўпайиш динамикасини ўрганиш ҳамда уларга қарши курашиш чора-тадбирлари аниқланган. А. Мўминов ва Э. Б. Филатов томонидан картошка, тоғиз экинлари, бодринг, майда уруғли сабзавотлар ва кўчатларда кемирувчи ҳашаротларнинг биологияси, кўпайиш ва тарқалиш динамикаси, зарарланиш ҳажми ўрганилган ҳамда уларга қарши биологик, агротехнологик ва кимёвий курашиш



М. С. Калдороев



С. С. Алимухамедов



М. Ахмедова



А. Хуррамов

чораларининг интеграциялашган тизими яратилган. А. Мўминов ва Ш. Астанкуловлар полиз экинларининг уруғларини экиш олдидан кукун билан ишлов беришни илмий асослаган, шу билан бирга, майда уруғли (пиёз, сабзи) экинларга уруғларни қобиклашни тавсия этган.

Ўша даврларда олимлар картошка экинини ва бошқа экинларни зарарловчи қишки тунлам биологияси ва экологиясини ўрганган ҳамда курашиш усуллари жорий қилинган ҳамда сабзавотларга катта зарар етказётган поя нематодасига қарши курашиш чораларини ишлаб чиқиш бўйича олим В. Н. Васильев томонидан тадқиқотлар олиб борилган. 1979 йилда биологик усулларни ишлаб чиқиш учун институтда махсус лаборатория гуруҳи тузилган. Ушбу гуруҳ таркибига А. К. Мансуров, В. Н. Васильевский, Г. И. Кленова, У. Насырова, А. Шаймарданов, М. Махкамова, Н. Раджапова ва бошқалар кирган.

В. И. Песцов ва Н. А. Раджапова қовун ва бодрингнинг ун шудринг касаллигига қарши биологик ҳамда кимёвий препаратларни қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб боришган.

Фитопатологлар селекционерлар билан биргаликда селекцион материални очиқ ерларда касалликларга чидамлилигини баҳолаш бўйича тадқиқот ишларини олиб боришган. Натижада, фитофторозга чидамли Л-36-45, Л-22-10, Л-202-8-200, Л-10 линиялари ажратилган. Районлаштирилган маҳаллий помидор навларидан занг канасига чидамли бўлган Тошкент тонги, Авиценна, Ўзбекистан-178, Прогрессивный, ТМК-22 навлари ажратиб олинган. Ушбу зараркунандага нисбатан чидамли бўлган картошканинг Пикассо, Виктория ва Марфона навлари ҳам аниқланган бўлиб, улар ушбу зараркунанда томонидан оммавий зарарланадиган жойларда етиштириш учун тавсия этилган. Ажратиб олинган касаллик ва зараркунандаларга чидамли навлар селекция дастурларида фойдаланиш учун бошланғич манба ҳисобланади.

Ҳимояланган ер учун помидор ва бодринг ўсимликларининг профилактик, агротехник, биологик ва кимёвий назорат тадбирлари ёрдамида касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг интеграл тизими тавсия этилган.

Айрим йилларда касаллик ва зараркунандалардан ҳосил зарарлари 40–50% ни ташкил этиши ва шу билан бирга, омон қолган экин маҳсулотларининг сифати сезиларли даражада ёмонлашишини ҳисобга олган ҳолда лаборатория тадқиқотчилари ҳар йили маҳаллий ва хорижий препаратлар (инсектицидлар, инсектоакорицидлар, фунгицидлар ва гербицидлар)ни қўллаш самарадорлигини синаш ишларини олиб боришган.

Синовдан самарали ўтган кимёвий воситалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш Давлат комиссиясига тавсия этилган ва улар “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркунандалари, касалликларига ва бегона ўтларга қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, дефрилиантлар ҳамда ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воситалар рўйхати”га киритилди.



Препаратларни экинларга ишлатиш усуллари, ишлов бериш меъёри ва вақти синовдан ўтказилди. Натижада лаборатория олимлари томонидан ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш бўйича самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва улардан энг яхшиси сабзавотчиликда фойдаланиш учун тавсия этилган.

Ўсимликларни бир қатор зараркунанда (оққанот, ўргимчак кана, занг кана, шира, трипс, карам оқ пашшаси, кўсак кўрти, сим кўрт, колорадо кўнғизи, қовун пашшаси) ва касалликлардан (фузариоз, илдиз чириши, пероноспориоз, жигарранг баргли нуқта, столбур, тамаки мозаикаси) ҳимоя қилиш чоралари ишлаб чиқилган.

Зараркунандаларнинг ривожланиш биологиясига оид тадқиқотлар олиб борилди, ўсимликларда касаллик аломатларини аниқлаш, бегона ўтларни назорат қилиш тадбирлари ва ишлаб чиқаришда фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Лаборатория олимлари сабзавот, полиз экинлари ва картошка учун профилактик, агротехник, биологик ва кимёвий усулларни ўз ичига олган ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқдилар.

Ҳозирги кунда лабораторияда помидор парвонаси, помидор ва картошка алтернативозига қарши кураш усуллари ишлаб чиқиш, зараркунанда ва ноанъанавий экинлар касалликларини ўрганиш бўйича, нано-микро зарралардан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, шунингдек, органик деҳқончиликда экинларнинг тупроқ унумдорлиги ва касалликларга чидамлилигини оширувчи усуллари ишлаб чиқилмоқда.

Лаборатория олимлари томонидан ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар туфайли вегетация даврида экинларнинг сезиларли даражада ошди, бу маҳсулот етиштирувчиларни сабзавот, картошка ва картошкадан юқори ҳосил олиш имконини берди.



Лаборатория мудири М. У. Холдоров ва
С. С. Алимухамедов.



Помидор ўсимликларида вирусларни
аниқлаш.



*М. У. Холдоров ва С. С. Алимухамедов
микроскоп ёрдамида патогенларни
аниқлашади.*



*Ўсимликларни ҳашаротларга қарши
сарик тутғични текшириш.*



*Лаборатория олимлари томонидан ишлаб чиқилган помидор куясига қарши москит
сеткаси остида помидор етиштириш жараёнини кўрсатиш.*



Агрокимё ва маҳсулот сифати лабораторияси

Агрокимё ва физиология бўйича тадқиқотлар 1935 йилда тажриба станциясида бошланган. 1939–1958 йилларда лаборатория мудирини Е. В. Успенская бўлган. Унинг раҳбарлигида минерал озикланиш элементлари ва сабзавот экинларининг сув режимини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди.

1958–1961 йилларда лаборатория раҳбари қ.х.ф.н. Н. П. Золинская бўлган ва лабораторияда А. В. Островская ва Ф. А. Банасис фаолият юритган.

1961 йилда лаборатория агрокимё лабораторияси ва ўсимликлар физиология-лабораториясига бўлинди. 1961–1966 йилларда агрокимё лабораториясининг раҳбари б.ф.д. Г. Аболина, 1966–1994 йилларда қ.х.ф.н. Х. З. Умаров, 1994–1995 йилларда К. И. Байтураев ва 1996–2006 йилларда М. Хайдаров бўлдилар.

Ушбу йилларда лабораторияда Л. А. Чебукина, А. Х. Лалаян, А. Тошходжаев, М. З. Умарова, Д. Фатхуллаев, А. А. Турсунметов, Т. Икромов, Е. Алламбергенов, Х. Назраходжаева, Ш. Икромов, Б. Мухамедханов, А. Каримов, Х. Таллаевлар ишлашган.


Лаборатория ходимлари томонидан сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг касалдорлиги ва сифатига ҳар хил турдаги ўғитларнинг меъёрлари ва қўллаш муддатлари таъсири ўрганилди.



Е. В. Успенская



Ф. А. Банасис



Ф. Д. Азимов



М. М. Сагдуллаев



Г. И. Жуков



М. А. Хайдаров



А. Т. Ташходжаев



М. З. Умарова



X. З. Умаров



Э. Аллаберзенов



Р. Х. Қадиров



Б. Х. Мухамедханов



С. Н. Васиханова



С. Н. Икрамова




В. В. Бережнова



Х. Карахаджаева

1961 йилдан 1965 йилгача физиология лабораториясига б.ф.д. Н. А. Атауллаев, 1966 йилдан 1995 йилгача қ.х.ф.н. Т. Г. Мўминов раҳбарлик қилдилар. Лабораторияда ходимлар Р. С. Рахимова, В. В. Бережнова, М. Сагдуллаев, Ф. Азимов, А. Абидов,



БЕЗ УДОБРЕНИЙ

Д 100 К 60

Н 100 Д 100 К 60

Н 200 Д 100 К 60

Н 300 Д 100 К 60

Карамбошларга ўзгитларнинг таъсири.

Р. Қасимовлар ишладилар. Улар сабзавот, полиз ва картошка экинларига физиологик фаол моддалар ва микроэлементларнинг физиологик ва биокимёвий жараёнларга, ҳосилдорлик ва мева сифатига таъсирини ўрганишган.

1980 йилда сифат лабораторияси ташкил этилди. 1986-2014 йилларда лабораторияга б.ф.д. В. В. Бережнова раҳбарлик қилди. Лабораторияда ходимлар А. Хаджиханов, Р. Кадыров, М. И. Мурей, С. Васиханова, В. Н. Васильевский, К. Шодмонходжаев, А. Ю. Қаримов, С. Н. Икрамова ва бошқалар ишлаган.

Улар N^{15} изотопидан фойдаланиб, сабзавот ва полиз экинларида азотнинг ўғитлардан олинishi ва конверцияси, азотли ўғитларнинг солиш муддати ва дозаларининг физиологик ва биокимёвий жараёнларга ва маҳсулот сифатига таъсирини ўргандилар.

Кейинчалик 2006 йилда физиология, сифат ва агрохимё лабораториялари битта лабораторияга бирлаштирилди.

2014 йилда лаборатория Агрохимё ва маҳсулот сифати лабораторияси деб номланди ва уни б.ф.д. В. В. Бережнова олиб боришда давом этди.

Лабораторияда бир қатор фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказилди.

Помидор ҳосилдорлиги ва сифатига физиологик фаол моддаларнинг таъсири, шунингдек, сабзавот, полиз ва картошка экинларига ўстирувчи стимуляторларнинг таъсири, фотопериодизмнинг сабзавот экинлари ҳосилдорлиги ва сифатига таъсири ўрганилди. Сабзавот уруғларининг униб чиқиши бўйича физиологик тадқиқотлар амалга оширилди.



В. В. Бережнова бошчилигида мева сифатини аниқлаш бўйича ўқув жараёни.

Турли хил минерал ўғитлар ва сидератларнинг тупроқ унумдорлиги, экологик ҳолати, ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифати, экинларнинг элементларга бўлган эҳтиёжи ҳамда сабзавот, полиз ва картошқада асосий озикланиш элементларининг таркиб топишига таъсири аниқланди.

Асосий озик моддаларни ҳосил билан тупроқдан олиб чиқиш ва режалаштирилган ҳосилни олиш учун зарур миқдорда минерал ўғитларнинг озикланиш миқдори аниқланган.

Республикамызнинг турли тупроқ-иқлим зоналарида сабзавот ва полиз экинларининг режали ҳосилини олиш учун ўғитларнинг дозалари, қўллаш муддатлари ва қўллаш чуқурлиги турлари, маҳсулот ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш мақсадида сабзавот экинлари ва картошқа алмашлаб экишда ўғитларни қўллаш тизими, ғалла экинларини ўриб-йиғиб олгандан кейин такрорий сабзавот экинлари ва картошқа учун ўғитлаш тизими ишлаб чиқилган.

Шунингдек, лабораторияда тупроқ унумдорлигини ошириш ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш усуллари, экологик тоза маҳсулотларни етиштириш учун муқобил органик ўғитлар (биогурус, лифогум, вермигум, компост)дан фойдаланиш бўйича ишланмалар ишлаб чиқилган.

Янги органик ва микробиологик ўғитларнинг тупроқ унумдорлиги, озикланиш элементларининг ўзгариш динамикаси, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши, уларнинг ҳосилдорлик ва сифатига таъсири, сабзавот, полиз экинлари ва картошқа учун янги микробиологик препаратлардан фойдаланиш технологияси ишлаб чиқилган.



Лаборатория мудири В. В. Бережнова ходимлар билан олинган натижаларни таҳлил қилмоқда.



Биотехнология лабораторияси

Ўзбекистон Республикаси Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори Нуриддинов Анвар Иқболович ташаббуси билан 1988 йилда Биотехнология лабораторияси барпо этилди. Лабораторияга Журов Пётр Горанович мудири этиб тайинланди.

Лаборатория фаолиятида, асосан уруғлик картошканинг супер-супер элита авлодлари етиштириш бўйича илмий ишлар олиб борилган. Картошка ўсимлигининг апикал меристемасини ажратиш олиш, уларни ўсиб етук ўсимлик бўлиши учун қулай озуқа шартини танлаш, стериллаш ва қаламчалаб кўпайтириш ишлари олиб борилган. Металлий навлардан ташқари картошканинг Белоруссия селекциясига мансуб Белорусский ранний навидан апикал меристемасини олиб, *in vitro* ўсимлиги кўпайтирилган ва картошканинг уруғлик материални етиштириш ишлари билан шуғулланилган.

Биотехнология лаборатория иш жараёнларида илмий ходимлардан Г. Песцов, М. Юнусова, М. Қорабоева, Г. Сулаймонхўжаева, С. Васиханова, С. Ризаевлар ўз билимларини ва ҳиссаларини қўшишган.



Институт Биотехнология лабораториясининг очилиши (1988 й.).



Илмий ходимлар ва меҳмонлар билан биргаликда Биотехнология лабораториясининг очилишида.

1993–1995 йилда А. И. Нуриддинов лабораторияга раҳбарлик қилган.

1995–1997 йилларда Покистон Республикасида ҳамкорлик ишлари олиб борилиб, покистонлик мутахассислар билан биргаликда *in vitro* усимлиги купайтириш учун озиқа тайёрлаш, пробиркага қуйиш, стериллаш ва микроқаламчалаш ишлари олиб борилган.

Кейинчалик 2014 йилда Биотехнология лабораторияси фаолияти тугатилиб, вазифалар Картошкачилик ва уруғчилик лабораториясига юклатилган.



Покистонлик мутахассислар билан ҳамкорлик ишлари жараёни.

Ишлаб чиқариш хўжалиги иқтисодиёт ва меҳнатни ташкил қилиш лабораторияси

Ишлаб чиқариш хўжалиги иқтисодиёт ва меҳнатни ташкил қилиш лабораторияси ходимлари ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб бордилар.

Лабораторияда сабзавот, полиз ва картошка экинларини ишлаб чиқаришнинг иқтисодиёти, меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш; ишлаб чиқаришда илмий-техника жараёнлар самарадорлигини аниқлаш; ишлаб чиқаришни иқтисослаштиришни юзасинан бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Шу билан бирга, иқтисод лабораториясида тармоқда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, меҳнатни самарали ташкил қилиш, мавжуд иқтисодий омиллардан тўлиқ фойдаланиш; деҳқон, фермер хўжаликлари фаолиятини тўғри ташкил қилиш, сабзавот, картошка уруғчилигининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва ташкил қилиш каби тадқиқотлар амалга оширилди. Бунда К. А. Кабанова, А. Г. Саутов, А. Б. Бакиев, К. М. Хайтбоев, Т. Пан, Асамоваларнинг хизматлари каттадир.

Институт олимлари сабзавот, полиз ва картошка экинлари маҳсулотларини сақлаш ва ташкил қилишда нобудгарчиликларни камайтириш йўллари илмий асослаб беришган.



А. Б. Бакиев



К. Р. Тошмухамедов



К. М. Хайтбоев



Л. З. Зарипова



Институтнинг сўнги йилларда ривожланиши

Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи кўп тармоқли қишлоқ хўжалигининг сўнги йилларида тубдан ислоҳ қилиниши натижасида аҳолининг сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондиришга эришилмоқда. Бироқ, шунга қарамай сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларни қайта ишлаш борасидаги ишларни янада самарали ташкил этиш лозимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шунинг учун сабзавот, полиз ва картошка етиштиришнинг илмий асосланган замонавий, янада самарали ресурс тежамкор агротехнологияларни қўллаш ҳамда экспортбоп нав ва дурагайларни яратиш, шуниндек, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйиш орқали ишлаб чиқаришга жорий қилиш жуда муҳим вазифалар ҳисобланади. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун институт охириги олти йиллик фаолияти давоми кўпгина салмоқли ютуқларга эришди.



*Низомов Рустам Ахролович
институт директори.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги илмий ташкилотларнинг тузилмаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 601-сонли қарори билан 2021 йилдан институт тузилиши кенгайтирилиб, ўз таркибига қуйидаги мавжуд ва янги бўлим ҳамда лабораторияларни олади:

- сабзавот, полиз ва картошка экинлари генбанки;
- сабзавот экинлари генетикаси ва селекцияси лабораторияси;
- полиз экинлари генетикаси ва селекцияси лабораторияси;
- картошка генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси;
- ноанъанавий экинлар селекцияси ва интродукцияси лабораторияси;
- сабзавот-полиз экинлари уруғчилиги ва уруғшунослиги лабораторияси;
- иссиқхонада сабзавот, полиз экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси;
- иссиқхона агротехнологияси лабораторияси;
- ўсимликларни касаллик, зараркунандалардан ҳимоя қилиш ва фитопатология лабораторияси;
- органик деҳқончилик лабораторияси;



- сабзавот-полиэ экинлари ва картошка экинлари агротехнологияси ва механизацияси лабораторияси;
 - биотехнология лабораторияси (in-vitro);
 - агрохимё ва ўсимликлар физиологияси лабораторияси;
 - маҳсулотларни сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси лабораторияси.
- Бенгрия-Ўзбекистон картошкачилик илмий маркази.


Институтнинг тажриба хўжалигида ва 8 та ҳудудий тажриба станцияларида илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, кадрлар ва иқтисодий кучлар бўлган ҳисоби учун зарур бўлимлар иш фаолиятини давом эттирмоқда. Институт таркибига илмий кадрлар тайёрлаш, ахборот таъминоти ва халқаро ҳамкорлик учун зарур бўлимлар киради.

Қозғоғи кунда институтда қуйидаги йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб берилаётган:

- сабзавот, полиэ экинлари ва картошканинг юқори маҳсулдор, иссиққа чидамли, касалликларга ва салбий экологик шароитларга чидамли, яхши таъмли, юқори маҳсулотларнинг тижорат ва технологик сифатларига эга янги навлари ва генетиксини ё, дурагайларини яратиш;
- сабзавот, полиэ ва картошка уруғчилигининг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқиш. Институтнинг селекцион туманлаштирилган навларини бирламчи, супер-маҳсулдорлиги уруғчилиги;
- сабзавот, полиэ ва картошка етиштириш учун илғор сув ва ресурс тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш;
- сабзавот, полиэ ва картошканинг экологик тоза маҳсулотларини етиштириш усулларини ишлаб чиқиш;
- инновацион технологияларда ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан қўриқиб қолдириш бўйича назорат тадбирларини ишлаб чиқиш;
- инновацион ерда сабзавот етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш ва тақдирини таъминлаш;
- биотехнология ёрдамида вируссиз уруғлик картошка олиш усулларини ишлаб чиқиш;
- маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, илмий-амалий конференцияларни ташкил этиш, илмий мақолалар чоп этиш, ишлаб чиқариш бўйича ахборот ва ахборот тўрақалари, ишланмалар ҳақида фермерларнинг хабардорлигини таъминлаш;
- сабзавотчилик ва картошкачиликнинг турли йўналишлари бўйича ёш олим ва мутахассисларни тайёрлаш;
- тажриба алмашиш, коллекция материалларини кўпайтириш ва конференцияларда олимларнинг иштироки орқали хорижий мамлакатлар олимлари билан ахборот алоқаси каби вазибалар белгиланиб олинди.



**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар
миллий маркази тизимидаги Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг
ТУЗИЛМАСИ**



Изоҳ. Ходимларнинг умумий чекланган сони 36 нафар (илмий ёрдამчи ва ёрдამчи ходимлардан ташқари).
Илмий-тадқиқот институти бажарадиган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажмидан келиб чиқиб,
илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун илмий ходимлар шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.

* Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган илмий лабораториялар (бўлим) ва раҳбарлар.

** Илмий ёрдამчи ва ёрдამчи ходимлар сони қўнуччилик ҳужжатларида белгиланган меъёрларга асосан аниқланади.

*** Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган бўлимлар.



1 — маъмурий ва лаборатория бинолари,

2 — иссиқхона,

3 — биотехнология лабораторияси

Сабзавот, полиз экинлари ва картошка генбанк лабораторияси

2021 йилда институт қошида Сабзавот, полиз экинлари ва картошка генбанк лабораторияси очилди. Унга генбанк лабораторияси мудир, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Равза Фазлетдиновна Мавлянова раҳбарлик қилмоқда.

Асосий вазифалар қаторида, биринчи босқичда сабзавот ва полиз экинлари коллекцияларини инвентаризация қилиш ва ишчи уруғлик коллекцияларни яратиш бўйича иш бошланди.

Ҳозирги пайтда генбанк лабораториясида сабзавот ва полиз экинлари 27 тур хилининг 600 дан ортиқ нав намуналари, "in vitro" усулида етиштирилган картошканинг 50 нав намуналари сақланмоқда.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошка нав намуналарининг хусусиятлари кўрсаткичларини тўплаш ва тизимлаштириш, генофонд маълумотлар базасини яратиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳар йили генбанк коллекциялари селекцияда фойдаланиш учун сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг янги нав намуналари уруғлари билан хорижий мамлакат-



Генбанк лабораторияси мудир, қ.х.ф.д., профессор Р. Ф. Мавлянова



Сабзавот ва полиз экинлар уруғларини сақлаш хонаси



лар муассасаларидан ёздириб олиш ва алмашиш йўли билан ҳамда экспедицияларни уюштириб, маҳаллий навларни йиғиб олиш натижасида тўлдирилади.

Ўсимлик генетик ресурслари бўйича халқаро ташкилотлар ва илмий марказлар билан ҳамкорликлар ривожлантирилмоқда.

Келажақда институт уруғлик коллекцияларини тизимлаштириш ходимларга селекция учун нав намуналарини танлаш ва уруғларни кўпайтириш учун ишчи коллекциялар билан самарали ишлаш имконини беради.

Ўшбу манбалар сабзавот экинларининг янги навларини (қурғоқчиликка, иссиққа, шўрга чидамли, турли вегетация даври, юқори ҳосилдорлиги, мева сифати ва бошқа) яратиш учун кейинги селекцияда унумли фойдаланилади.

Ҳозирда керакли генбанк инфратузилмасини яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Генбанк биносини алоҳида қуриш бўйича лойиҳа тайёрланиб, келажақда Генбанкни зарур ускуналар билан жиҳозлаш ўрта муддатда (10–15 йил давомида) сақлаш учун уруғларни муҳтазам жойлаштириш имконини беради ва сабзавот, полиз экинлари ва картошка генфондини замонавий ва келажак селекция учун ишончли сақлашни таъминлайди.

Сабзавот экинлари генетикаси ва селекцияси лабораторияси

2021 йилда институт қошида Сабзавот экинлари генетикаси ва селекцияси лабораторияси очилди. Унга қишлоқ хўжалиги бўйича фалсафа фанлари доктори Саломов Бақодир Саломович раҳбарлик қилмоқда. С. Қодирова лабораторияда лаборант вазифасида ишлаб келмоқда.

Бугунги кунда лабораторияда помидор, бақлажон, ширин қалампир, бодринг, кўк қўп йиллик батун пиёзи, саримсоқ, гулқарам, брокколи, ош лавлаги, сабзи, турп, шалғом каби хориждан келтирилган экин турлари ва маҳаллий нав коллекциялари бўйича институтнинг тажриба майдонларида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Сабзавот экинлари генетикаси ва селекцияси лабораториясининг асосий вазифаларидан бири очиқ майдонларда етиштирилаётган сабзавот экинларини юқори ҳосилли, эртапишар, транспортбop, селектив ва зараркунандаларга чидамли, иссиққа, шўрга чидамли бўлган янги навларини яратишдир. Лаборатория селекция услубларидан фойдаланган ҳолда танлаш, чатиштириш ва интродукция қилиш орқали ўсимликларни давлат реестрига киритилган навлар билан қимматли муҳим хўжалик белгиларини таққослаб ўрганилади. Яратилган навларнинг бирламчи уруғчилигини



Лаборатория мудури — қ.х.ф.ф.д.
Б. С. Саломов



Б. С. Саломов карам селекцияси жараёнида.



Б. С. Саломовнинг кургазмадаги иштироқи

ташқил этиш, суперэлита ва элита уруғларини тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш каби ишлар амалга оширилади.

Лаборатория сабзавотчиликка ихтисослашган фермер, деҳқон ҳамда томорқа хўжаликлари ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича янги нав ва дурагайлари яратиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш ва таклифларни мунтазам равишда тайёрлаб тақдим этиб боради.

Полиз экинлари генетикаси ва селекцияси лабораторияси

Сабзавот экинлари генетикаси ва селекцияси лабораторияси 2021 йилда қайта ташқил этилди. Лаборатория мудир — қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Ҳакимов Рафиқжон Абдунабиевич. Лабораторияда қ.х.ф.н., катта илмий ходим М. Ҳ. Халимова ҳамда тадқиқотчи изланувчилар — Хушнуд Бўронбоев, Баҳриддин Хусанов, Равшанбек Холиқов, лаборантлар Хосият Ибрагимова, Рустам Мусаев, Шоира Муҳиддинова фаолият юритиб келмоқдалар..

Полиз экинлари генетикаси ва селекцияси лабораторияси селекция ишларининг асосий мақсади полиз экинларини юқори ҳосилдор, сифат кўрсаткичлари яхши бўлган, хорижий навларга рақобатбардош нав ва дурагайлари яратишга қаратилган.

Селекция ишларининг асосий услуги орқали маҳаллий ва хорижий коллекцияни ўрганиб, истиқболлилари ажратиб олинади. Ажратиб олинган ота-оналик шакллари билан чапиштириш ишлари ўтказилади. Дурагай авлодлари синалиб,



Лаборатория мудир, қ.х.ф.н. Р. А. Ҳакимов





Лаборатория мудири Р. Ҳақимов бошчилигида лаборатория ходимлари билан селекция манбаларини саралаш жараёни

истиқболли шакллар танлов асосида ажратилади. Истиқболли линиялар стандарт нав билан синалади ва баҳоланади, кичик ва катта нав синаш кучатзорларида давлат экинчиликка киритилган энг яхши нав билан синалади. Шу билан бирга истиқболли селекциянинг бирламчи уруғчилиги ташкил этилади. Танлов ва ишлаб чиқариш марказлари асосида истиқболлилари Давлат нав синаш марказига ва патент олиш марказига Интеллектуал мулк агентлигига топширилади.

Лаборатория олимлари томонидан яратилган полиз экинлари нав ва дурагайлари кўкка, фермер, деҳқон ҳамда томорқа экинчиларига жорий қилиниб, уларнинг истеъмол қосилдорлиги ва сифатининг оширишга ҳамда даромадларнинг кўпайтиришга эҳтиёт қилмоқда.

Лаборатория полиз экинларидан қовун, қовоқ ва қовоқча экинлари селекцияси ва уруғчилиги йўналишида илмий ва инновацион лойиҳалар бўйича илмий ҳаётда ишлари олиб борилмоқда.

Илмий ходимлар соҳа бўйича долзарб масалалар бўйича илмий, илмий-амалий конференция, кенгаш ва семинарларда қатнашиб келишмоқда.



Лаборатория мудири Р. Ҳақимов, катта илмий ходим М. Халимова ва лаборант Р. Мусаев қовун нав намуналарини таснифлашмоқда

Картошка генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси

2021 йилда институт қошида Картошка генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси очилди. Унга 2021 йилдан буён қишлоқ хўжалик фанлари фалсафа доктори, катта илмий ходим Лапасов Сайфиддин Санакулович раҳбарлик қилмоқда. Лабораторияда илмий ходим Д. Турсунов, таянч докторант Ж. Раҳматуллаев, лаборант С. Рузиева фаолият юритиб келмоқдалар.

Картошка генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги илмий-амалий асосларини такомиллаштириш юзасидан янги навлар яратиш, чет эл давлатларидан келтирилган янги нав намуналарини интродукция қилиш, илмий-тадқиқотлар олиб бориш ҳамда шу асосда илмий-техник маҳсулотлар ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Лабораторияда картошка бирламчи уруғчилиги замонавий усулларини қўллаган ҳолда “in vitro” усулида кўпайтирилган микро туганакларни иссиқхонада етиштириш, уларни сақлаш ва супер элита уруғларини кўпайтириш каби илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

Лаборатория Ўзбекистон-Венгрия картошкачилик маркази билан ҳамкорликда Венгриянинг картошка навларининг мини туганакларини Венгрия технологияси асосида етиштириш бўйича ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

Лаборатория мунтазам равишда картошкачиликка ихтисослашган фермер, деҳқон ҳамда томорқа хўжаликлари эгаларининг ишлари самарадорлигини оширишлари бўйича янги навлар яратиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш ва таклифлар тайёрлаш ишларини амалга оширади. Шу билан бирга лаборатория картошкачилик соҳаси бўйича энг муҳим, долзарб илмий муаммолар, янги ишланмалар ҳақида тарғибот ишларини олиб боради.



Лаборатория мудири, қ.х.ф.ф.д. С. С. Лапасов Қишлоқ хўжалиги вазири А. Воитовга иссиқхонада етиштирилаётган картошка мини туганакларини кўрсатмоқда.



С. С. Лапасов картошканинг янги яратилган “Тошкент эртагиси” нави ҳақида интервью бермоқда.

Ноанъанавий экинлар селекцияси ва интродукцияси лабораторияси

2021 йилда институт қошида Ноанъанавий экинлар селекцияси ва интродукцияси лабораторияси очилди. Унга 2021 йилдан буён лаборатория мудир, қишлоқ хўжалиги бўйича фалсафа фанлари доктори Арипова Шахноза Раҳмановна раҳбарлик қилмоқда. Лабораторияда таълим докторантлардан Х. Х. Абдалиев, Ш. Д. Хатамов, О. С. Исмоилов, Б. Хуррамов, тадқиқотчи З. Турғунбоева ва лаборант Т. Т. Мусаева фаолият юритилмоқда.

Лаборатория республикада етиштирилган мос, қимматли хўжалик белгилари ва қосилдорлиги юқори, касалликларга қарши навларни яратиш ва интродукция қилиш мақсадида турли мамлакатлардан еттирилган ноанъанавий экинларнинг

нав намуналарини олиш, чуқур таҳлилдан ўтказиш ва уларни тадқиқотлар учун ажратиш олиш ишларини амалга оширади. Шу билан бирга ноанъанавий экинларнинг нав намуналари комплекс баҳоланиб, морфологик белгиларининг тўлиқ таснифини қилиш ва селекция ишларини давом эттириш учун бошланғич манба ажратиш каби тадқиқот ишларини олиб боради.

Ноанъанавий экинлар селекцияси ва интродукцияси лабораторияси ноанъанавий сабзавотларнинг нав намуналарини комплекс баҳолаб, морфологик белгиларининг тўлиқ таснифи яратилгандан сўнг бошланғич манбалар тўғри сақланишини таъминлаш ва талабда илмий ишларни олиб бориш учун институт генбанкнинг намуналарни қабул қилиш талаблари бўйича топшириш ва намуналарнинг паспортини яратиш билан шуғулланади.

Ҳозирги вақтда лабораторияда 30 дан ортиқ янги экин турларининг морфологик белгилари ва биологик хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаётганда. Хусусан, лаборатория мудир, қ.х.ф.ф.д., Ш. Р. Арипова бошчилигида таълим докторантлар Х. Х. Абдалиев барг карам (*Brassica oleracea* var. *acephala*)нинг нав намуналарини ўрганиш, экиш муддатлари ва схемалари мақбулини аниқлаш (илмий раҳбар Р. А. Низомов), Ш. Д. Хатамов пастернак (*Pastinaca sativa* L.) нав намуналарини ўрганиш, интродукция қилиш, мақбул экиш муддатлари ва экиш схемаларини аниқлаш (илмий раҳбар Б. А. Иброҳимов), О. С. Исмоилов ноанъанавий сабзавот экини — цикорий салати *Cichorium intybus* L. ва *Cichorium intybus* L. var. *foliosum* Hegi турларининг морфологик хусусиятлари ва уни Ўзбекистон шароитига интродукция қилиш



Лаборатория мудир, қ.х.ф.ф.д.
Ш. Р. Арипова ва лаборант Т. Мусаева
ноанъанавий экинларнинг нав
намуналари реестрини тузмоқда

(илмий раҳбар С. С. Лапасов), Б. Хуррамов Тошкент вилояти шаротида зира (*Cuminum Cyminum* L.) етиштириш технологияси элементларини такомиллаштириш (илмий раҳбар Р. А. Низомов) ва тадқиқотчи З. Турғунбоева артишок экиннинг нав намуналарини ўрганиш, бошланғич манба ажратиш ва турли экиш муддатларининг мева ҳосилига ҳамда уруғ чиқимига таъсирини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Сабзавот, полиз экинлари уруғчилиги ва уруғшунослиги лабораторияси

2021 йилда институт қошида Сабзавот, полиз экинлари уруғчилиги ва уруғшунослиги лабораторияси очилди. Унга лаборатория мудир, қишлоқ хўжалиги бўйича фалсафа фанлари доктори Мирзасолиев Мирзаосимжон Мирзасойипович раҳбарлик қилмоқда. Лабораторияда кичик илмий ходим Д. М. Исломова, М. Ч. Режапов ва лаборант М. С. Қўчқорова фаолият юритишмоқда.

Лаборатория сабзавот, полиз экинлари уруғчилиги илмий-амалий асосларини такомиллаштириш юзасидан сабзавот-полиз экинларининг навлари бўйича наводорлигини ошириш, яратилган янги нав ва дурагайларнинг илмий асосланган бирламчи уруғчилигини олиб бориш, ишлаб чиқаришдан чиқиб кетган, юқори талабга эга бўлган сабзавот-полиз экинлари навларини қайта тиклаш каби вазифаларни амалга оширади.

Лабораторияда сабзавот, полиз ва ноаънавий сабзавот экинларининг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида манфаатдор уруғчиликка ихтисослашган фермер, деҳқон ҳамда томорқа хўжаликлари билан биргаликда фан ютуқларини қишлоқ хўжалигига жорий этиш ҳамда шартнома муносабатларини ташкил этиш ишлари олиб борилади.

Лаборатория иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш муаммоларини ишлаб чиқиш, жумладан сабзавотчилик ва полизчиликка ихтисослашган фермер, деҳқон ҳамда томорқа хўжаликлари ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича уруғчилик ишларини ривожлантириш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш ва таклифларни тайёрлаш билан мунтазам шуғулланиб келмоқда.

Лаборатория ваколати доирасида манфаатдор муассасаларнинг етакчи олимлари ва мутахассислари билан биргаликда йирик илмий, илмий-техник, ижтимоий-иқтисодий



*Лаборатория мудир, қ.х.ф.ф.д.
М. М. Мирзасолиев пиёз оналикларини
етиштириш даласида*





Қовоқнинг уруғ лик мевалари.



М. М. Мирзасолиев карам уруғлиги майдонида

амалий дастурлардаги сабзавотчилик, уруғчилик соҳаларини муҳокама қилиш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш, лабораториядаги илмий ходимларни хорижий илмий ташкилотларида тажриба ўрганиши ташкил этиш, илмий тавсияларини нашр этиш ва уларни оммалаштиришга ҳиссам бериш ишларини бажармоқда.

Бугунги кунда лаборатория раҳбарлигида “Ультра эртапишар пиёз навларини қўриқ ва уларнинг уруғчилигини ташкил этиш” номли амалий лойиҳа бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Иссиқхонада сабзавот, полиз экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси

Иссиқхонада сабзавот, полиз экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораториясига қишлоқ хўжалик фанлари номидан катта илмий ходим Лян Екатерина Евгеньевна раҳбарлик қилмоқда. Лабораторияда таянч докторантлардан И. Тираев ва лаборант Р. Тулабоев фаолият кўрсатмоқда.

Лабораторияда иссиқхонада етиштирилган сабзавот ва полиз экинларининг нав намуналарни ўрганиш, инбридларини ажратиш ҳамда янги нав намуналарини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилади.



Лаборатория мудири, қ.х.ф.н. Лян Екатерина Евгеньевна



Лаборатория ходимлари помидор меваларини қўздан кечирмоқда

айрим элементларини ишлаб чиқиш ҳамда вегетатив пайвандлаш усули ёрдамида қовун етиштириш каби илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, лаборатория ходимлари иқтисодий ислохотларини ишлаб чиқиш жумладан иссиқхона сабзавотчилигига ихтисослашган фермер, деҳқон ҳамда томорқа хўжаликлари ишларининг самарадорлигини ошириш, янги нав, дурагайлар яратиш, иссиқхонада сабзавот экинларини етиштириш ва уруғчилик технологияси ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш ва таклифлар тайёрлаш каби вазифаларни бажаради.

Иссиқхона агротехнологияси лабораторияси

2021 йилда институтда иссиқхона агротехнологияси лабораторияси ташкил этилди. 2022 йилдан бошлаб лабораторияни биология фанлари номзоди Маматов Камол Шавқиевич бошқариб келмоқда.



*Лаборатория мудири, қ.х.ф.н.
К. Ш. Маматов иссиқхонада бодринг етиштиришда*

Лаборатория ўз фаолияти давомида қуйидаги асосий илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириб келмоқда:

- сазавот ва полиз экинларини иссиқхонада етиштиришнинг интенсив агротехнологиялари помидор, бодринг, ширин ва аччиқ қалампир, бақлажон, брокколи карам ва бошқа экинларда қўлланилади. Шу билан бир қаторда жаҳон стандарт талабларига жавоб берадиган иссиқхонада полиз экинлари — қовун, тарвуз етиштириш агро-

технологияларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилади; иссиқхона экинларини экиш учун мўлжалланган жойлардан тупроқнинг структураси таҳлил қилиниб, илмий асосда ўсимлик учун зарурий озуқа (макро ва микроэлементлар) моддалар қўлланилиб, уларнинг ривожланишига ва ҳосилдорлигига таъсири (ижобий, салбий)ни ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилади;

гидропоника усулида қурилган иссиқхоналарда помидор, бодринг қулупнай ва бошқа экинларда интенсив агротехнологиялар қўлланилиб олинган ижобий натижалар ишлаб чиқаришга тавсия этилади;

аэропоника усулида қурилган иссиқхонада вирусдан холи бўлган картошка туганакларини етиштириш учун хорижий давлатлардан ўрганилган усуллар ва олинган малакавий билимлар тизимли равишда илмий асосда қўлланилади;

картошка навларидан соғлом экиш материалларини олишда сунъий микроиклим шароитларини яратиш ёки табиий микроиклим шароитларини яхшилаш мақсадида яхшиланган қурилган химояланган ер иншоотларда ўсимликлар тупроқсиз, унинг ўрнида келиб чиқиши турлича бўлган материаллардан ва фақат озуқа эритмалар воситасига озиклантирилиб ўстириш услубидан фойдаланиб картошканинг соғлом микротуганакларини етиштириш илмий асослаб берилади.

Бугунги кунда лаборатория Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизация қилиш муҳандислар институти, Миллий тадқиқот университети ҳамда Конструкторлик Бюроси ва тажриба ишлаб-чиқариш илмий-техник маркази билан ҳамкорликда иссиқхонада помидор, бодринг ҳамда қулупнай экинларида сунъий ишлаб чиқарилган озон билан озиклантириш бўйича тажрибалар олиб борилмоқда. Бунда томчилатиб етиштириш орқали озон қўлланилганда ўсимликларнинг ривожланиши ва ҳосилига салбий таъсир қилиб, озуқа элементлар ўзлаштирилишининг тезлашганлиги аниқланди.

2023 йилда иссиқхонада помидор, бодринг ҳамда гул ва бошқа сабзавот экинларида етиштиришда ишлаб чиқариш билан ҳамкорликда янги технологияларни қўллаш бўйича илмий изланишлар амалга оширилмоқда.



О₃ қўллашдан олдин.



О₃ қўллашдан кейин

Қулупнай ўсимлигида

Шу билан бир қаторда жорий йилда иссиқхонада картошканинг вегетатив ва генератив органларидан уруғлик туганакларини тайёрлаш ҳамда уларга зарурий озуқа моддаларини бериш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Органик деҳқончилик лабораторияси

2021 йилда институт қошида Органик деҳқончилик лабораторияси очилди. Унга лаборатория мудир, биология фанлари номзоди, катта илмий ходим Алимўхамедов Саидмурат Султанович раҳбарлик қилмоқда. Лабораторияда кичик илмий ходим Х. Карахаджаева ва таянч докторант М. М. Аҳмедова ҳамда лаборант Л. Шарабаева фаолият юритишмоқда.

Лаборатория ўз олдида куйидаги илмий-тадқиқот ишларини бажаришни мақсад қилиб қўйган:

- тупроқ унумдорлиги паст ҳамда асосий экинларда ажратилган тупроқларга сабзавот экинларини экишда янги илмий асосланган тупроқнинг физик-кимёвий ва биологик хусусиятларини яхшилашга қаратилган янги услубларни қўллаш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича илмий изланишлар олиб боради;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда ерлардан самарали фойдаланиш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилади;
- тупроқ унумдорлиги паст майдонларда асосий сабзавот экинларини экишда янги илмий асосланган тупроқнинг физик-кимёвий ва биологик хусусиятларини ўрганиш асосида замонавий технологиялар жорий этилади;
- буз тупроқларда гумус миқдорининг камайишини ҳисобга олган ҳолда янги технологияларни қўллаш орқали органик деҳқончилик юритишда ва ишлаб чиқаришни таъминлайдиган технологик омиллар нано-микрозаррачаларни ва биологик воситалардан комплекс фойдаланишга таянадиган қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологиялари, ўсимликларни ҳимоя қилиш, биологик ўғитлар (биоғумис) ва биопрепаратлар қўллашнинг яхлит тизимлари, тупроқларга ишлов бериш ва алмашлаб экиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича лаборатория ва дала шароитида тадқиқотлар ўтказилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилади;
- сабзавот экинларидан жаҳон стандарт талабларига жавоб берадиган экологик соҳма ҳусулот етиштиришда ўсимликларни касаллик ва зараркундаларга қарши кураш ва бардошлилигини оширувчи моддалар ҳамда микробиологик препаратларни қўллаш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар олиб борилади.



*Лаборатория мудир, б. ф. н.
Алимўхамедов Саидмурат Султанович*



Бугунги кунда лабораторияда “Органик деҳқончиликни юритишда тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинларини касалликларга бардошлилигини оширувчи нано-микрозаррачаларни қўллаш” амалий лойиҳаси (ПЗ-202010301) асосида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Бунда Женерейт, SiO_2 , Co , Cu , Fe , Mn , Zn элемент заррачалар эритмалари помидор ва бодринг экинларида қўлланилиб, лаборатория ва дала тажрибаларида биометрик ва фенологик кузатувлар ўтказилди. Қўлланилган нано-микрозаррачалар назоратга нисбатан унумчанлиги юқори бўлганлиги кузатилди. Препаратлардан кремний диоксиди (SiO_2) ва темир оксиди (Fe_2O_3) помидор уруғларига қўлланилганда уруғларнинг ўсиб чиқиши бошқа препаратларга нисбатан бир кун олдинга фарқлангани ва унумчанлик юқори бўлганлиги кузатилди.



Нано-микрозаррачаларнинг уруғларнинг унумчанлигига таъсири



Лаборантлар Х. Карахаджаева ва М. Аҳмедова усимликларнинг биометрик ўлчовини ўтказишмоқда



Картошка экинида нано-микрозаррачалар қўлланилганда картошканинг ривожланишига ҳамда ҳосилига ижобий таъсир қилиб, ҳосилдорлик 35–40%га ошганлиги кузатилди.

Помидор экинида нано-микрозаррачалардан кремний диоксиди, марганец диоксиди, темир оксиди қўлланилганда касалликларга чидамлилиқ ошганлиги ҳамда етилган маҳсулотларнинг сифати юқори бўлиши аниқланди.

Сабзавот, полиз ва картошка экинлари агротехнологияси ва механизация лабораторияси

2021 йилда институт қошида сабзавот, полиз ва картошка экинлари агротехнологияси ва механизацияси лабораторияси очилди. Унга лаборатория мудури Ғаниев Фарҳод Қаюмович раҳбарлик қилмоқда. Лаборатория Ўзбекистон учун устивор бўлган сабзавот, полиз ва картошка экинларини етиштириш агротехнологиялари ва технологик жараёнларини механизациялаштиришга бағишланган тадқиқотларни амалга ошириш, сабзавот, полиз ва картошка экинларини етиштириш технологияси илмий-амалий асосларини такомиллаштириш юзасидан янги сув ва ресурс тежовчи технологик жараёнларни, замонавий сабзавотчиликка ихтисосланган техника воситаларини параметрларини асослаш ва илмий-амалий синовларни ўтказиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда шу асосида илмий-техник ишланмаларни ишлаб чиқиш каби вазифаларни бажаради.

Лаборатория фаолияти давомида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш муаммоларини ишлаб чиқиш, жумладан сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликка ихтисослашган фермер, деҳқон ҳамда томорқа хўжаликларининг ишлари самарадорлигини ошириш бўйича юқори самарали технологияларни яратиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш ва таклифлар тайёрлаш бўйича ишларни амалга оширмоқда.

Сўнгги йилларда сабзи ва пиёз экинларини кичик контурли майдонларда етиштиришни механизациялаштириш учун мотоблок базасида кичик ҳажмли машина-трактор агрегатларни комплекшлаш ва таъмирлаш ишлари лаборатория ҳамда Қишлоқ хўжали-



Лаборатория мудури Ф. Қ. Ғаниев маълумотларни таҳлил қилмоқда

гини механизациялаштириш ва электрлаштириш ИТИ, “БМКБ-Агромаш” АЖ ва ЎзТТСДМ мутахассислари ҳамкорлигида олиб борилди. Жумладан бир қаторли сабзи ва пиёз уруғларини экадиган СОМ-1 русумли сабзавот сеялкаси, КРМ-1 русумли культиватори, КСМ-1 бир қаторли картошка экич ва картошка кавлагич тажриба нусхалари яратилиб, синовлар бажарилди. Янги яратилган машина-мотоблок агрегатларнинг ишлов давридаги сифат кўрсаткич-

ларини (тезлиги, унумдорлиги, чуқурлиги, камров кенглиги ва бошқалар) аниқлаш учун ГОСТ 20915-75 асосида дала синов ишлари олиб борилди.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошканилик илмий-тадқиқот институти ходимлари томонларидан республикамізда сабзавотчилик, полизчилик ва картошканилик соҳаларини ривожлантириш учун 2022–2026 йиллар учун мўлжалланган “Қишлоқ хўжалиги экинларини каваришlash ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик харита-



Мотоблок “Зубр” ва унга осилган КСМ-1 русумли бир қаторли картошка эгич агрегатининг иш жараёнини бажаришдаги сифат кўрсаткичларини аниқлаш.

... картошканинг ... картошка, ош ... сабзи, помидор, ... карам, ... турди (помидор, ... редиска,


... карам, ош лавлаги, эртаги ва кечки сабзи, пиёз, қовун, ... картошка) бўйича 46-та намунавий технологик карта-



... КСМ-1 русумли бир қаторли картошка эгич агрегатининг иш жараёнини бажаришдаги сифат кўрсаткичларини аниқлаш.

Ўсимликларни касаллик, зараркунандалардан химоя қилиш ва фитопатология лабораторияси

2021 йилда институт қошида Ўсимликларни касаллик, зараркунандалардан химоя қилиш ва фитопатология лабораторияси ташкил этилди. Лабораторияга лаборатория мудир, биология фанлари номзоди, катта илмий ходим Холдоров Мирхалил Уразбаевич раҳбарлик қилмоқда. Унинг раҳбарлигида илмий ходим А. Хуррамов ва бошқалар тадқиқотларни олиб бормоқдалар.



*Лаборатория мудир, б. ф. н. Холдоров
Мирхалил Уразбаевич*

Лаборатория ходимлари сабзавот, полиз ва картошка экинларининг зарарли организмларига (шира, трипс, ўргимчаккана, оққанот, ер ости ва ер устки тунламлар ҳамда помидор ва картошка куяларига) қарши атроф-муҳитга кам таъсир қиладиган биологик кураш усулида олтинкўз, трихограмма, бракон энтомофаглари синаб зараркунанда ва энтомофагнинг нисбатини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш бўйича илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги кимёлаштириш ва ўсимликларни химоя қилиш Давлат комиссияси томонидан уларни “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркунандалари, касалликларига ва бегона ўтларга қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик химоя воситалари, дефолиантлар ҳамда ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воситалар рўйхати”га киритиш учун турли синфга оид, таркиби турли хил бўлган кимёвий препаратлар сабзавот, полиз ва картошка экинларининг зарарли организмларига қарши синалиб, кластер ва фермер хўжаликларига тавсия этиш борасида изланишлар олиб борилмоқда ва бу борадаги тадқиқотлар такомиллаштирилиши учун давом эттирилмоқда.

Ҳозирги кунда лабораторияда помидор ва картошка экинларида помидор куяси, картошка куяси, касалликлардан фитифтороз ва альтернариозга қарши кураш усуллари ишлаб чиқилмоқда, ноанъанавий экинлардаги зараркунанда ва касалликларга қарши назарий ва амалий-илмий ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги пайтда помидор куясининг капалакларини тутиш мақсадида Singenta, Biobest, Осие импорткимё фирмаларининг феромон тутқичларини қўллаш тавсия этилади. Феромон тутқичлардан фойдаланиш кураш чораларини ўз вақтида олиб боришда муҳим аҳамиятга эга.

Очиқ майдонларда помидор куясига қарши асосан кимёвий моддаларни камай-тиришни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг зарарининг олдини олиш мақсадида москит сеткалардан фойдаланиш юқори маҳсулот олиш усулларида бири ҳисобланади.





Москит сеткада помидор етиштириш

Лаборатория олимлари томонидан ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан химоя қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар туфайли вегетация даврида экин хавфсизлиги сезиларли даражада ошди, бу эса сабзавот етиштирувчиларга сабзавот, поллиз экинлари ва картошкadan юқори ҳосил олиш имконини берди.

Биотехнология лабораторияси

2021 йилда Биотехнология лабораторияси қайта тикланиб, унга лаборатория мудирини Сабирова Маъмура Шукуровна раҳбарлик қилмоқда. Уруғлик картошка “*in vitro*” ўсимликларидан вирусдан ҳоли бирламчи бошланғич авлодини етиштириш бўйича лабораториянинг илмий-тадқиқот ишларида тадқиқотчилардан Д. Шодмонова ва Ш. Хаитова, институт лаборантлари С. Рўзиева, Г. Аюпова, О. Раҳимова, Н. Камолова, М. Раҳимова, Р. Тулабоев фаолият олиб бормоқда. Биотехнология лабораториясининг асосий фаолияти энг муҳим сабзавот, поллиз экинлари ва картошка ўсимлигини *in vitro* стерил шароитга ўтказилиб, соғломлаштириб ўстирилмоқда, соғломлаштириш, ўстириш ва қўпайтириш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат. Шу билан бирга лабораторияда картошка *in vitro* ўсимлиги ва *in vitro* микротуганаклари етиштириш технологиялари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Лабораторияда илмий ходимлар томонидан сабзавот, поллиз экинлари ва картошканинг *in vitro* ўсимликлари етиштириладиган озуқа муҳитидаги



Лаборатория мудирини М. Ш. Сабирова иш жараёнида





Лаборатория мудури М. Ш. Сабирова хорижий ҳамкорларга лаборатория фаолиятини таништирмоқда



Лабораторияда кўпайтирилган ўсимликлар

биокимёвий таркиблари ўрганилмоқда ҳамда озуқа муҳити таркибидаги макро ва микро тузларнинг, аукцин ва цитокинин ҳосиласи бўлган фитогормонларнинг ва сахарозанинг ўзгарувчанлик таъсири ўрганилиб, энг самарали озуқа муҳити танлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирда лабораторияда картошканинг маҳаллий навларини жамлаб *in vitro* ўсимликларининг биотехнологик коллечияси барпо этилмоқда. Шулардан, “Диёра”, “Ақроб”, “Умид”, “Тошкент эртагиси”, “Ўзбекистон қизили”, “Пском” ва “Қайсар” навлари *in vitro* шароитида микроқаламчалаб кўпайтирилмоқда. Бундан ташқари сабзавот, полиз экинлари, доривор ўсимликлар, декоратив гулларни *in vitro* шароитига киритиб, соғломлаштириб ўстирилмоқда.



Иссиқхона “ex vitro” технологияси ёрдамида етиштирилаётган картошка

Биотехнология лабораториясида илмий ходимлар томонидан *ex vitro* технологиялари ишлаб чиқилмоқда. Бунда, уруғлик картошкани *in vitro* ўсимликларидан минутуганак авлод олиш учун махсус сеткалар билан ёпилган иссиқхоналарга экилади. Бу усулда *in vitro* ўсимликлари ва *in vitro* микротуганаклари торф-перлит 3/1 нисбатда қоришма тайёрланиб, *in vitro* ўсимликларини ва *in vitro* микротуганакларини экиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, *in vitro* ўсимликларидан қаламчалаб экиш усули бўйича тадқиқотлар бажарилмоқда.

Маҳсулотларни сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологиялари лабораторияси

2021 йилда институт қошида Маҳсулотларни сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологиялари лабораторияси ташкил этилди. Лабораторияга лаборатория мудири қишлоқ хўжалиги бўйича фалсафа фанлари доктори, катта илмий ходим Раҳматов Анвар Маматович раҳбарлик қилмоқда. Илмий-тадқиқотларни лаборатория мудири, илмий ходим ва лаборант ходимлар олиб бормоқдалар.

Лабораторияда республикамиз эканисининг сабзавот ва полиз экинларига бўлган талабни йил мобайнида қондириш мақсадида маҳсулотларни сақлаш технологияларини такомиллаштириш бўйича тажрибалар ўтказилади.

Ўқат ва ноанъанавий сабзавотларни сақлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, картошкани ҳаво ҳарорати бошқариладиган омборхоналарда сақлаш, илмий изланишлар олиб бориш каби вазифаларни лаборатория ходимлари амалга оширмоқда.

Лаборатория республикамизда уруғчилик мақсадида етиштирилаётган сабзавот ва полиз экинларидан олинadиган маҳсулотларни бирламчи қайта ишлаш бўйича илмий изланишлар олиб бориш ва тажрибалар ўтказиш, сабзавот ва полиз экинларини махсус консервалаш усулларини илмий асослаш, сабзавот ва полиз экинларидан олинadиган маҳсулотларни қуритиш орқали қайта ишлашнинг илмий асосларини амалга ошириш ишлари билан шуғулланади.

Шунингдек, лаборатория олимлари томонидан оналик сабзавотларни сақлашнинг тегили усулларини ўрганилади ва илмий асосланади.

Лабораторияда илмий даражага эга олий малакали кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш ҳамда хорижий илмий ташкилотлар, халқаро марказлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ишлари олиб борилади.

Агрокимё ва ўсимликлар физиологияси лабораторияси

2021 йилда институт қошида Агрокимё ва ўсимликлар физиологияси лабораторияси ташкил этилди. Унга лаборатория мудири Расулов Маҳаммаджон Аҳмаджонович раҳбарлик қилмоқда. Илмий-тадқиқотларни лаборатория мудири ва лаборант Феруза Ҳосилова олиб борадилар.



Лаборатория мудири қ.х.ф.д. Раҳматов Анвар Маматович





*Лаборатория мудири Расулов
Маҳаммаджон Аҳмаджонович
бошчилигида лаборант Ф. Ҳосилова
тупроқ таҳлилини ўтказмоқда*



*Лаборатория мудири М. А. Расулов
тупроқ таҳлили учун намуналар олмоқда*

Лаборатория сабзавот, полиз экинлари ва картошка етиштиришда тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда юқори сифатли маҳсулот олиш учун органик ва минерал ўғитларни қўллаш меъёрлари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш ҳамда шу асосда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқиш жараёнини олиб боради.

Лаборатория тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлатиладиган ўғитларнинг экологик чегарасини белгилаш бўйича илмий-тадқиқот ишларига фан ютуқларини жорий қилиш ва уларни жадаллаштириш ишлари билан шуғулланади.

Лаборатория ўғитларни қўллашга доир амалий масалаларни ижобий ҳал қилишга ва қишлоқ хўжалигида ўғитларнинг энг самарали миқдори, шакллари ва нисбатларини, уларни турли хил тупроқ зоналарида ҳар хил экинларга қўллашнинг оптимал муддатлари ва усуллари, ўғитларни қўллашни ерларга ишлов бериш, алмашлаб экиш, суғориш ва бошқа агротехник тадбирлар билан биргаликда олиб бориш каби масалалар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боради.

Шунингдек, лаборатория ходимлари физиологик фаол моддалар, сув режими ва микроэлементларининг физиологик ва биокимёвий жараёнларга таъсирини, сабзавот, полиз ва картошка ҳосилдорлиги ва сифатини ўрганмоқда.

Лабораторияда микробиологик ўғитлардан фойдаланилганда суғоришни камайтириш бўйича тадқиқотлар олиб борилади.



Институт фахрийлари

Институтнинг олимлар жамоаси фан олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этиш ва илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича фаол иш олиб бордилар. Олимлар К. И. Пангало, Г. О. Земан, Н. Н. Балашев ва бошқалар илк даврларда тажриба станциясини илмий муассаса сифатида ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар.



*Константин Иванович
Пангало*



Георгий Оттович Земан



*Николай Николаевич
Балашев*

Ҳукумат олимларнинг республикада сабзавотчиликни ривожлантиришда эришган ютуқларига юқори баҳо берди. Илм-фанни ривожлантириш ва янги нав ва қишлоқ хўжалиги технологияларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга қўшган салмоқли ҳиссаси учун институтнинг 11 нафар ходимиغا “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фахрий ходими” ва “Фахрий агроном” фахрий унвони берилди.

Институтнинг кўплаб ходимларига Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

“Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фахрий ходими” фахрий унвони билан тақдирланган институт ходимлари



В. Н. Ермохин



К. Юсупов



А. Каримов



Е. В. Ермолова



*Я. Х. Хизкилов**Г. Кодиров**Н. С. Бақурас**А. С. Ҳақимов*

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасини, илмий-тадқиқот ишлари билан республикани ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган институт ходимларидан қ.х.ф.н. Р. А. Ҳақимов (2019 й.) ва бригада бошлиғи Г. Қодиров (2019 й.) “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими” фахрий унвони билан тақдирланганлар.

Ишлаб чиқариш, илм-фанни ривожлантиришда кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган, жамиятимизда ҳурмат қозонган б.ф.н. С. С. Алимўхамедов (2022 й.) “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланганлар.

“Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи фидойиси соҳиби” кўкрак нишони билан қ.х.ф.д. профессор Р. Ф. Мавлянова (2022 й.) ва б.ф.н. М. У. Холдорев (2018 й.), б.ф.н. С. С. Алимўхамедов, қ.х.ф.н. Р. А. Ҳақимов ва бригада бошлиғи Ю. Н. Турсунов тақдирланганлар.

“Ҳар қандай давлатнинг адолатли эканлиги унинг хотин-қизларга бўлган ғамхўрлиги билан белгиланади” деб Президентимиз Ш. М. Мирзиёев бежизга таъкидламаганлар.

Биламизки, олий даражали “Дўстлик” ордени билан қардош халқлар ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, жамият ва халқларнинг бирдамлигини уйғунлаштириш, ҳар томонлама стратегик ҳамкорликни ривожлантиришдаги алоҳида хизматлар учун берилади.

*М. У. Холдорев**С. С. Алимўхамедов**Р. А. Ҳақимов*



М. Ұ. Халимова



Е. Е. Лян



Р. Ф. Маевлянова

Ушбу орден билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев томонидан институтнинг олима аёлларидан қ.х.ф.н. М. Ұ. Халимова (2022 й.) ва қ.х.ф.н. Е. Е. Лян (2023 й.) тақдирландилар.

“Дўстлик” ордени соҳибаси М. Ұ. Халимова республикамызда қишлоқ хўжалигининг янада ривожланишида, мазкур соҳани фан билан узвий боғлиқлигини мустаҳкамлашда, олим-фанни соҳа бўйича тарғиб қилишда салмоқли ҳисса қўшиб келаётган олимадир. М. Ұ. Халимова 2020 йилда “Mo'tabar ayol” кўкрак нишони, 2021 йилда Халқаро 15-ECO Summit Economic Cooperation Organization ECO “Award 2021 ECO” медали билан тақдирланган.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев институт олимаси М. Ұ. Халимовани “Дўстлик” ордени билан тақдирламоқда





“Дустлик” ордени соҳибаси Е. Е. Лян номи билан боғланган “Оналар боғи”

Е. Е. Лян ўз меҳнат фаолияти давомида айнан сабзавот селекцияси, уруғчилиги бўйича ўзининг кўплаб илмий ишлари билан соҳа ривожланишига ҳисса қўшган олимлардан биридир. 2023 йилда институт ҳудудида “Оналар боғи” ташкил этилди, бунда боғни институтнинг етакчи олима аёлларидан бири бўлган Екатерина Лян номи билан боғланди. Бундан ташқари Е. Лян юрт равнақи учун ҳисса қўшадиган фарзандларни ҳам тарбиялаб вояга етказган. Шу сабабли у “Оналар боғи”нинг бир тимсоли бўлди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини нишонлаш ҳамда давлатимиз мустақиллиги, илмий ва маънавий салоҳияти, модернизациялаш, Ватанимизнинг муносиб ёш авлодини тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшган институт ходимлари, қ.х.ф.н. Е. Е. Лян ва М. Ў. Халимова “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги” ҳамда қ.х.ф.д., Р. А. Низомов ва лаборант С. Рузиева “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллиги” эсдалик нишонлари билан тақдирландилар.

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини юксалтириш, келажак авлодни Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келадиган институт илмий котиби, қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим Ф. Ф. Расулов ва лаборант М. Раҳимова “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирландилар. Ходимлар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Азиз Воитов томонида “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги фидойиси” кўкрак-нишони билан тақдирланди.



Институт илмий котиби, қ.х.ф.ф.д. Ф. Ф. Расулов Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Азиз Воитов томонидан “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирланмоқда

Институт илмий кенгаши

Институтнинг илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ҳамда унинг бажарилишини назорат қилиш, лабораторияларда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари юзасидан ҳисоботларни, муассаса ходимлари томонидан бажарилган илмий асарларни муҳокама қилиш, турли мавзуларда илмий анжуманлар ўтказиш, институтнинг илмий йўналиши бўйича илмий мунозаралар уюштириш, лаборатория мудирлари, профессор, катта илмий ходим ва илмий ходимларни лавозимга тасдиқлаш, ходимларни илмий унвонларга тавсия этиш, шунингдек, кадрлар малакасини ошириш, ўқув-методик масалаларни муҳокама этиш ва ҳ. к. бўйича фаолият юритиш мақсадида институт қошида илмий кенгаш тузилган. Илмий кенгашга фаолияти давомида институт директори раислик қилган. Институт жамоасидаги профессор, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори ва номзодлари, фалсафа фанлари докторлари, лаборатория мудирлари Илмий кенгаш таркибида аъзо бўлиб иштирок этади.

Бугунги кунда институтда илмий-тадқиқот ишлари илмий кенгаш томонидан мувофиқлаштирилиб, унга қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Р. А. Низомов раислик қилмоқда. Институт қошидаги илмий кенгаш ўз таркибига турли соҳалардаги қуйидаги етакчи олимларни олади: қ.х.ф.д., профессорлар Шокиров А. Ж., Мавлянова Р. Ф., Арамов М. Х., қ.х.ф. номзодлари Ҳақимов Р. А., Лян Е. Е., Халимова М. Ў., биология фанлари номзодлари Холдороров М. У., Алимухаммедов С. С., Маматов К., қ.х.ф. докторлари: Иброҳимов Б. А., Хушвақтов Н. Ж., Расулов Ф. Ф., Лапасов С. С., Мирзасолиев М. М., Раҳматов А. М., Арипова Ш. Р., Саломов Б. С., илмий ходимлардан Ганиев Ф. К., Собирова М. Ш., Расулов М. А., Каримов Б. А.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясининг тегишли қарорига мувофиқ Сабзавот, полиз экинлари ва картошкани илмий-тадқиқот институти ҳузурида қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD. 05/30. 09. 2022. Қх. 152. 01 рақамли илмий кенгаш ташкил этилди. Кенгаш таркибида илмий кенгаш раиси қ.х.ф.д., профессор Низомов Р. А., раис ўринбосари қ.х.ф.д., Шокиров А. Ж., илмий котиб қ.х.ф.ф.д., катта



Илмий кенгаш аъзолари қовун дегустациясида (1972 й.)

илмий ходим Расулов Ф. Ф. ва 12 нафар илмий кенгаш аъзолари ҳамда илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси қ.х.ф.д., Шокиров А. Ж., семинар раиси ўринбосари қ.х.ф.ф.д., Иброҳимов Б. А., илмий котиб қ.х.ф.ф.д., Арипова Ш. Р. ва 7 нафар фан докторлари, профессорлар, 6 нафар фан номзодлари, 6 нафар қишлоқ хўжалиги фалсафа фанлари докторлари фаолият юритмоқда.





Институт директори Р. А. Ҳақимов раислигида институт илмий кенгашининг йиғилиши (2013 й.)



Институт директори қ.х.ф.д. профессор Р. А. Низомов раислигида Илмий Кенгаши йиғилишини утказмоқда (2023 й.)



Институтнинг зонал-тажриба станциялари



Самарқанд илмий-тажриба станцияси

Самарқанд илмий-тажриба станцияси Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани, Янги ҳаёт МФЙ Янги Работ қишлоғида жойлашган.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд вилояти тумани бўлими ва Самарқанд вилояти ҳўжалиги вазириликнинг 1965 йил 11 март 145-сонли қарори билан ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги вазириликнинг 1967 йил 4 февралдаги 51-сонли қарорига асосан ташкил этилган. Унинг асосий фаолияти сабзавот-полиз экинларининг маддаллий навларини тиклаш, янгиларини яратиш ва улардан олинган с/элита, элита усулларини етиштириш, улардан юқори ва сифатли ҳосил олиш технологиясини ишлаб чиқариш борасида илмий-тадқиқотлар олиб бориш, улар асосида ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этишда ҳўжаликларга амалий ёрдам беришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 10 февралдаги ПФ-2125-сонли қарори билан ўзбекистон илмий-ишлаб чиқариш маркази фаолиятини такомиллаштириш туғрисидаги қарори, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазириликнинг 2014 йил 13 февралдаги 33-сонли ва Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги илмий ишлаб-чиқа-



риш марказининг 2014 йил 14 февралдаги 6-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида вилоят таянч бўлимлари ва филиаллари номи илмий-тажриба станцияси деб ўзгартирилиши муносабати билан "Самарқанд таянч пункти" номи "Самарқанд илмий-тажриба станцияси" деб ўзгартирилди.

1967 йилда Самарқанд таянч пунктига биринчи мудир этиб Ашероф Иосиф Мойисевич тайинланган. И. М. Ашероф даврида Ўзбекистонда экилаётган барча тур, авлодга мансуб қовоқ навларини ва дурагайлларини ўрганиб, тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, шу мавзуда қ. х. фан номзодлик диссертациясини ёқлаган. (1967–1993-йиллар мобайнида мудирлик қилган.) 27 йил мудирлик иш фаолияти давомида қовоқнинг "Нонкаду" ва қовуннинг "Сайли" навларини яратган. Ушбу навлар давлат реестрига киритилган. Зарафшон водийсида етиштирилаётган 100 дан ортиқ қовун нав ва намуналари коллекцияларини ўрганиб "Тыква Ўзбекистана" номли монографиясини чоп эттирган. Раҳбарлик даврида сабзавот-полизчиликни ривожлантириш бўйича кўплаб семенарлар ўтказилган.

Самарқанд таянч пунктида И. М. Ашероф 1993 йилгача фаолият кўрсатиб раҳбарлик қилиб келдилар. Бу даврда икки қаватли идора ва лаборатория қурилган. 2000 кв. м ли майдонда 10 та уйлар қурилиб, Самарқанд таянч пункти илмий ходимларига топширилган.

Самарқанд таянч пунктида 1993 йилгача сабзавот, полиз экинларининг янги навлари яратилди. Жумладан қовоқнинг "Ошқовоқ-85", ҳандалакнинг "Ҳандаляк желтый", қовуннинг "Қора қанд", "Аркони", "Оқ навот", пиёзнинг "Самарқанд қизил пиёзи", шолғомнинг "Самарқанд қизил шолғоми", помидорнинг "Баҳодир гулоби" ва "Жўжабурун" навлари яратилган. Бундан ташқари экспедиция ташкил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси бўйича қовун ва тарвузнинг 140 дан ортиқ нав уруғларининг коллекцияси ташкил қилинган.

1982–1984 йилларда В. И. Песцов ва И. К. Қўчқоровлар Самарқанд вилояти шароитида сўғориш режимига қараб тарвуз ўсимликларининг ҳосилдорлиги ва фузариоз сўлиш касаллигига чидамлилигини аниқлаш бўйича тадқиқот ишларини олиб бориб, тарвузнинг тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-65 фоиз бўлишини қайд этишган.

1982–1984 йилларда Самарқанд таянч пунктида В. И. Песцов ва Х. Музаффаровлар томонидан сув-озуқа режимининг қовун маҳсулдорлигига ва замбуруғли касалликларга чидамлилик таъсирини ўрганиб, қовунни етиштиришда тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75 фоиз (2-2-2 сув режимиде 490 м³ меъёрда), 300 кг суперфосфат N₁₅₀ K₁₀₀ бўлганда юқори ҳосил олиш ва замбуруғли касалликларга чидамлилигини ошириш мумкин эканлигини аниқлашган.

1980–1982 йилларда Самарқанд таянч пунктида Н. Э. Эшанкулов Зарафшон воҳаси шароитида ёзги экиш муддатида етиштиришга мос бодринг навларини танлаш, мақбул экиш муддати ва экиш схемасини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борган. Н. Э. Эшанкулов олиб борган илмий-тадқиқот ишлари натижасида Зарафшон



воҳасида ёзги экин экиш муддатида бодрингни 15 июндан 5 июлгача ҳамда гектарига 37,0 минг ва 47,6 минг дона ўсимлик жойлаштириш юқори ҳосил олиш имконини беришини исботлаган.

1983–1985 йилларда И. А. Тагаев кимёвий мутагенез билан фузариоз вилтига чидамли мутант қовун шакллари индукция қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борган.

Самарқанд таянч пунктида полиз экинлари селекцияси бўйича қ.х.ф.н. И. М. Ашеро, И. Тагаев, патиссон ва қовоқча бўйича Ш. Жабборовлар илмий ишлар олиб борган.

1993–1995 йилларда Тогаев Илҳом мудир бўлиб ишлаган. Помидорнинг “Баҳодир” навини яратган.

1995–2002 йилларга қадар Эшонқулов Неъмат Эргашевич таянч пунктига мудирлик қилган. Мудирлик даврида бир қанча сабзавот ва полиз экинларидан қовоқнинг “Понкади” ва патиссоннинг “Заркокил” навларига ҳаммуаллиф бўлган. Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд таянч пунктида 1995-2002 йилларда мудир бўлиб ишлаган.

СПЭ ва КИТИ Самарқанд илмий-тажриба станцияси жамоасини қишлоқ хўжалигидаги ислохотлари амалга ошириладиган ўрни ва вазибалари тўғрисида.

2014 йилда Самарқанд таянч пункти маҳаллий ҳокимият қарори билан Самарқанд илмий-тажриба станцияси деб юргизилган. Самарқанд илмий-тажриба станциясининг умумий ер майдони жами 100 га бўлиб, шундан 71 га майдонда сабзавот, полиз ва картошка экинларининг с/элит ва элита уруғчилиги билан шуғулланилмоқда. 2010 йилда Самарқанд илмий-тажриба станциясида саккиз далали беда, сабзавот, полиз ва картошка алмашлаб экиш жорий қилинган.

2002–2022 йилларда Самарқанд илмий-тажриба станциясида Ш. Жабборов раҳбарлик лавозимида ишлаб келди. Бу даврда Самарқанд илмий-тажриба станциясида 3 дан 2 қисм ерлари капитал планировка қилинди. 600 метр йўлга асфальт ётқизилди. 1980 йилда қурилган икки қаватли идора, “Жаҳон банки” томонидан ажратилган маблағлар эвазига капитал ремонт қилинди. Идорага 120 қувватга эга трансформатор, 100 тонна ҳажмга эга бўлган совутгич ўрнатилди.

Бир нечта сабзавот полиз экинларининг янги навлари яратилди. Жумладан помидорнинг “Юлдуз”, “Мустақиллик-28”, ширин маккажўхорининг “Замон”, ширин картошканинг (батат) “Тойлоқи” ва “Сочакинур”, картошканинг “Феруза”, “Боғизагон” навлари яратилди. Шу билан биргаликда сабзавот, полиз экинларининг навлари тўғрисида 2 та монография, 4 та китоб ва 120 дан ортиқ мақолалар чоп этилди.

2022 йилда Самарқанд илмий-тажриба станциясига **Қудратов Одил Қўчқорович** раҳбарлик қилган. 2022 йилдан ҳозирги кунда илмий-тажриба станциясига к.х.ф.д. (PhD) Исмоилов Алишер Исроилович раҳбарлик қилиб келмоқда. Самарқанд илмий-тажриба станциясида жами 18 нафар ходимлар мавжуд бўлиб, шундан қ.х.ф. доктори профессор Т. Э. Остонақулов, ва қ.х.ф.д. (PhD) Ф. А. Облоқуловлар фаолият олиб боришмоқда.



*И. М. Ашеров**И. А. Тагаев**Н. Э. Ишонкулов**И. Исмойлов*

Тажриба станцияси олимлари томонидан “Эртаги картошка навларининг жадаллашган бирламчи уруғчилик технологиясини такомиллаштириш”, “Сабзавот экинларини туқсонбости усулида етиштириш”, “Асосий ва такрорий экин сифатида помидор етиштириш технологияси”, “Картошкани иккиҳосилли экин сифатида етиштириш технологияси” каби тавсияномалар ишлаб чиқилган.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станцияси маъмурий биноси 1980 йилда қурилиб фойдаланишга топширилган ва 2021 йилда қайта тулиқ таъмирланган.

Ҳар йили ўртача 70–80 та ишчи ва хизматчилар ишлайди. Ундан ташқари 500 м² майдонга эга икки қаватли лаборатория ва идора мавжуд, 0,05 га сотик ерда иссиқхона ташкил қилинган.

Кейинги уч йилда ўртача йиллик сабзавот, полиз уруғи ишлаб чиқариш 8 тоннани, шундан сабзавот уруғи 5 тонна, полиз уруғи 3 тонна, картошка уруғлиги ўртача 120 тоннани ташкил этади.

1981 йилда сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станциясида қовоқнинг “Нонкаду” нави яратилган бўлиб, муаллифлар И. М. Аширов, С. Қўчқоров, Н. Э. Эшонкулов, И. Қ. Қўчқоровлар, 1982 йилда қовуннинг “Сайли” нави яратилган бўлиб, муаллифлар И. М. Аширов, А. С. Ҳакимовлар.

*Ш. Жабборов**Т. Э. Остонакулов**А. И. Исмойлов**Ф. А. Облокулов*

2019 йили “Новоткалла” нави яратилган бўлиб, муаллифлар Р. А. Низамов, Т. Э. Остонақулов, Р. А. Ҳақимов, Ш. Жабборов, А. И. Исмоилов, Х. Тилавов, Х. Амировлар, 2010 йили патиссоннинг “Заркокил” нави яратилган бўлиб, муаллифлар Ш. Жабборов, А. Аббосов, Н. Э. Эшонқулов, М. Нурматовлар, 1990 йилда помидорнинг “Баҳодир” нави яратилган бўлиб, муаллифлар И. М. Аширов, И. Тоғаев, Ш. Жабборовлар, “Юлдуз” нави муаллифлари Р. А. Низамов, Р. А. Ҳақимов, Ш. Жабборовлар, 2021 йилда “Мустақиллик-28” нави яратилган бўлиб, муаллифлар Р. А. Низамов, Т. Э. Остонақулов, А. И. Исмоилов, Ш. Жабборов, О. Х. Муратовлар, 2020 йилда ширин маккажўхорининг “Замон” нави яратилган бўлиб, муаллифлар Т. Э. Остонақулов, Ш. Жабборов, С. Т. Санаев, Ч. Набиевлар, 2020 йилда “Боғизагон” нави яратилган бўлиб, муаллифлар Т. Э. Остонақулов, Д. Т. Абдукаримов, Р. А. Низамов, А. И. Исмоилов, С. Т. Санаев, И. Х. Амонтурдиев, Х. Хонқуловлар, 2020 йилда бататнинг “Сочакинур” ва “Тойлоқи” навлари яратилган бўлиб, муаллифлар Т. Э. Остонақулов, А. Х. Ҳамзаев, А. А. Шамсиев, А. И. Исмоилов, М. М. Комиловлар бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда юқоридаги навларнинг 5 тасига интеллектуал мулк агентлигига патент олиш учун ҳужжат топширганлар.

Самарқанд илмий-тажриба станцияси олимлари Т. Э. Остонақулов, А. И. Исмоиловлар томонидан “Эртаги картошка навларининг жадаллашган бирламчи уруғчилик технологиясини такомиллаштириш”, Т. Э. Остонақулов, А. И. Исмоиловларнинг “Сабзавот экинларини тўқсонбости усулида етиштириш”, “Асосий ва такрорий экин сифатида помидор етиштириш технологияси”, “Картошкани икки ҳосилли экин сифатида етиштириш технологияси”, Т. Э. Остонақулов, А. И. Исмоилов ва Ф. А. Облоқуловлар томонидан “Сабзавот, полиз ва картошка экинларини етиштиришда ресурс тежамкор усуллардан фойдаланиб, экспортбоб ҳамда юқори ҳосилдорлигига эришиш сирлари” мавзулари бўйича бир нечта тавсиянома ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган.

2022–2023 йилларда Самарқанд илмий-тажриба станцияси ишчи ва илмий ходимлари томонидан картошканинг 62 та нав намуналари ўрганилиб, улар ўртасида дарагайлаш ишлари олиб борилмоқда, янги “Ультразшим” ва “Самарқанд ўғлони” каби навлар, ош лавлаги коллекцияси ичидан 1 та “Ҳосилдор” нави, ширин қалампир коллекцияси ичидан 1 та “Янги ҳаёт” навларини Давлат реестрига топширишга тайёр ҳолатда, 2024 йилда нав синаш ишлари ўтказилиши режалаштирилган.

Самарқанд илмий-тажриба станциясининг айрим ерларида томчилатиб сугориш тарзи қилинди.



Самарқанд илмий-тажриба станцияси архивидан фотолар



Хоразм илмий-тажриба станцияси

Хоразм илмий-тажриба станцияси Хоразм вилояти Гурлан туманининг Амударё ММТП да жойлашган.

Хоразм илмий-тажриба станцияси Хоразм вилояти Гурлан туманининг Амударё ММТП да жойлашган.

Хоразм илмий-тажриба станциясига К.Шарипов, А.Аминов, Ю. Юсупов, С.Гулимов ва Г.С.Гулимов раҳбарлик қилишган. Бугунги кунда С.К. Калантаров илмий-тажриба станциясига раҳбарлик қилиб, илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Станцияда илм-фан ривожланишида ва моддий-техника базасини шаклланишида станцияга кўп йиллар раҳбарлик қилган Собир Гулимовнинг ўрни катта. С.Гулимов қовунчилик соҳасида ҳам кўплаб ютуқларга эришилган. Айниқса минтақада қовун селекцияси ва уруғчилигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Қовуннинг "Гурлан", "Амударё", "Гулоби Хоразимий" ва "Саховат" навлари институт олимлари ва С.Гулимов ҳаммуалифлигида ихтиро қилинган. Станция олимлари томонида "Хоразм қовунлари" катта шакллантирилиб чоп эттирилган.

Хоразм илмий-тажриба станциясида Давлат илмий техника дастури доирасида баҳарилиши 2018-2020 йилларга мўлжалланган КХ-А-КХ-2018-123 "Қовуннинг маҳаллий нав намуналарини ўрганиш, генофондини сақлаш ва экспортбоп, серҳосил навларини баҳарлаш" мавзусида амалий лойиҳа, 2021-2022 йилларда ҚХ-И-102 "Хоразм вилояти янги тропик-иқлим шароитига мос, серҳосил ва экспортбоп маҳаллий қовун навлари бирламчи уруғчилигини ривожлантириш" мавзусида инновацион лойиҳалар амалга оширилиб қовун навларини тиклаш, генофондини шакллантириш ва энг бозоргир, экспортбоп навларни бирламчи уруғчилигини ташкил этишга эришилган.

Бугунги кунда станцияда қовуннинг 125 та нав намуналари сақланмоқда. Мавжуд қовун навлар ичида "Оқ босволди", "Хон қизи", "Урганчи", "Олла ҳамма" (эти қизил), "Оқ гўшт", "Қўтир бешак", "Хива бешаги", "Қора гулоби", "Бижир", "Бешак 5", "Олмурта гулоби", "Хон гўшт", "Ола бўрикалла", "Ола гурбек", "Жийда гули", "Кўк гулоби", "Заргулоби", "Жийда япроқ", "Ёз бешак", "Оқ бош бешак" навлари алоҳида аҳамиятга эга.



Бугунги кунда станцияда қовун селекцияси изчиллик билан давом эттирилмоқда, натижада қовунинг янги "Гандимён" ва "Кумуш" навлари ихтиро қилиниб, тегишли хужжатлари патентлаш учун Интеллектуал мулк агентлигига топширилди.



К. Шарипов



А. Аминов



Ю. Юсупов



С. Гулимов



Г. С. Гулимов



С. К. Калантаров



С.М.Садуллаев



Сурхондарё илмий-тажриба станцияси

Сурхондарё сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти илмий-тажриба станцияси 1968 йил 24 сентябрда Сурхондарё вилояти ижроия комитетининг қарори билан Ангор тумани Ленин йўли (ҳозирги Қ. Тулаков) жамоа ҳужалиги ҳудудида ташкил этилган бўлиб, унга биринчи бўлиб С. Алламуродов раҳбарлик қилган. 1996 йилдан ҳозирги пайтгача ушбу корхонага қ.х.ф.д., профессор М. Х. Арамов раҳбарлик қилиб келмоқда. Бу ерда турли даврларда б. ф. д., профессор Ҳ. Ч. Бўриев, б.ф.н., катта илмий ходим [Б. Т. Турдикулов], қ.х.ф.номзодлари, катта илмий ходимлар [Б. Б. Бахромов], [А. Р. Хасанов], [Ғ. А. Эргашев], қ.х.ф.д. Н. Н. Нурматов, қ.х.ф.ф.д. Б. Саломов, илмий ходим А. Н. Саитмуратовлар фаолият кўрсатишган. Ҳозирги пайтда тажриба станциясида қ.х.ф.д., катта илмий ходим Ж. Н. Наджиев, кичик илмий ходимлар Ж. Ш. Тўрақулов, Т. А. Қулмаматов, докторантлар Ф. А. Нурмаматов, Б. Алматов ва С. Х. Қаршиевалар илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. 1996 йилда собиқ Совет Иттифоқ тарқалиши муносабати билан Бутуниттифоқ сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти (ВНИИССОК) Урта Осиё лабораторияси ҳам тажриба станцияси таркибига қўшиб юборилди.

Республикаимиз жануби иқлим шароити ва ҳозирги замон бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, тажриба станциясида қуйидаги долзарб йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда:

- ҳудудда кенг тарқалган бўртма нематодаси, кладоспориозга чидамли, мевалари транспортбоп нав ва дурагайлар яратиш;
- сабзавот экинларининг эртапишар навларини яратиш;
- кам тарқалган қимматли сабзавот экинларини республикаимиз шароитига интродукция қилиш;
- ератилган ва интродукция қилинган нав F_1 дурагайлар уруғчилигини ташкил этиш;
- бир календар йил давомида сабзавот экинларидан 2–3 генерация олиш йўли билан селекция жараёнини тезлаштириш.

Селекция жараёнини тезлаштириш бир йиллик сабзавот экинлари — помидор, бодринг, қовоқ каби экинлардан бир календар йил давомида 2–3 авлод олишга йўналган. Бу услуб республикаимизда, МДХ мамлакатларида тадқиқотлар олиб бораётган селекционерлар учун тавсия этилади.

Сабзи, ош лавлаги, селдерей, петрушка каби икки йиллик сабзавот экинлари селекцияси жараёнини тезлаштириш Бутунроссия сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги ИИТИ (ВНИИССОК) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Бу услуб Россия Федерациясидаги илмий-тадқиқот институтлари учун тавсия этилган бўлиб, икки йиллик сабзавот экинлари оналиклари Ўзбекистон жанубида август-ноябр ойларида етиштирилади ва улар Россия Марказий ноқоратупроқ минтақасида экиш муддатига етказиб берилади.

Бу усулдан селекция жараёнининг дурагайлаш, F_1 - F_3 авлодларини синаш каби босқичларда фойдаланиш тавсия этилади. Тўртинчи ва ундан юқори авлодларни бўлажак авлодга тадбиқ қилиш режалаштирилган ҳудудда ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.



Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон жануби сабзавот экинлари хавфли зараркунандаси бўртма нематодаси (*Meloidogyne ssp*) га чидамлилигини баҳолашда табиий фон, муҳит бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги аниқланди. 1982 йилдан буён бу ерда помидорнинг 2500 дан ортиқроқ нав, линия, дурагайларини бўртма нематодасига чидамлилиги баҳоланди. Натижада бу зараркунандага чидамли "Nemared", "VFN-8", "Rossol-VFN", "Calimart", "Ronita", "Piernita", "Hawaii-7792" ва бошқа шу каби нав намуналари ажратилди. Чидамли навларни маҳаллий, чидамсиз навлар ("ТМК-22", "Узмаш-1", "Дўстлик", "Прогрессевный-202", "Волгоградский-5/95") билан чапиштириш асосида "Намуна", "Сурхон-142", "Дони-2000", "Заковат" каби навлар ва "F₁ Нурафшон" дурагайи яратилиб, давлат реестрига киритилди. Истикболли "Осиё", "Офарин", "Дурдона" навлари давлат нав синаш комиссиясидан ўтмоқда.

Ўзбекистон жануби эртаги сабзавотчиликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларга эга эканлигини ҳисобга олиб, тадқиқотларнинг яна бир қисми помидорнинг эртапишар нав ва дурагайларини яратишга қаратилди. Турли экологик шароитлардан келтирилган 150 дан ортиқ нав намуналарини ўрганиш асосида эртапишар навлар селекцияси учун "Волгоградский скороспелый", "N 39", "N 86", "Агата ранний", "Спринт-2", "Аллен-2000", "Патрис", "Фонарик" каби нав намуналари ажратилди.

Аналитик селекция услубидан фойдаланиб, "Шафақ" (2003), "Севара" (2003), "Дўстлик" (2009) навлари яратилди ва давлат реестрига киритилди. Ушбу навлар ҳам плёнкали қопламалар остида, ҳам очиқ далаларда етиштирилиб, эртаги ҳосил учун мўлжалланган.

Бақлажоннинг эртапишар, серҳосил навларини яратиш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида "F₁-Замин" дурагайи ва "Сурхон гўзали" нави яратилди ва давлат реестрига киритилди. "F₁-Замин дурагайи" қиёсий "Аврора" навига нисбатан 17 кун олдин пишиб етилади ва эртаги ҳосилдорлиги бўйича 70,9%, умумий ҳосилдорлиги бўйича эса 3% ундан юқори туради. Ушбу дурагай 2011 йилдан давлат реестрига киритилди.

Эртапишар "Сурхон гўзали" навининг товарбop ҳосилдорлиги 65,8 т/га, эртаги ҳосилдорлиги 23,2 т/га бўлиб, бу қиёсий навга нисбатан мувофиқ равишда 16,9% ва 30,0% га кўпдир. Янги нав 2014 йилдан давлат реестрига киритилди.

Бақлажоннинг бўртма нематодаси чидамли нав ва дурагайларини яратиш мақсадида 100 дан ортиқ нав намуналари, линиялар табиий фонда баҳоланди. Натижада бўртма нематодасига чидамли Мк линияси яратилди ва селекция ишларига жалб қилинди. Ҳозир ушбу линия иштирокида яратилган бўртма нематодасига чидамли, ўзида муҳим хўжалик белгиларни мужассамлаштирган 30 дан ортиқ линиялар ўрганилди. Тадқиқотлар натижасида эртапишар бўртма нематодасига чидамли "Глобус" нави яратилди ва 2021 йилдан давлат нав синовидан ўтмоқда.

Сабзининг турли муддатларда (ёзги, кузги, баҳорги, тўқсонбости) экиб юқори ва сифатли ҳосил берадиган нав ва дурагайларини яратиш мақсадида 60 дан ортиқ нав линия ва дурагайлар ўрганилди. Селекция ишлари натижасида турли муддатларда экишга яроқли "Фаровон" нави яратилди ва 2013 йил давлат реестрига киритилди.



Тажриба станциясида республикамизда биринчи марта ош лавлагининг 70 дан ортиқ нав намуналари турли муддатларда ўрганилди ва ушбу экин селекцияси учун истиқболли бошланғич манба ажратилди.

Аналитик селекция йўли билан ош лавлагининг “Диёр” нави яратилди ва у 2010 йилдан давлат реестрига киритилди. Ушбу нав илдизмевасининг бозор талабларига жавоб бериши, ўқ илдизининг ва барг тупбаргининг жуда кичиклиги илдизмеваларнинг бир пайтда пишиб етилиши билан ажралиб туради. Кейинги тадқиқотлар ош лавлагининг бир ўсимтали навларини яратишга қаратилди. Тадқиқотлар натижасида бир ўсимтали “Ягона” нави яратилди.

Саримсоқ экини бўйича олиб борилаётган тадқиқотлардан мақсад пиёзбоши (100 г гача) ва пиёзчалари катта, пиёзчалар сони 7–8 та бўлган навларни яратишга бағишланди. Ушбу экиннинг 30 дан ортиқ нав намуналари ва 150 дан ортиқ клонларини ўрганиш асосида қимматли бошланғич манба ажратилди.

Клонли танлаш асосида назорат навига нисбатан пиёзбоши катта, пиёзчалар сони 10–12 та бўлган, сақлашга яроқли “Чидамли” нави яратилди ва у 2015 йилдан давлат реестрига киритилди.

Синов боғчасида 350 дан ортиқ клонлар устида селекция ишлари давом эттирилмоқда.

Оқбош карамнинг эртаги муддатда экишга мўлжалланган, иссиққа чадамли навларини яратиш бўйича селекция ишлари натижасида янги “Термиз-2500” нави яратилди ва 2004 йилдан давлат реестрига киритилди. Ушбу нав мураккаб чатиштириш асосида “Судья Узбекский” х “Ташкентская-10”) х “Стахановка-513” комбинациясидан якка танлаш ва авлодларни баҳолаш асосида яратилган.

Таркиби витаминлар ва минералларга бой дориворлик хусусияти билан аҳамиятга эришган сабзавот экинларини республика ҳудудига интродукция қилиш натижасида доғ-доннинг “Содиқ”, салатбоп шолғомнинг “Муяссар”, арпабодиённинг “Шифо”, сельдерейнинг “Сербар”, исмалоқнинг “Нафис”, петрушканинг “Нилуфар” навлари яратилди ва улар давлат реестрига киритилди. Майоран, мелисса, котовник, артишок, лофант каби экинларни интродукция қилиш истиқболли эканлиги аниқланди.

Ушбу ман УЗСПЭ ва КИТИ Сурхондарё илмий-тажриба станцияси олимлари томонидан сабзавот экинларининг 60 га яқин нав, дурагай линиялари яратилди. Шулардан 35 таси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ экинлиги экинлари Давлат реестрига, 8 таси Россия Федерациясида фойдаланишга тавсия этилган селекция ютуқлари Давлат реестрига киритилган ва 6 та истиқболли навлар Давлат нав синовидан ўтмоқда. Олтита навга Интеллектуал мулк агентлиги томонидан патент берилган. 7 та нав патент олиш учун топширилган. Тадқиқотлар натижалари 4 та монография, 500 дан ортиқ мақолаларда ўз аксини топган. Тажриба станциялари илмий ходимлари томонидан олий ўқув юртлари учун 3 та дарслик ва 4 та қўлланма чоп этилган.

Истиқболли бир қанча навлар танлов синовидан ўтмоқда ва бир қанча линия, катта устида селекцион боғчада тадқиқотлар олиб борилмоқда.



Илмий-тажриба станциясида ёш олимларни тарбиялаб етиштириш борасида ҳам маълум ишлар амалга оширилди. Бу ерда Ж. Н. Наджиев (2018), Н. Н. Нурматов (2020) лар тадқиқотлар олиб бориб, докторлик, [Ф. А. Эргашев] (2006), У. А. Қодировлар (2004) номзодлик, Б. С. Саломов (2019), қ.х.ф.ф. доктори диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар.



С. Алламуратов



Б. Т. Турдикулов



Б. Б. Баҳромов



А. Р. Ҳасанов



А. Н. Саидмуратов



М. Х. Арамов



Ж. Н. Наджиев



Б. С. Саломов

Ҳозирги кунда тажриба станциясида профессор М. Х. Арамов раҳбарлигида кичик илмий ходим Ж. Ш. Турақулов “Штамбсимон ва черри типдаги помидор нав ва дурагайлари селекцияси учун бошланғич манба яратиш” ва Б. Б. Муқимов “Индау (*Eruca sativa* Mill.) нинг морфобиологик хусусиятлари ва уни Ўзбекистон шароитига интродукция қилиш” мазусида (PhD) фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида турибди. Докторантлар Ф. А. Нурмаматов “Райҳон (*Oscimum basilicum* L.) селекцияси учун бошланғич манбани морфобиологик ўрганиш ва танлаш”, Б. Алматов “Помидорнинг пушти ранг нав ва дурагайлари селекцияси учун бошланғич манба яратиш” ва С. Х. Қаршиева “Котовник (*Nepeta cataria* var. *citriodora*), майоран (*Majorana hortensis* Moench.), мелисса (*Melissa officinalis* L.) экинларини хўжалик муҳим белгилари бўйича баҳолаш ва Ўзбекистон шароитига интродукция қилиш” мавзусидаги (PhD) фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тадқиқотлар олиб боришмоқда.



Илмий-тажриба станциясида ёш олимларни тарбиялаб етиштириш борасида ҳам маълум ишлар амалга оширилди. Бу ерда Ж. Н. Наджиев (2018), Н. Н. Нурматов (2020) лар тадқиқотлар олиб бориб, докторлик, [Ф. А. Эргашев] (2006), У. А. Қодировлар (2004) номзодлик, Б. С. Саломов (2019), қ.х.ф.ф. доктори диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар.



С. Алламуратов



Б. Т. Турдикулов



Б. Б. Бахромов



А. Р. Ҳасанов



А. Н. Саидмуратов



М. Х. Арамов



Ж. Н. Наджиев



Б. С. Саломов

Ҳозирги кунда тажриба станциясида профессор М. Х. Арамов раҳбарлигида кичик илмий ходим Ж. Ш. Турақулов “Штамбсимон ва черри типидаги помидор нав ва дурагайлари селекцияси учун бошланғич манба яратиш” ва Б. Б. Муқимов “Индау (*Eruca sativa* Mill.) нинг морфобиологик хусусиятлари ва уни Ўзбекистон шароитига интродукция қилиш” мазусида (PhD) фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида турибди. Докторантлар Ф. А. Нурмаматов “Райҳон (*Oscimum basilicum* L.) селекцияси учун бошланғич манбани морфобиологик ўрганиш ва танлаш”, Б. Алматов “Помидорнинг пушти ранг нав ва дурагайлари селекцияси учун бошланғич манба яратиш” ва С. Х. Қаршиева “Котовник (*Nepeta cataria* var. *citriodora*), майоран (*Majorana hortensis* Moench.), мелисса (*Melissa officinalis* L.) экинларини хўжалик муҳим белгилари бўйича баҳолаш ва Ўзбекистон шароитига интродукция қилиш” мавзусидаги (PhD) фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тадқиқотлар олиб боришмоқда.



Андижон илмий-тажриба станцияси

Андижон илмий-тажриба станцияси Андижон тумани Айланма МФЙ, Янгичек кучаси, 93-уйда жойлашган.

Илмий-тажриба станциясига Н. Мамаджанов, Т. Раҳимов, Т. Каримов, А. Умарходжаев, М. Иминохунов, Ш. Э. Раимов раҳбарлик қилишган. Бугунги кунда Андижон илмий-тажриба станциясида директор Ш. К. Аминов ва директор ўринбосари М. Камилов фаолият олиб бормоқдалар.



Н. Мамаджанов



Т. Раҳимов



Т. Каримов



А. Умарходжаев



М. Иминохунов



Ш. Э. Раимов



Ш. К. Аминов



М. Камилов

1977 йилларда Андижон таянч бўлими мудирини Н. Мамаджанов Фарғона водийси-нинг қовун навларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борган.

1984 йилларда аччиқ қалампир кам тарқалган экин турига мансуб бўлиб, маҳсулоти қисқилган ҳолда Россиянинг Сибир ва Урал ҳамда Узоқ Шарқга экспорт қилинган. Етук экин Н. С. Бақурас аччиқ қалампирнинг нав намуналарини йиғиш ва ўрганиш, танлаш ишларини олиб бориш давомида Андижанский-20, Образец-22, Образец-28 навлари қўрилган бўлиб Андижон ва Наманган вилоятларида етиштириш учун тавсия этилган.

Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида маҳаллий бодринг навлари популяция-ларидан "Маргиланский-822" ва "Маргиланский-88" навлари яратилган. Маргиланский бодринг мансуб бодринг навларидан ташқари "Қарабодринг", "Қара-кошка" ва майда бодринг шаклдаги "Чилляги тумшуги" оқиш бўлган популяциялари ҳам учраган.

1977–1980 йилларда Н. Мамаджанов Фарғона водийсида ош лавлаги оналикларининг экиш схемаси уруғ ҳосилига таъсирини ўрганиб, 70x50 см экиш схемасида уруғ ҳосилдорлиги ва уруғ сифатининг юқорилигини аниқлаган.

М. Камиллов сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти мустақил тадқиқотчиси. Институтнинг Андижон илмий-тажриба станциясида 2001 йилдан буён лаборант, илмий ходим ва директорнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари вазифаларида ишлаб келмоқда. Бататнинг 2 та, исмалоқнинг 2 та, бодрингнинг 6 та, помидорнинг 3 та, жағ-жағнинг 1 та, райхоннинг 1 та, жамбилнинг 1 та, пиёзнинг 1 та ва турпнинг 1 та навларининг ҳаммуаллифи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланган.

2016–2021 йилларда М. М. Камиллов томонидан помидорнинг ҳар хил муддатда пишадиган, истеъмол ва қайта ишлашга мос, юқори ҳосилли, тупроқ иқлим шароитига мос (иссиққа чидамли) бўлган “Найман” (2019), “Дарё” (2019), “Барлос” (2019) навлари яратилди.

Бодрингнинг иссиқхона ва очиқ майдонлар учун “Сардор-F1” (2018), “Баҳора-F1” (2018), “Дурафшон-F1” (2018), “Дояра-F1” (2019), “Ширин-F1” (2019) ва “Эзгу-F1” (2022) дурагайи яратилди.

Исмалоқнинг “Ҳосилдор” (2018) ва “Ҳосилдор-1” (2018) навлари яратилди.

Батат ширин картошкасининг “Хазина” (2018) ва “Хазина-1” (2018) навлари яратилди. Жағ-жағ ўсимлигининг “Барра” (2018) нави, райхоннинг “Ихлос” (2022) нави, жамбилнинг “Хуштаъм” (2022) нави, пиёзнинг “Қизил шахзода” (2022) нави ҳамда турпнинг “Мурод” (2022) навлари яратилди.

2022 йилда Андижон илмий-тажриба станцияси олим ва мутахассисларининг самарали илмий изланишлари натижасида бодрингнинг иссиқхоналар учун “Эзгу-F1” дурагайи, очиқ майдонлар учун пиёзнинг “Қизил шахзода”, “Малла” навлари, райхоннинг “Ихлос”, жамбилнинг “Хуштаъм”, турпнинг “Мурод” навлари яратилди.

Тажриба станциясини хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик:

- Япониянинг “THE MUSASHINO SEED CO., LTD” компанияси билан Хитой калеси уруғчилигини йўлга қўйиш бўйича ҳамкорлик қилинмоқда;
- Германиянинг “GIZ” компанияси билан кооперативларни ривожлантириш ва картошка уруғчилиги бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилган;
- АҚШнинг “USAID” компаниясининг “Агробизнесни ривожлантириш” лойиҳаси доирасида тренинг-центр ташкил қилинди;
- Қирғизистоннинг “TES center” ташкилоти билан ҳамкорликда картошка уруғчилиги бўйича ҳамкорлик ўрнатилган;
- Австралиянинг “Annexure Financial Solutions Limited/SMEC International Pty Limited” компанияси билан Қишлоқ хўжалигини интенсификация ва диверсификация қилишни қўллаб-қувватлаш ҳамда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилган.





Андижон илмий-тадқиқот станциясининг бош биноси



Ш. Аминов бошчилигида хорижий ҳамкорлар билан учрашув



Андижон илмий-тажриба станциясида деҳқонлар учун семинар



Тупроқ унумдорлигини ошириш буйича томорқачилар учун ўқув тренинги



Бухоро илмий-тажриба станцияси

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Бухоро илмий-тажриба станцияси 2021 йил 16 июл Бухоро вилояти Бухоро туман ҳокимининг қарори билан Бухоро тумани Гала осие шаҳри Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган бўлиб, унга биринчи бўлиб Т. Т. Усмонов раҳбарлик қилган. 2021 йил август ойдан ҳозирги пайтгача ушбу корхонага Б. Б. Юсупов раҳбарлик қилиб келмоқда. Ҳозирги пайтда тажриба станциясида илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари М. А. Саидов, Сабзавот, полиз ва картошка экинлари селекцияси ва уруғчилик лабораторияси мудир Р. Д. Райимқулов ва лаборант Н. Б. Юсупов, Сабзавот, полиз ва картошка экинлари агротехника ва ўсимликларнинг химия қилиш илмий лабораторияси бўлим бошлиғи Ҳ. Ш. Тиллоев, лаборант Д. А. Жаҳнова, юрисконсулт А. О. Раҳматова, бош ҳисобчи Ш. А. Умуров, ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис У. Р. Раджабова ҳамда иш юритувчи О. А. Жаҳонов фаолият юритиб келмоқдалар.

Ҳозирги кунда тажриба станцияси сабзавот полиз ва картошка экинлари селекцияси ва уруғчилик лабораториясида янги лойиҳа асосида “Черри” помидорининг 31 та навини Бухоро тупроқ иқлим шароитига мослаштириш ва нав танлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари кишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор С. И. Дўстмуратова илмий раҳбарлигида остида М. Саидов томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Бухоро илмий-тажриба станцияси раҳбарлари



Х. Хаитов



Ф. Ш. Раджапов



Г. Нуров



Б. Гафуров



Бухоро илмий-тажриба станцияси

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Бухоро илмий-тажриба станцияси 2021 йил 16 июл Бухоро вилояти Бухоро туман ҳокимининг қарори билан Бухоро тумани Гала осие шаҳри Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган бўлиб, унга биринчи бўлиб Т. Т. Усмонов раҳбарлик қилган. 2021 йил август ойдан ҳозирги пайтгача ушбу корхонага Б. Б. Юсупов раҳбарлик қилиб келмоқда. Ҳозирги пайтда тажриба станциясида илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари М. А. Саидов, Сабзавот, полиз ва картошка экинлари селекцияси ва уруғчилик лабораторияси мудир Р. Д. Райимқулов ва лаборант Н. Б. Юсупов, Сабзавот, полиз ва картошка экинлари агротехника ва ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий лабораторияси бўлим бошлиғи Ҳ. Ш. Тиллоев, лаборант Д. А. Жаҳонова, юрисконсулт А. О. Раҳматова, бош ҳисобчи Ш. А. Умуров, ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис У. Р. Раджабова ҳамда иш юритувчи О. А. Жаҳонов фаолият юритиб келмоқдалар.

Ҳозирги кунда тажриба станцияси сабзавот полиз ва картошка экинлари селекцияси ва уруғчилик лабораториясида янги лойиҳа асосида “Черри” помидорининг 31 та навини Бухоро тупроқ иқлим шароитига мослаштириш ва нав танлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари кишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор С. И. Дўстмуратова илмий раҳбарлигида остида М. Саидов томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Бухоро илмий-тажриба станцияси раҳбарлари*Х. Хаитов**Ф. Ш. Раджапов**Г. Нуров**Б. Гафуров*

Тошкент тажриба хўжалиги

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти 1960 йилда Тошкент вилояти, Тошкент тумани (илгари Калинин тумани) га Тошкент шаҳридан кўчириб келтирилгандан сўнг шу манзилда жойлашган Тошкент давлат хўжалигининг 1 ва 2-бўлимлари ерларида илмий-тажриба ишлари олиб борилган.

1978 йилда Институт Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлими таркибига ўтказилгандан сўнг илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадида тумanning Тошкент давлат хўжалиги, Ленин йўли жамоа хўжалиги ерлари ҳисобидан 1000 гектардан ортиқ ер институт тажриба хўжалиги ихтиёрига берилган.

1978 йилдан 2007 йилга қадар мустақил фаолият юритган Институт Марказий тажриба хўжалиги таркибида 8 та қишлоқ хўжалик бригадалари, марказий таъмирлаш устахонаси, сут товар фермаси, сабзавотларни қайта ишлаш цехи, автогараж, сабзавотларни сақлашга мўлжалланган омборхона, иссиқхона, кўчатхона, биофабрика, қозонхона, қурилиш бригадаси мавжуд бўлиб, Институт олимлари томонидан яратилган сабзавот, полиз ва картошка экинларининг янги навларини синаш, уруғчилигини ташкил қилиш, агротехнологик ишланмалар даставвал тажриба хўжалигида ундан кейин эса республиканинг бошқа ҳудудларида ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Қарийиб ўттиз йил давомида фаолият юритган марказий тажриба хўжалиги 1983–1994 йилларда айниқса юқори самарадорлик кўрсаткичларига эга бўлиб, бунда ўша вақтдаги хўжалик директори Миниров Имадиддин Минировичнинг хизматлари бениҳос бўлган. Айнан шу даврда хўжаликнинг моддий-техник базаси мустаҳкам бўлиб, институтнинг илмий-тадқиқот ишларидан ташқари гўшт, сут, сабзавот консервалари, уруғликларни реализация қилиш орқали ўша вақтлардаги жамоа хўжаликлари билан бир қаторда тумanning илғор хўжаликларидан ҳисобланган.

Тажриба хўжалигининг илғор хўжаликлар қаторида мунтазам равишда қолишида эса Шукуров Джурабой, Саидгазиев Тўлқин, Махсудов Шодимат, Қодирқулов Бахтиёр, Абитова Дилдора, Қодиров Ғани, Пулатов Тўлқин, Қодиров Жўра, Кекильбеков Зулфиқор, Ақдосов Қахрамон, Ашуров Умар, Тешабоев Худойберган, Дўстмуҳамедов Шовкат, Алиев Руслан, Мирзаев Раҳим, Эштоева Зарифа, Арипова Муяссар, Маҳкамова Марҳамат, Асомова Моҳира, Дадаматов Тўхтамурод, Дадаматова Муҳайё, Асомова Халима, Саидқов Наби, Ҳакимов Ниғмонжон, Ҳакимов Мирқодир, Алматаев Манас, Мусаева Рауногул, Абаилова Мавжуда, Абдурахмонова Карима, Эргашева Насиба, Абитов Собит ва бошқаларнинг ҳиссаси катта.

Бригада бошлиғи Қодиров Ғани Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик қисми унвонига эга.

1978–1979 йилларда Шукуров Жўра, 1979–1982 йилларда Саидгазиев Тўлқин, 1982–1994 йилларда Миниров И. М., 1994–2001 йилларда Алиев Руслан Анафиевич, 2001–2002 йилларда Каримов Р. Ю., 2002–2006 йилларда Алиев Руслан Анафиевич институт тажриба хўжалигининг раҳбари бўлиб ишлаган.



**Ж. Д. Шукуров****И. М. Миниров****Р. А. Алиев**

Институтнинг тажриба хўжалиги 2006 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги “2007 йилда қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари туғрисида” ги ПК-514 сонли қарори, Тошкент тумани ҳокими С. Темировнинг 2006 йил 24 ноябрдаги 479-сонли “Ўзбекистон сабзавот, полиз ва картошка экинлари илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалиги негизида фермер хўжалиklarини ташкил этиш” ҳақидаги қарори асосида тугатилиб, унинг негизида бугунги кунда Кўксарой ер миришкор агрофирмаси фаолият юритяпти. Институтнинг Тошкент тажриба хўжалиги Тошкент вилояти Тошкент тумани Кўксарой қишлоғида жойлашган.

Қашқадарё илмий-тажриба станцияси

Қашқадарё илмий-тажриба станцияси Қашқадарё вилояти Китоб тумани Навоий ММТП да жойлашган.

Сабзавот полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Қашқадарё илмий-тажриба станцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 15 июлдаги 02-25-86-сонли йиғилиш баёни ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимининг 2008 йил 26 июлдаги Х-165/7-сонли қарорларига асосан ташкил этилган.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Қашқадарё илмий-тажриба станцияси директори лавозимида 2008–2011 йилларда Пардаев Ёқуб Ахматович, 2011–2015 йилларда Мирзаев Файзулло Абдуллаевич, 2015–2019 йилларда Ашуров Шерзод Бурхонович, 2019–2022 йилларда Зокиров Акмал Наимжонович ва 2022 йилдан ҳозирги кунгача Ашуров Шерзод Бурхонович фаолият юритиб келмоқда.

А. Н. Зокиров иш фаолияти давомида сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик йўналиши бўйича уруғчиликни ривожлантириш ва келгусида маҳаллий уруғларни сақлаш ҳамда истиқболли навларни тажриба участкасида синовдан ўтказган. Иш фаолияти давомида Сабзавот, полиз ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Қашқадарё илмий-тажриба станциясида замонавий лаборатория биноси, сабзавот маҳсулотларини сақловчи 100 тоннага мўлжалланган совутгич омборхонаси, замонавий кўчатхона барпо этди. У Қашқадарё илмий-тажриба станцияси бюджетидан молиялаштирилиб, унда ишчи ходимлардан 15 киши фаолият юритяпти.





Е. А. Пардаев



Ф. А. Мирзаев



Ш. Б. Ашуров



А. Н. Зокиров

Ашуров Шерзод Бурхонович сабзавотчилик соҳасида бир қанча ишларни амалга оширди. Картошка маҳаллий навларининг бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш билан бир қаторда Туркия давлатидан олиб келинган картошканинг 6 та навини Қашқадарё климат шароитига мослаштириш устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борган. Шу жумладан, картошкачиликнинг бирламчи уруғчилигини ривожлантириш мақсадида тоғлиқ ҳудуддан 32 гектар ер майдони ажратиш бўйича лойиҳаларда фаол иштирок этган.

Илмий-тажриба станцияси иш фаолияти давомида бир қанча ишларни амалга оширган. Шу жумладан КХА-10-036-сонли Сабзавот, полиз экинларининг бирламчи уруғчилиги ва юқори сифатли уруғ етиштиришнинг истиқболлари усулларини ишлаб чиқиш лойиҳаси доирасида ишларни олиб борган. Бундан ташқари 2010 йилларда КХА-10-036-11-5-сонли "Ҳарorat-агроклиматик ҳудудларнинг бодринг уруғ ҳосилдорлигига ва сифатига таъсири" мавзусида илмий-тадқиқот ишларини олиб борган. КХА-10-036-1-10-сонли лойиҳаси доирасида Қашқадарё илмий-тажриба станциясида сабзавот, полиз экинларининг бирламчи уруғчилиги услублари, тизимлари юзасидан илмий-тадқиқот ишларини амалга оширган.

Ш. Б. Ашуров иш фаолияти давомида сабзавот экинлари ва картошкачилик янги навлари ва ноанъанавий сабзавот экинларини кўпайтириш юзасидан бир қанча ишларни амалга ошириб келмоқда. Картошкачиликда 18 та янги навларни синовдан ўтказишни, улардан сифатли элита ва супер элита навларни танлаб олишда бир қанча ишларни амалга ошириб бормоқда. Сабзавотнинг ноанъанавий экин турларидан қорамнинг брокколи ва бруссел, порей пиёз ҳамда цикория навларини кўпайтиришни йўлга қўйиш мақсадида бир қанча ишларни амалга оширди. Жанубий минтақаларда картошкани сабзавотларни етиштириш мақсадида картошкадан энг эрта ҳосил олиш юзасидан лойиҳасини такомиллаштирмоқда.

Жанубий кунда тажриба станциясида Савой карамнинг нав намуналари тупланиб, картошкани ҳудудда етиштириш технологиясини такомиллаштириш юзасидан илмий ходимларнинг кўмакидан изланишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, сабзи, пиёз, бақлажон, қорамнинг, ширин қалампир, аччиқ қалампир, райхон, бодринг навларини уруғларини кўпайтириш, синовдан ўтказиш ишларини амалга ошириб келинмоқда. 2022 йилда Туркия давлатидан олиб келинган қовун навлари ҳамда Корея давлатидан олиб келинган пиёз навларини тажриба далаларида синовдан ўтказиш амалга оширилмоқда.



Қорақалпоғистон Республикаси илмий-тажриба станцияси

Қорақалпоғистон Республикаси илмий-тажриба станцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти фаолиятини янада ривожлантириш тўғрисида”ги 361-сонли қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2022 йил 1 июлдаги 367-13-0-Қ/22-сонли қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг тизимида ташкил этилган бўлиб, илмий ташкилот шаклидаги юридик шахс мақомига эга давлат муассасаси сифатида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги Нукус тумани адлия бўлими Давлат хизматлари марказида 2022 йил 8 август куни 1170753-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинди ва ташкилот Устави тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24, 46 ва 49¹-моддаларига мувофиқ ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг таклифига кўра қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-синов ишларини амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси илмий-тажриба станциясига Нукус тумани “Қрантов” овул фуқаролар йиғини “Шуртанбой” овули ҳудудидан 59,0 га ер майдони ажратилди.

Ҳозирги кунда ИТС томонидан Нукус тумани ҳокимлиги ўртасида ер ижара шартномаси тузилиб, ер участкасига ижара ҳуқуқини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши учун Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигига бирламчи ҳужжатлар топширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси илмий-тажриба станциясида 2022 йилдан бошлаб Уразбаев Камил Жангабаевич раҳбар, Жалимбетов Муса Аяпбергенович раҳбар ўринбосари, Бекбаулиев Абдулла Бекбаулиевич ҳисобчи, Бекбаулиев Абдулла Бекбаулиевич ахборот-коммуникация технологиялари бўйича бош мутахассис, Сейтаниязов Сапаримбет Айтимбетович ва Кенесбаев Рауаж Бакберген улы лобарант лавозимларида ишлаб келмоқда.

2023 йилда станция томонидан уруғлик учун ош лавлагининг “Ягона” нави, оқбош карамнинг “Термез-2500” нави, сабзининг “Фаравон” нави ва шолғомнинг “Дармон” ва “Гулшод” навлари уруғчилиги ташкил этилди.

Тадқиқотнинг мақсади сабзавот, полиз ва картошкачиликнинг нав-намуналарини тизимларини ажратиб олиш, экспортбоп, серҳосил турларининг истиқболли навларини яратиш ва бирламчи уруғчилигини ташкил этишдан иборат.

2023 йилда яна станция томонидан маҳсулот етиштиришнинг замонавий агротехнологияларини жорий этиш ва бирламчи уруғчиликни ривожлантириш ишлари режалаштирилмоқда.

2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси”





К. Дж. Уразбаев



М. А. Джалимбетов

тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармонларида белгиланган вазифаларга кўра қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасида замонавий миллий, экспортбоп навларини яратиш механизмини такомиллаштириш, тезпишар, ҳосилдорлиги юқори, узоққичликка ҳамда касалликларга чидамли янги навларини яратиш, улар асосида органик уруғчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади.

Яратилган янги навларнинг уруғлик материални барқарор ишлаб чиқаришни таъминлаш, уларнинг бирламчи уруғчилигини ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда станция томонидан “IL-632204154 “Оролбуйи ҳудудида сабзавот (шолғом, лавлаги, сабзи, оқбош карам, шолғом) ва картошка навларининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш, маҳсулот етиштиришнинг замонавий агротехнологияларини жорий этиш” мавзусидаги инновацион лойиҳаси доирасида жами 1,0 га ер майдонида сабзавот, полиз ва картошка экинларининг маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мос, узоққичлик, касаллик ва зараркунандаларга бардошли ҳамда сифат кўрсаткичлари юқори бўлган нав ва дурагайлари яратиш ҳамда бирламчи уруғчиликни ташкил этиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.



Илмий-тажриба станцияси томонидан ташкил этилган дала куни

Илмий кадрларни тайёрлаш

Кадрлар тайёрлаш докторантура ҳамда хориж (Жанубий Корея, Япония, Вьетнам, Россия, АҚШ, Венгрия, Қозоғистон, Туркия, Хитой)да ходимларнинг малакасини ошириш орқали амалга оширилади.

Институт юқори малакали кадрларни тайёрлашни амалга ошириб, 80 дан ортиқ фан доктори, номзодларини ва фалсафа докторларини тайёрлаган.

Институтдаги барча ёш олимлар мавжуд амалий лойиҳаларга жалб қилинганлар. Ёш тадқиқотчиларнинг дала ва лаборатория тажрибаларини олиб боришлари учун барча шароитлар яратилган, уларга малакали илмий ходимлар ўз маслаҳатларини бериб бормоқдалар.



Ходимлар малакасини ошириши учун тренинг



Тренинг иштирокчилари олинган сертификатлар билан



Тренинг иштирокчиларини иссиқхонада технологиялар билан таништириш



Ёш ходимлар учун халқаро тренинг



Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг институтнинг илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш, малакали мутахассисларнинг малакасини ошириш, илмий салоҳиятини кўтариш, илмий даражаларни олиш учун диссертация ишларини ҳимоя қилиш ҳамда илмий кадрларни кўпайтириш мақсадида кўпгина амалий ишлар бажарилди.

Сўнги йилларда институт докторантлари сабзавотчиликнинг долзарб йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб боришди. Уларнинг барчаси диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар ва турли мутахассисликлар бўйича дипломларни олдилар.

Нав селекцияси бўйича қатор изланишлар олиб борилиб, ҳозир ҳам давом этмоқда.

Помидор республикада жуда машҳур экин эканлиги сабабли помидор бўйича илмий муаммоларни ҳал қилиш устида докторантлар ишлайдилар. Д. Ш. Турақулов республикамизнинг жанубий зонасида пушти ранг помидор нав ва дурагайлари селекцияси учун бошланғич манбани баҳолаш ва танлаш бўйича тадқиқотлар олиб борди, Б. Т. Алматов эса помидорнинг пушти ранг нав ва дурагайлари селекцияси учун бошланғич манба яратиш бўйича ишламоқда.

О. Х. Муратов томонидан Зарафшон водийси шароитида такрорий экин сифатида етиштиришга мос помидор навларининг намуналарини танлаш ва селекция учун бошланғич манбалар ажратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Т. Б. Норматов томонидан помидор, ширин қалампир, бақлажонларни қурғоқчиликка, иссиқликка ва шўрланишга чидамли навларини танлаш ва етиштириш технологиясининг айрим элементларини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Ж. Н. Наджиев изланишлар олиб бориб, помидор ва бақлажоннинг транспортбop, сўртма нематодасига чидамли навини ва F1 дурагайлари яратди.

А. М. Борасулов бодринг коллекциясининг комплекс қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш, истиқболли намуналарини ажратиш ҳамда янги нав ва дурагайлари қўллаш натижасида "Ифор" ва "Шабнам" навларини яратди.

Институт докторантлари томонидан ноанъанавий ва кам тарқалган сабзавот экинларини интродукция қилиш, селекция ишларини олиб бориш ва агротехнологияларини яратиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Аҳолининг турли хил овқатланиши учун сабзавот турларини кенгайтириш зарурати туфайли А. М. Раҳматов салатбop ва баргли шолғом етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб бориб, салатбop шолғомнинг "Тўлшоод", барг шолғомнинг "Дармон" навларини яратди ва етиштириш агротехнологиясини тавсия этди.



Таянч докторант О. Х. Муратов тажриба даласида



Институт директори Р. А. Низомов бошчилигида ва лаборатория мудури Р. А. Ҳақимов ҳамда институт жамоаси Н. Ж. Хушвақтов ва Ш. Р. Арипова қишлоқ хужалиги фалсафа фанлари доктори илмий даражаси дипломи билан тақдирланмоқда (2022 й.)

В. В. Ким сабзавот соясининг янги навларини мақбул экиш муддати ва схемасини танлаш бўйича изланишлар олиб бориб, ушбу қимматбаҳо дуккакли экинни республикада етиштириш бўйича тавсиялар берди.

Ш. Р. Арипова қовоқча сабзавотининг ихчам палакли навларини селекцияси учун бирламчи манбаларни танлаш ва технологик элементларни ишлаб чиқиш бўйича изланишларни олиб бориб, қовоқчанинг ихчам палакли, эртапишар ҳамда юқори ҳосилдор “Орбита”, “Вириди” ва “Ҳилос” навларини яратди.



Таянч докторант Ж. Ш. Шералиев айсберг етиштириш майдонида

Б. А. Иброҳимов бамияни интродукцияси, уни етиштириш технологиясининг айрим элементларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борган ва бамиянинг “Тошкент тухфаси”, “Замин” ва “Шафақ” навларини яратди.

Х. Р. Давлатов яқон ўсимлигини иқлимлаштириш ва етиштиришнинг айрим элементларини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб бормоқда.



Салат экинининг хилма-хиллигига қизиқиш ортиб бораётганини ҳисобга олиб, докторантлар томонидан салат турларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар давом этмоқда.

Ж. Ш. Шералиев бош салат нав ва дурагайларини танлаш ҳамда етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда.

Х. Х. Абдалиев — барг салат, О. С. Исмоилов — цикорий салат ва Ж. М. Менгниёзов ромэн салат коллекциясини интродукция қилиш ва етиштириш технологиясининг элементларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини бошладилар.

Ф. А. Нурмаматов райхон селекцияси учун бошланғич манбани морфобиологик ўрганиш ва танлаш тадқиқотлари натижасида “Ихлос”, “Жозибба”, “Гулчаман”, “Муаттар” ва “Қорақош” навларини яратди.

Ш. Х. Бўриев брокколи нав ва дурагайларини етиштириш технологияси элементларини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб бормоқда.

С. Х. Қаршиева котовник ва мелисса экинларининг хўжалик муҳим белгиларини баҳолаш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда.

Ш. Д. Хатамов пастернак интродукцияси ва уни етиштириш технологиясининг элементларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда.

Г. Р. Расулова мангольд интродукцияси, янги нав ва дурагайлар селекцияси учун бошланғич манба яратиш бўйича изланишлар олиб бормоқда.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилмоқда.

А. Ғ. Хуррамов манзарали дарахтларнинг замбуруғли касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари бўйича изланишлар олиб бормоқда.

Бир қатор тадқиқотлар турли экинларнинг агротехнологияларини такомиллаштиришга бағишланган.

Ф. Ф. Расулов такрорий муддатда ширин қалампир навларини танлаш ва етиштириш технологиясининг элементларини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борган ва “Маржона” янги навини яратиб, республикада етиштирилган ширин қалампирнинг хилма-хиллигини бойитди.

Турли мавсумда сабзавот етиштиришда ҳам тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Н. Ў. Ибрагимова эртаги муддатда етиштиришга мос оқбош қарам навларини танлаш ва етиштириш технологияси бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда.

Ш. Б. Чориева эртаги сабзавотлар ва қалладан бўшаган майдонларда гулкарам етиштириш технологиясининг элементларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда.

Р. Ғ. Тўрамамов тадқиқотлари эртаги ва такрорий муддатларга мос қовоқ навларини



Таянч докторант Н. Ў. Ибрагимова қарам етиштириш тадқиқот майдониди



Таянч докторант Р. Ф. Тураматов қовоқ етиштириш тажриба майдонида

рини турли суғориш тартиби ва ўғитлаш меъёрларида ўстириш технологиясини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб бормоқда.

С. С. Лапасов кечки муддатда оқбош карам нав намуналарини танлаш, экиш муддатлари ва схемасини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижасида қишда карам маҳсулотларини сақлаш ва истеъмол қилиш имкониятлари кенгайтирилди.

Турли экинларнинг юқори сифатли уруғларига бўлган еҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда докторантларнинг тадқиқотлари уруғчилик усулларини такомиллаштиришга бағишланган.

А. И. Исмоилов картошканинг тезпишар ва ўртатезпишар навларининг жадаллашган-бирламчи уруғчилик технологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борган тадқиқотлари натижасида ишлаб чиқаришга сифатли уруғлик манбалари тавсия этилди.

Ж. Н. Раҳматуллаев интенсив усулда картошка уруғчилигини замонавий техника ва технологиялар асосида такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб бормоқда. У томонидан яратилган картошканинг “Тошкент эртагиси” нави ишлаб чиқариш талабга эга.



*Таянч докторант Ж. Н. Раҳматуллаев
FAO ташкilotи томонидан ташкил
этилган ўқув курсида иштироки учун
сертификат олмоқда*

танлаш ҳамда етиштириш элементларининг такомиллаштирилишига бағишланган.

Х. С. Амиров томонидан Зарафшон водийси янгидан суғориладиган ерларида қовун навларини ўстириш технологиясини такомиллаштириш ҳамда Х. М. Тилавов томонидан янгидан суғориладиган типик бўз тупроқларда қовун навларини турли технологияларда ўстириш ва қуритишга мослигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бориши натижасида қовун етиштириш майдонларини кенгайтиришга имкон очилди.

Г. А. Саидова Бухоро вилояти кучсиз шўрланган тупроқларида помидор навла-

У. А. Қодиров жуда эртапишар ва эртапишар пиёз навларининг биологик хусусиятлари, уларни етиштириш агротехникаси ва уруғчилигининг илмий асослари ҳамда Ш. Ж. Махадаминов пиёздан жадаллашган усулда уруғ етиштириш технологиясининг элементларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда.



М. А. Аҳмедова сабзавот-полиэ экинлари ҳосилдорлигини оширишда уруғларга ишлов беришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда.

А. Н. Файзуллаев оқбош карамнинг серҳосил, эртапишар навларини яратиш ва маҳаллий навлар уруғчилигини ташкил этиш бўйича изланишлар олиб бормоқда. Т. К. Холмуминов ширин қалампирнинг мева ва уруғлари сифатини оширишнинг морфобиологик ва ҳужалик асослари бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда.

Т. Р. Кенжаева жанубий зонада патиссон ўсимлигининг селекцияси учун бошланғич манба яратиш ва уруғчилик технологияси элементларини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар олиб бормоқда.

Б. С. Саломов саримсоқ селекцияси учун бошланғич манба яратиш ва уруғчилик технологиясини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб бориб, ушбу йўналишда таъсиялар ишлаб чиқди.

Мавсумдан ташқари даврда янги маҳсулотга бўлган талаб ва иссиқхонада сабзавот етиштиришни ривожлантириш тўғрисида ушбу йўналишда кўпроқ тадқиқотлар олиб борилади.

Н. Ж. Хушвақтов томонидан иситилмайдиган иссиқхонада аччиқ қалампир навларини тайёрлаш, экиш муддатлари ва схемаларини ишлаб чиқиш, олиб борилган тадқиқотлар натижасида яратилган “Шарқ гавҳари” янги навини ишлаб чиқаришда рентабеллигини ошириш тадқиқотлари очилди.

Ю. Б. Турабоева бодрингнинг гидропоник иссиқхонасида етиштиришга мос нав ва дурагайлари яратиш учун бошланғич манба ажратиш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда.

Ж. М. Тураев плёнкали иссиқхона ва маҳаллий донда етиштиришга мос помидорнинг нав ва дурагайлари яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда.



*Таянч докторант М. А. Аҳмедова
уруғларни дорилаш жараёнида*



*М. У. Абилова иссиқхонада етиштиришга
мос қовун нав намуналарини ўрганмоқда*

Фермер ва томорқачиларга илмий-услубий ёрдам

Ўтган давр ичида институт илмий ишлар натижаларини Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига кенг жорий қилиб, республика аҳолиси шахсий томорқа хўжалигида ва фақат маҳаллий истеъмол учун маҳсулот берадиган тармоқдан халқ хўжалигида муҳим ўрин эгаллаган, тез суръатлар билан ўсиб бораётган, шаҳар ва саноат марказлари аҳолисини резавор сабзавот, полиз, картошка маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатини хом ашё билан таъминловчи ривожланган йирик тармоққа айланишига катта ҳисса қўшди.

Институт ходимлари навлар ва уларнинг агротехнологиялари бўйича фермер ва хусусий мулкдорларга маслаҳатлар бериш, нав ва технологияларни ишлаб чиқариш, синовдан ўтказиш, уруғлик ва кучат материалларини тақдим этишда кўмаклашиш, сабзавот ишлаб чиқарувчилари билан турли масалалар бўйича учрашувлар ўтказиш учун мунтазам равишда республикамизнинг турли ҳудудларидаги далаларга ташриф буюрмоқдалар.

Ҳар йили фермер ва хусусий мулкдорлар учун сабзавотчиликнинг турли йўналишларида фермерлик кунлари, семинарлар ва тренинглар ўтказилмоқда.



Ёллар учун тўғри овқатланиш бўйича семинар



Помидорни вегетатив пайвандлаш бўйича тренинг



Илмий ходимлар фермер ва деҳқон хўжалиқларига сабзавот экинларини етиштириш бўйича маслаҳат бермоқдалар




Фермерларни сабзавотчилик технологияларига оид рисоалар билан таъминлаш



Илм-фан ютуқларини тарғибот қилиш

Институт ярим асрлик (1933–1983 й.й.) фаолияти давомида 300 тадан ортиқ, шулардан 30 таси халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, 50 дан ортиқ диплом ва гувоҳномалар, 5 та олтин, 6 та кумуш ва 24 та бронза медаллари билан тақдирланган.

1989 йил Эрфурс халқаро кўргазмасида институт жамоаси қовун навлари учун 10 та олтин ва кумуш медал ҳамда кубок билан тақдирланган.



Институт олимлари томонидан яратилган қовун навлари учун берилган олтин ва кумуш медаллар ҳамда кубок билан тақдирланиши



Институт жамоасининг 1989 йил Эрфурс халқаро кўргазмасида иштироки





Бундан ташқари ҳар йили инновацион ва бошқа турдаги ярмарка ҳамда барча вилоятларда ўтказилган семинар иштирокчиларига институт томонидан буклетлар ва тавсиянома, қўлланма ва сабзавотчиликка тегишли турли адабиётлар тарқатилиши билан биргаликда тарғибот ишлари олиб борилади.

Институт Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси билан алоқаларни ҳам яхши йўлга қўйган. Марказий телевиденияда ва радиода 100 дан ортиқ чиқиш қилган. Йил мобайнида ҳар ҳафтада бир мартаба радио ёки телекурсувларда, айниқса "Ўзбекистон", "Ёшлар", "Маҳалла", "Дунё бўйлаб" телеканалларида мунтазам равишда чиқишлар қилиниб келинади.



Институт "ЎзЭкспоМарказ" да ўтказилган кўргазмада



Помидор пайванд қилинган қучатларининг фермерларга намоиш этилиши



"ЎзЭкспоМарказ"да республика тармоқлараро саноат ярмаркаси



Ўзбекистон Инновацион ривожланиш вазирлигида Эрон Ислам Республикаси бошчилигидаги делегациянинг ташрифи





Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказида ташкил этилган анжуман



Ўзбекистон телеканалининг “Хулоса ўзингиздан” кўрсатувида қишлоқ хўжалиги филозофия фанлари докторлари М. М. Мирзасолиев, Ф. Ф. Расулов, Ш. Р. Арипова, Б. А. Иброҳимов ва А. М. Раҳматовларнинг иштироки



Нашриёт фаолияти


Институтнинг 90 йиллик фаолияти давомида институт олимлари томонидан 2000 ортақ илмий нашрлар, жумладан, китоблар, монографиялар, экинларни етиштириш технологиясига оид усуллар, халқаро ва республика журналлари ва конференция тўпламларида мақолалар чоп этилди.

П. Н. Дудко томонидан ёзилган “Сортовое богатство дынь Узбекистана” (1956 й.), Н. Сагдуллаевнинг “Возделывание ранних овощей в теплицах и под плёнкой” (1973 й.), Ш. Карабаевнинг “Эртаги карам агротехикаси” (1976 й.), И. М. Ашероунинг “Тыква Узбекистана” (1979 й.), С. К. Кучкаровнинг “Дыни Узбекистана: сорта, селекционное использование, семеноводство” (1985 й.), К. Юсуповнинг “Юсупов навли помидор” (1988 й.), А. И. Расуловнинг “Сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотларини сақлаш” ва бир гуруҳ олимлар томонидан “Ўзбекистон қовунлари” (2005 й.) классик ва бошқа бир қанча китобларининг нашр этилиши Марказий Осиёда сабзавотчилик, полизчилик, картошқачилик ҳақидаги билимларни кенгайтириш учун сезиларли ҳисса қўшди.

Сўнги йилларда М. Х. Арамов, А. М. Раҳматов “Салатбоп ва баргли шолғом: навласи ва экиш муддатлари” номли монография ҳамда Р. Ф. Мавлянова, С. А. Юнусов, Б. А. Каримов ва Е. Е. Ляннинг “Ўзбекистонда сабзавот экинларининг вегетатив пайвандлаш технологияси” номли монографияси чоп этилди.

Институт илмий кутубхонасининг китоб фонди сабзавотчилик, қовунчилик, картошқачилик ва шу билан боғлиқ соҳаларга оид 50 минг нусхадан ортиқни ташкил этади. Кутубхонада олимлар томонидан чоп этилган илмий ишлар ва сабзавотчилик, қовунчилик ва картошқачилик бўйича рисоалар ва тавсияномалар мавжуд. Институт кутубхонаси китоб фондини тўлдириш учун бошқа ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари билан фаол ҳамкорлик қилади.

2023 йилда қ.х.ф.д., профессор Р. А. Низомовнинг умумий таҳрири остида институт олимлари томонидан бир нечта тавсияномалар, “Сабзавот етиштириш” ва “O‘zbekiston polizchiligi” (матн ўзбек, рус ва инглиз тилларида) китоблари, “Сабзавот, полиз ва картошка экинларининг нав ва дурагайлари каталоги”, “Sabzavot, poliz va kartoshka ekinlarida tajribalar o‘tkazish uslubi” номли услубият нашр этилди.





Халқаро ҳамкорлик

Институт дунёнинг етакчи халқаро марказлари, илмий-тадқиқот институтлари, сабзавот ва картошкачилик соҳасида фаолият юритаётган давлат ва хусусий компаниялар билан халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Охириги йилларда институт 10 дан ортиқ мамлакат ташкилотлари билан ҳамкорлик ишлари олиб бормоқда.

Институт олимлари Халқаро Картошкачилик Маркази (CIP, Перу), Халқаро Сабзавотчилик Маркази (WorldVeg, Тайвань), Кореянинг халқаро KOICA ташкилоти, Кореянинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш маркази (RDA, KOPIA), Голландия, Польша, АҚШ, Германия, Бутунроссия сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти (ВНИИССОК), Қозоғистон картошкачилик ва сабзавотчилик илмий-тадқиқот институти, Озарбайжон сабзавотчилик институти ва бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қиладилар.

RDA (Ж. Корея) генбанкдан сабзавот экинлари гермоплазмасини келтириш, иссиқхоналарда сабзавот етиштиришнинг замонавий технологиялари борасида ёш кадрларни тайёрлаш бўйича ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, институт Корея Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Марказининг (RDA) Ўзбекистондаги KOPIA лойиҳаси билан ҳамкорликда “Картошқа навларини ўрганиш ва бирламчи уруғ (манбасини) етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

KOPIA (Ж. Корея) замонавий техника воситалари ва лаборатория асбоб-ускуналар билан таъминлашга, Корея дизайннинг осонгина ўрнатилган, икки қатлам плёнкали иссиқхоналарини қуришга, етакчи корейс олимлари ва мутахассисларининг тақлифига биноан илмий-амалий семинарларни ташкил этишга, Корея Республикасининг етакчи ихтисослашган илмий муассасаларида ёш олимлар ва мутахассисларнинг малакасини оширишга кўмаклашади.

2005 йилдан институт Халқаро картошкачилик Маркази (CIP, Перу) билан ҳамкорликда картошқа селекцияси бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. Картошқа навларини яратиш учун янги дастлабки манба уруғлари келтирилди ва селекция ишлари кенгайтирилди. Натижада картошкани “Пском”, “Сарнав”, “Серҳосил” навлари яратилди ва давлат реестрига киритилди. Фермерларга қатор қўшма семинарлар ва ёш олимлар учун картошкачиликка оид тренинглар ҳам ўтказилди.

Халқаро сабзавотчилик маркази (WorldVeg, Тайван) билан ҳамкорликда сабзавот экинлари бўйича унинг генбанкдан келтирилган янги гермоплазма асосида селекция бўйича ишлар олиб борилди ва бақлажоннинг “Фируз” нави, аччиқ қалампирнинг “Сави”, помидорнинг “Матонат”, бодрингнинг “Ифор” ва “Шабнам” янги навлари яратилди ва давлат реестрига киритилди.

Помидорни вегетатив пайвандлаш бўйича ҳамкорликда тадқиқотлар олиб борилди. Ёш тадқиқотчиларнинг малакасини ошириш мақсадида ҳар йили тренинглар, шунингдек қўшма семинарлар ва фермер кунлари ташкил этилди.



Бутунроссия сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда помидор, карам, дайкон, исмалоқ, петрушка, фенхел, салатбоп шолғом, селдерей каби экин навлари яратилди ва давлат реестрига киритилди.

Институтда илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш, олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини халқаро миқёсда ташкил этиш мақсадида Япониянинг JICA халқаро ҳамкорлик агентлиги билан илмий ҳамкорлик алоқаларни ўрнатиш мақсадида ташкилий ишлар амалга оширилмоқда.

2017 йилда Институт AQШнинг USAID (DAI), Япониянинг JICA, Индонезиянинг Богор қишлоқ хўжалиги университети, Белоруссиянинг картошкачилик ва мева-сабзавотчилик маркази, Россиянинг сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтлари билан халқаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди ва меморандумлар имзоланди.

Ушбу ташкилотлар билан илмий ишланмаларни тарғиб қилишга қаратилган кичик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Институт AQШнинг USAID (DAI) ташкилоти билан "Картошка етиштириш технологияси ҳамда унинг касалликлари ва зараркундаларига қарши кураш бўйича тавсиянома", "Помидор етиштириш технологияси ва унинг асосий зараркундаларидан помидор қуясига вақтинчалик қарши кураш усуллари бўйича тавсиянома"ларини chop этиш учун тайёрлади. Ушбу амалга оширилган кичик лойиҳалар келажақдаги катта таълимли ва қамровли лойиҳаларни амалга оширишга замин бўлиб хизмат қилади.



Созлом микротуганак уруғлик картошка етиштириш бўйича дала тажрибалари



Ж. Корея делегациясининг таширифи



Уруғлик картошкани томчилатиб касалликларни қўшма лойиҳа бўйича Ж. Корея делегацияси таширифи



Жаҳон Сабзавотчилик Маркази Бош директори Д. Китингнинг институтга таширифи



Институтда 2019 йилда жами 5 та меморандум ижроси бўйича ташкилий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Жумладан:

Россия Федерациясининг В. Л. Лорх номидаги Бутунроссия картошкачилик ҳужалиги илмий-тадқиқот институти билан 2019 йил 19 февралда тузилган меморандумга биноан баҳорги ва ёзги муддатда Россия селекциясига мансуб 5 та картошканинг “Жуковский ранний”, “Удача”, “Крепыш”, “Метеор” ва “Гулливер” навларининг синаш ишлари амалга оширилди.

Россия Давлат Федерал илмий-тадқиқот бюджет муассасаси — “Сабзавотчилик Федерал илмий маркази” билан 2019 йил 19 февралда тузилган меморандумга асосан 8 хилдаги сабзавот уруғларининг 95 хил нав намуналари олиб келинди ва дастлабки синов ҳамда ўрганиш ишлари бошлаб юборилди. Институтнинг Сурхондарё илмий-тажриба станцияси ва Тошкент тажриба участкаларида Россиядан олиб келинган сабзавот экинларининг уруғлари экилиб синалди.

Белоруссия Республикаси РУП “Институт овощеводства” (Сабзавотчилик институти) билан 2019 йил 18 июнда тузилган ҳамкорлик меморандумига асосан Беларуссия селекциясига мансуб 8 та картошка навларининг Тошкент тупроқ-иқлим шароитида синов ишлари олиб борилди ҳамда *in-vitro* усулида 5000 дона оригинал микро ва мини туганакларини кўпайтириш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, Беларуссия селекциясига мансуб 45 та сабзавот, 6 та полиз экинлари келтирилди ва кечги муддатга мослари экиб ўрганилди.

Хитойнинг Zhengbei Bayuan Potato Development Co., LTD билан 2019 йил 10 майда тузилган меморандумга асосан ёзги муддатда Хитойдан 3 та картошка навидан 150 дона вирусдан холи мини туганакларининг синов ишлари амалга оширилди.

Озарбайжон Республикасининг Сабзавотчилик илмий-тадқиқот институти билан 2019 йил 11 октябр тузилган меморандум бўйича икки томоннинг маҳаллий сабзавот нав намуналари алмашилди ва синов ишлари олиб борилди.

Институтда 2019 йилда хорижий ташкилотлар грант маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар мавжуд эмас. Бироқ, Европа иттифоқининг “Ўзбекистон қишлоқ хуудларини барқарор ривожлантириш” дастури доирасида молиялаштирилган лойиҳа ижрочилари бўлган Германиянинг “GIZ”, Франциянинг “Adecia”, Италиянинг “A.I.A”, Болгариянинг “CEED” халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликда 2017–2019 йилларга мўлжалланган илмий-амалий лойиҳа иш дастурига кўра, 2019 йилда Андижон илмий-тажриба станция тажриба майдонида, баҳорги ва кузги мавсумда картошканинг Франция давлатидан келтирилган “Ауреа”, “Флорис”, “Спунта”, “Универса”, “Дезира”, “Пассион” жами 6 та навлари экилиб, дала тажрибалари олиб борилди. Шунингдек, тажрибада ушбу навларнинг Андижон вилояти тупроқ-иқлим шароитига мослиги, ҳосилдорлиги, касаллик ва зараркундаларга чидамлилиги атрофлича ўрганилди. Шу каби илмий-амалий ишлар Андижон илмий-тажриба станцияси олим ва мутахассислари назорати остида Булоқбоши туманидаги “Эко Агро Плюс”, Жалақудуқ туманидаги “Тохиржонов Умиджон даласи”, шунингдек, Наманган вилояти Янгиқўрғон

туманидаги “Шохрухбек Озода Фаррухбек” фермер хўжаликларида ҳам дала тажрибалари олиб борилди.

Шунингдек, Франциялик картошкачилик бўйича мутахассиси, халқаро эксперт, фитопатолог Мишель Малье иштирокида кўргазмали ўқув семинарлари ташкил этилди. Ўқув семинарида фермер хўжалиги раҳбарлари, шахсий томорқа эгалари ҳамда профессор-ўқитувчи ва талабалари фаол қатнашиб, ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Япониянинг The Musashino Seed Co. Ltd. компанияси билан 2019 йил декабр ойида тузилган меморандум ва шартнома асосида оқбош карам, гулкарам, сабзи, пиёз, рак чойи, чи кале, чои сум каби анъанавий ва ноанъанавий сабзавотларнинг дурагай уруғчилиги бўйича синовлар амалга оширилди.

The Musashino Seed Co.Ltd. компанияси (Япония) билан анъанавий ва ноанъанавий сабзавотларнинг дурагай уруғчилиги бўйича бугунги кунда пиёз экинидан уруғ олиш бўйича тажрибалар давом эттирилмоқда. 2021 йил давомида илмий-тажрибалар Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ва унинг тажриба станцияларида давом эттирилмоқда.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида бир неча йиллардан буён чет эл ташкилотлари, лойиҳалари ва илмий муассасалари билан халқаро алоқаларни ўрнатиш, уларни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликда илмий-тадқиқот изланишларини олиб бориш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилди.

Туркиянинг “Natural Zemin ve Peyzaj” компанияси билан сабзавот экинлари навларини синаш, уруғчилиги бўйича ҳамкорлик ўрнатиш бўйича тадқиқотлар олиб боришга келишиб олинди ва 5 та экин бўйича тадқиқотлар ташкил этилиб, давом эттирилмоқда.

Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти (GIZ) билан Андижон ИТСда сабзавот, картошка экинлари бўйича ҳамкорликда лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Россия Федерацияси “Сабзавотчилик Федерал илмий маркази” федерал давлат бюджет илмий муассасаси билан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ўртасида илмий-техник ҳамкорлик туғрисидаги меморандум имзоланди.

Россия Федерациясининг Федерал Давлат бюджет илмий муассасаси И. В. Мичурин номидаги Федерал илмий маркази” билан Сабзавот, полиз экинлари



Россия Федерациясининг Федерал Давлат бюджет илмий муассасаси “Сабзавотчилик Федерал илмий маркази” директори А. Солдатенко билан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори Р. А. Низомов келишуви

ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ўртасида илмий-техник ҳамкорлик туғрисидаги меморандум имзоланди.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Андижон илмий-тажриба станцияси томонидан Қирғизистон Республикасининг “Новқат” картошкачилик кооперативи ва “TES-senter” маслаҳатлашув ва ўқув маркази билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди. 2021 йилда супер-элита ва элита авлодли уруғлари Қирғизистон Республикасининг Новқат ва Олой туманларидаги уруғлик картошка етиштирувчи фирмаларидан олиб келинди ва Андижон илмий-тажриба станциясида ташкил этилган “Инновацион агросервис” картошка уруғчилик кооперативи майдонига экилди. Етиштирилган уруғлик картошка дехқон ва фермер хўжаликларига сотилади. “Инновацион агросервис” картошка уруғчилик кооперативининг картошкани қайта ишлиб чиқарувчи мини заводида қайта ишланиб, тайёр чипс маҳсулот қилиб сотилади.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИДа Венгриянинг “Hungarian University of Agriculture and Life Sciences — Potato Research Center”, Япониянинг The Musashino Seed Co.Ltd. компанияси, Туркиянинг Оқ Дениз университети билан биокимёвий моддалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Merkez Anadolu Kimya” қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилигига ихтисослашган “Natural Zemin ve Peyza” ва “Natural” “Anamas Tohum” компаниялари, Туркиянинг ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги ТИКАнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти (GIZ), Россия Федерациясининг Федерал Давлат бюджет илмий муассасаси “Сабзавотчилик Федерал илмий маркази”, Россия Федерациясининг Федерал Давлат бюджет илмий муассасаси “И. В. Мичурин номидаги Федерал илмий маркази” билан ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Туркиянинг ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги ТИКАнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Джемалиттин Туней билан иссиқхона сабзавотчиликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар бўйича ишлар ташкил этилди.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ва Туркиянинг ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги ТИКАнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорлик ишлари юқори даражада йўлга қўйилган. Агентлик кўмаги билан институтда сабзавот, полиз ва картошкачилик соҳасидаги ходим ва мутахассислар малакасини ошириш марказининг 6 та хона ва 1 та катта маъруза хонаси ортектика ва мебеллар билан тўлиқ жиҳозлаб берилди, шунингдек, институтнинг 0,95 гектар иссиқхона комплексида реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди.

Институтда 2022 йил 28 март кунидан бошлаб Туркиянинг ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги ТИКА билан ҳамкорликда Туркиялик олимлар иштирокатида картошкачилик соҳасига бағишланган 5 кунлик ўқув-семинар ташкил этилди.

Туркиянинг ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги ТИКА томонидан Туркия давлатидан 5 та картошка навлари уруғлари, ҳар бири 1 донадан картошка йиғиш машинаси, картошка экиш машинаси, картошка ўсимлиги атрофига тупроқ уйиш ва эгатларни юмшатиш машинаси, ўғитлаш машинаси, ёмғирлатиб озиқлантириш машиналари олиб





Туркиянинг ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА)нинг Ўзбекистонда картошкачиликни янада ривожлантириш бўйича техник кумаги

келинди. Шунингдек, Туркия давлатидан 5 та “Leventbey”, “Onaran-2015”, “Nahita”, “Nigsah”, “Alegria” картошка навлари уруғлари илмий мақсадда Ўзбекистонга олиб келинди.

2022 йилда Жанубий Кореянинг “ISU Chemical Co., Ltd.” бош директори Kyoungsoo Lee жаноблари билан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти “Smart Farming” ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва Ўзбекистон “Smart Farming” майдонини кенгайтириш ҳамда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида ўзаро англашув меморандуми имзоланди ва институт кучатхона лабораториясига ушбу технология жорий қилинди.

2021 йил 17 февралда Венгриянинг “Hungarian University of Agriculture and Life Sciences — Potato Research Center” ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти



Жанубий Кореянинг “ISU Chemical Co.Ltd.” делегацияси ва институт ходимлари

ўртасида Будапешт шаҳрида имзоланган ҳамкорлик шартномасига асосан Венгрияда 6 та картошка нав намуналари келтирилди ва синаш ишлари олиб борилди.

Ўзбекистон-Венгрия картошкачилик илмий маркази Давлат хизматлари марказининг Тошкент вилояти бошқармаси томонидан 2022 йил 31 январ куни 1091073-сон билан “Давлат муассасаси” сифатида рўйхатдан ўтказилиб юридик муассаса сифатида Гувоҳнома олинди. 4 февраль куни марказга Давлат хизматлари агентлиги томонидан муҳр тақдим этилди. 2021 йил декабр ойида “Demon”, “Botond”, “Balatoni Rozsa”, “Balatoni Sarga”, “White Lady” каби картошка навлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрининг истиқболли навлар рўйхатига киритилди.

Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазирлиги ҳамкорликдаги эълон қилинган “Ўзбекистон-Венгрия” стартап ва илмий лойиҳалар танловига тақдим этилган “Сабзавот ва полиз экинларининг маҳаллий навлари бирламчи уруғчилигини ташкил этиш (Венгрия тажрибаси асосида)” мавзусидаги инновацион лойиҳаси 2022–2023 йилларда амалга оширилди.

Венгрия қишлоқ хўжалиги ва ҳаёт фанлари университети билан тузилган ҳамкорлик меморандумига ҳамда Венгриялик ҳамкорлар билан олиб борилган музокаралар натижасига асосан картошканинг Венгрия селекциясига мансуб “Botond”, “Balatoni rozsa”, “Balatoni Sarga”, “Demon”, “White Lady” навларидан мини тугунаклари Ўзбекистонга илмий мақсадда олиб келинди ва ҳозирда уруғлик картошка етиштирилмоқда.

Институт халқаро ҳамкорликни ўрнатиш мақсадида турли мамлакатлар делегация вакилларини кутиб олиб, институт фаолияти ҳақида таништириб боради.



Тожикистон Республикаси делегациясининг институтга ташрифи (2022 й)

Институт ривожланишида ўз ҳиссасини қўшган олимлар

Аббосов Абдулазиз Маҳмудович. ЎзСПЭ ва КИТ Институтда 1962 йилдан илмий ходим. 1982 йилдан сабзавот навшунослиги лабораторияси мудир ва 1993 йилдан илмий ишлар бўйича директор муовини. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. А. М. Аббосов илмий фаолияти давомида бодринг, пиёз, карам, сабзи, помидор ва кўкат сабзавотларининг янги нав ва дурагайлари яратиш, республика бўйича экологик синовларни олиб бориш, яратилган нав ва дурагайлар уруғчилигини ташкил этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борган. Дунёда ун-шудринг касаллигига чидамли бодринг навларини яратиш бўйича илмий ишларга ўтган асрнинг 50-йилларида бошланган. А. М. Аббосов ушбу вазифанинг ечимини топиш мақсадида ун-шудринг касаллигига чидамли бодринг навларини яратиш мақсадида селекция ишларига асос солган, бодрингнинг F1 "Хосилдор" (1985) дурагайи, "Гулноз" (1994), "Наврўз" (2002), "Зиллол" (2008), "Сафар" (2011) навлари, пиёзнинг "Истиқбол", "Сафар", "Сумбула" навларининг, карам, сабзи, помидор, укроп, кашнич ва салатнинг биттадан, жами — 12 та навнинг муаллифи.



Азимов Ботир Жўраевич. Профессор Б.Ж. Азимов 1956–1961 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалик институтига Мева-сабзавотчилик ва узумчилик факультетида ўқиган. 1961 йил Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий тадқиқот институтига ишга кирган. Б.Ж. Азимов дастлаб ўз фаолиятини лаборант, катта лаборант, кичик илмий ходим вазифасидан бошлаган.

1968 йилда қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди ва 1991 йилда қишлоқ хўжалиги фанлари докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган ҳамда 1993 йилда унга профессор унвони берилди.

1992–1997 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Академияси академик котиби ва 1997 йили БМТ тасарруфидаги Халқаро Информатизация академиясига академик этиб сайланди. Б.Ж. Азимов фаолияти давомида 1992–2002 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлар академиясининг Ўсимликшунослик Бирими бошлиғи лавозимида ишлаган. 2010–2014 йилларда Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик ИТИ да



лойиҳа раҳбари, 2014–2018 йилларда Сабзавот, полиз экинлари ва картошка агротехнологияси лабораториясига мудир ва ҳамда ушбу лабораторияда 2019–2020 йилларда катта илмий ходим лавозимида фаолият юритган.

Шунингдек, Б.Ж.Азимов 1985–1991 йилларда ўриндошлик асосида Тошкент давлат аграр университетида Сабзавотчилик кафедраси профессори лавозимида ва 1992–1996 йилларда ТДАУ да докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган Илмий Кенгашига раислик қилган.

Профессор Б.Ж.Азимов ўзининг илмий ва педагогик фаолияти давомида талабалар, магистрлар ва тадқиқотчилар учун 270 дан ортиқ беқийс илмий манбаалар яратди. Жумладан 4 та монография, 40 дан ортиқ Сабзавотчиликка оид илмий тавсиянома ва рисоалар ҳамда илмий ишланмалар ишлаб чиқаришга жорий этилган. Чоп этирган “Сабзавот экинларининг биологияси” (2001 й.) дарслиги, “Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтқизиш методикаси” (2002 й.) ва “Тажриба натижаларининг статистик таҳлили” (2006 й.) методик қўлланмалари бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадқиқотлар томонидан бажарилаётган илмий тадқиқот ишларида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Профессор Б.Ж.Азимов етук олим сифатида ўз илмий мактабини яратди, унинг раҳбарлигида 3 та фан доктори ва 3 та фан номзодлари диссертацияларини мувофақиятли ҳимоя қилди ҳамда бугунги кунда шогирдлари у яратган илмий мактабни давом эттириб, Республикада қишлоқ хўжалигида илм-фан ва илмий салоҳиятни юксалтиришга ҳисса қўшиб келмоқда.

Профессор Б.Ж. Азимовнинг илм-фанга ва Республикада қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси фидокорона меҳнатларини Ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, 1992 йилда Ўзбекистон Мустақиллигининг 1 йиллиги муносабати билан “Мустақиллик” нишони, 1994 йилда “Шухрат” медали, 2012 йилда Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан яна бир бор “Мустақиллик” нишони билан тақдирланган.



Азимов Фарход Жураевич. 1957–1962 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти талабаси. 1962–1983 йилларда физиология лабораториясида кичик илмий ходим лавозимида фаолият олиб борган. Сабзавотчиликда микроэлементлар, ўсув стимуляторларини қўллаш, соғлом ва касал ўсимликлар физиологияси, уруғларнинг униб чиқиш физиологиясини ўрганишга катта ҳисса қўшган. Иш фаолияти давомида 13 дан ортиқ илмий-амалий мақолалар чоп этган.



Аймаков А. Р. 1982–1984 йилларда А. Р. Аймаков ва С. И. Болылаков помидор меваларини йиғишда СКТ-2 комбайнини синаш тажрибасини олиб боришда математик ҳисобларни режалаштириш, комбайнни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

Акбаров Саидмансур Акбарович. 1949 йил 1 январда Тошкент шаҳрида туғилган. 1966–1972 йилларда Тошкент Давлат Университетини тамомлаган. 1976 йилда ЎзСПЭ ва КИТ институтида катта лаборант, 1978–1980 йилларда аспирант, 1981 йилда кичик илмий ходим, 1984 йил катта илмий ходим, 1986 йил қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, қовуннинг “Феруз” навининг муаллифи.

Алиев Эркин. 1968–1998 йилларда сабзавот, полиз экинлари селекцияси лабораториясида илмий ходим. Э. Алиев томонидан сариқ сабзининг “Нурли-70” (1993 й.), қизил сабзининг “Зийнатли” (1999 й.) навлари яратилди. 1978–1998 йилларда Э. Алиев томонидан селекция ишлари олиб борилиб, карамнинг “Саодат” (1984 й.), ўртапишар “Саратон” (1995 й.) ва кечпишар “Шарқия-7” (2002 й.) навлари яратилди.



Алимуҳамедов Сайидмурод Султонович. Биология фанлари номзоди. “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик фидойиси” ва “Меҳнат фахрийси” II даражали кўкрак нишони билан мукофотланган.

1977–1980 йилларда Т. С. Зайцев номидаги пахтачилик селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти кундузги бўлим аспирантурасида ўқиб, 1984 йилда “Изучение водорас- соримых маркерных белков семян хлопчатника G. Hirsutum и



Аминов Шермуҳаммад Қамбаралиевич. Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти мустақил тадқиқотчиси. Институтнинг Андижон илмий-тажриба станциясида 2016 йилдан буён станция директори вазифасида ишлаб келмоқда. Бататнинг 2 та, исмалоқнинг 2 та, бодрингнинг 6 та, помидорнинг 3 та, жағ-жағнинг 1 та, райхоннинг 1 та, жамбилнинг 1 та, пиёзнинг 1 та ва турпнинг 1 та навларига ҳаммуаллиф ҳисобланади. Шунингдек ғўзанинг истиқболли “Истиқлол-14” навининг ҳаммуаллифи ҳисобланади.

2016–2021 йилларда Ш. К. Аминов томонидан помидорнинг ҳар хил муддатда пишадиған, истеъмол ва қайта ишлашга мос, юқори ҳосилли, тупроқ иқлим шароитига мос (иссиққа чидамли) бўлган “Найман” (2019), “Дарё” (2019), “Барлос” (2019) навлари, бодрингнинг иссиқхона ва очиқ майдонлар учун “Сардор- F_1 ” (2018), “Баҳора- F_1 ” (2018), “Дурафшон- F_1 ” (2018), “Дояра- F_1 ” (2019), “Ширин- F_1 ” (2019) ва “Эзгу- F_1 ” (2022) дурагаи яратилди.

Исмалоқнинг “Ҳосилдор” (2018) ва “Ҳосилдор-1” (2018) навлари, батат ширин картошкасининг “Хазина” (2018) ва “Хазина-1” (2018) навлари яратилди. Жағ-жағ ўсимлигининг “Барра” (2018) нави, райхоннинг “Ихлос” (2022) нави, жамбилнинг “Хуштаъм” (2022) нави, пиёзнинг “Қизил шаҳзода” (2022) нави ҳамда турпнинг “Мурод” (2022) навлари яратилди.

Арамов Музаффар Ҳошимович. 1953 йил туғилган. Қишлоқ ўқувчилиги фанлари доктори, профессор. 1994 йилдан ҳозирги пайтгача СПЭ ва КИТИ Сурхондарё илмий-тажриба станцияси директори лавозимида ишлаб келмоқда. Тадқиқотларининг асосий йўналишлари: сабзавот экинлари селекцияси, интродукцияси, уруғчилиги. 1980 йилда собиқ Бутуниттифоқ сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги ИТИ (Москва вилояти) қишлоқдаги илмий кенгашда “К вопросу селекции томата на пригодность к механизированному возделыванию и машинной обработке” мавзусидаги диссертацияни ҳимоя қилган ва қишлоқ ўқувчилиги фанлари номзоди илмий даражасини олган. 1994 йилда Россия ўсимликшунослик ИТИ да (Санкт-Петербург шаҳри) “Генетические основы селекции томата на устойчивость к патогенам и адаптивную способность” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Шу пайтгача унинг муаллифлигида сабзавот экинларининг 36 та нав ва дурагайлари, жумладан помидорнинг 12 та, бақлажоннинг 2 та, ширин қалампирнинг



Аминов Шермухаммад Қамбаралиевич. Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти мустақил тадқиқотчиси. Институтнинг Андижон илмий-тажриба станциясида 2016 йилдан буён станция директори вазифасида ишлаб келмоқда. Бататнинг 2 та, исмалоқнинг 2 та, бодрингнинг 6 та, помидорнинг 3 та, жағ-жағнинг 1 та, райхоннинг 1 та, жамбилнинг 1 та, пиёзнинг 1 та ва турпнинг 1 та навларига ҳаммуаллиф ҳисобланади. Шунингдек ғузанинг истиқболли “Истиқлол-14” навининг ҳаммуаллифи ҳисобланади.



2016–2021 йилларда Ш. К. Аминов томонидан помидорнинг ҳар хил муддатда пишадиган, истеъмол ва қайта ишлашга мос, юқори ҳосилли, тупроқ иқлим шароитига мос (иссиққа чидамли) бўлган “Найман” (2019), “Дарё” (2019), “Барлос” (2019) навлари, бодрингнинг иссиқхона ва очиқ майдонлар учун “Сардор-Ғ” (2018), “Баҳора-Ғ” (2018), “Дурафшон-Ғ” (2018), “Дояра-Ғ” (2019), “Ширин-Ғ” (2019) ва “Эзгу-Ғ” (2022) дурагайи яратилди.

Исмалоқнинг “Ҳосилдор” (2018) ва “Ҳосилдор-1” (2018) навлари, батат ширин картошкасининг “Хазина” (2018) ва “Хазина-1” (2018) навлари яратилди. Жағ-жағ ўсимлигининг “Барра” (2018) нави, райхоннинг “Ихлос” (2022) нави, жамбилнинг “Хуштаъм” (2022) нави, пиёзнинг “Қизил шаҳзода” (2022) нави ҳамда турпнинг “Мурод” (2022) навлари яратилди.

Арамов Музаффар Ҳошимович. 1953 йил туғилган. Қишлоқ фақлиги фанлари доктори, профессор. 1994 йилдан ҳозирги пайтгача СПЭ ва КИТИ Сурхондарё илмий-тажриба станцияси директори лавозимида ишлаб келмоқда. Тадқиқотларининг асосий йўналишлари: сабзавот экинлари селекцияси, интродукцияси, уруғчилиги. 1980 йилда собиқ Бутуниттифоқ сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги ИТИ (Москва вилояти) институтидаги илмий кенгашда “К вопросу селекции томата на пригодность к механизированному возделыванию и машинной обработке” мавзусидаги диссертацияни ҳимоя қилган ва қишлоқ фақлиги фанлари номзоди илмий даражасини олган. 1994 йилда Бутуниттифоқ ўсимликшунослик ИТИ да (Санкт-Петербург шаҳри) “Эколого-генетические основы селекции томата на устойчивость к болезням и адаптивную способность” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Шу пайтгача унинг муаллифлигида сабзавот экинларининг 36 та нав ва дурагайлари, жумладан помидорнинг 12 та, бақлажоннинг 2 та, ширин қалампирнинг



3 та, ош лавлагининг 2 та, салатбоп шолғомнинг 2 та, оқбоз карам, арпабодиён, саримсоқ, барг шолғом, исмалоқ, петрушка сельдерей, дайкон, сабзи, пиёзнинг биттадан навлари яратилган. ФГБНУ “Федерал сабзавотчилик илмий маркази” (собиқ ВНИИССОК) олимлари билан ҳамкорликда помидорнинг “Аллен-2001”, “Спринт”, мелиссининг “Дозя”, майораннинг “Термос”, артишокнинг “Красавец” навлари яратилиб, Россия Федерацияси селекция ютуқлари давлат реестрига киритилган. Артишокнинг “Жануб гузали”, саримсоқнинг “Жануб”, “Сурхон воҳаси”, рокамбольнинг “Барака”, бодрингнинг “Ғалаба”, райхоннинг “Гулчаман” навларига патент олинган.

Институтда навшунослик лабораториясида 1961–2020 йилларда катта илмий ходим бўлиб ишлайди. Помидорнинг 12 та, ширин қалампирнинг 3 та ва бақлажон, укроп, кашани биттадан навининг муаллифи. Республикада хизмат кўрсатган к/х ходими, ихтирочи унвонларига эга.

У томонидан 450 та илмий мақолалар, 4 та монография, 3 та дарслик, 4 та ўқув қўлланма чоп этилган. Унинг раҳбарлигида 7 та фан номзоди ва 2 та фан доктори етиштирилган.



Арипова Шахноза Раҳмановна. Арипова Ш. Р. 2022 йилдан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Ноанъанавий экинлар селекцияси ва интродукцияси лабораторияси мудир лавозимида ишлаб келмоқда.

Арипова Ш. Р. Тошкент давлат аграр унiversитетини 2005–2012 йилларда бакалавр ва 2012–2014 йилларда магистратура бўлимида ўқиган. 2015–2018 йилларда Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти сабзавот ва полиз экинлари селекцияси лабораториясининг тажриба орттирувчи тадқиқотчи ва 2018–2019 йилларда кичик илмий ходим, 2019–2021 йилларда институт таянч докторанти бўлган.

Фаолияти давомида профессор Дусмуратова Саодат Исмоиловна раҳбарлигида республикамизнинг турли иқлим ва тусоқ шароитларидан келиб чиққан ҳолда истиқболли қовоқ-анин “Орбита”, “Вириди” ва “Ҳилол” навларини яратган. Институтда 2015–2022 йиллар мобайнида 3 та амалий ва 1 та илмий-тадқиқот илмий тадқиқотларнинг муваффақиятли бажарилишида кичик илмий ходим сифатида ўз улушини қўшди. Ш. Р. Арипова кўрсаткич кунда мамлакатимиз учун янги бўлган 30 га яқин наънавий сабзавот экинларини интродукция қилиш ва янги наънавий

...ларни жорий қилиш мақсадида илмий-тадқиқот
...босмақда.

...қилиш мақсадида 2022 йил "Қовоқча (*Cucurbita
perо L.*) нав намуналарини танлаш ва уруғлик меваларини
етиштиришнинг технологик элементларини такомиллаштириш"
номли диссертация ишини мувафаққиятли ҳимоя қилиб, қишлоқ
хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини
олди.

Шунингдек, у томонидан сабзавот экинларини етиштириш
агротехнологияси, селекцияси ва уруғчилигига доир 57 та
илмий мақолалар хорижий ва республика журналлар ва анжу-
ман тўплам нашрларида чоп этилди. Ш. Р. Арипова "Қовоқча
(*Cucurbita perо L.*) мевалари ва уруғларини етиштириш техно-
логияси бўйича тавсиянома" қўлланмасининг ҳаммуаллифи,
"Брокколи ва брюссель карамини етиштириш ва "Салатбарг
етиштириш" оммабоп китоблари муаллифидир.

Аскаралиев Ҳайдарали. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди,
1963–2012 йилларда ўсимликларни касаллик ва зараркунанда-
лардан ҳимоя қилиш лабораториясида катта илмий ходим, лабо-
ратория мудир лавозимларида ишлаган. Сабзавот, полиз ва
картошка экинлари зараркунандаларига қарши кураш тизимини
ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшган.



Ҳамедзянова Ясмينا Гаязовна. 1940 йил Татаристонда

...дан лаборант ва илмий ходим бўлиб ЎзСПЭ
...картошка лабораториясида иш фаолиятини бошлаган.
...қашқар қишлоқ хўжалик институти мева-сабзавот
...томомлаган. Иш фаолияти даврида картошка
...ҳосил олиш, экиш муддатлари, сугориш ва
...картошка етиштиришда ботаник уруғлардан
...ларини ишлаб чиққан.



...иниқларни жорий қилиш мақсадида илмий-тадқиқот
...иқларни ўрганишда.

...иқларни 2013–2022 йиллар давомида олиб борган
...иқларни натижасида 2022 йил “Қовоқча (*Cucurbita*
...иқларни танлаш ва уруғлик меваларини
...иқларни технологик элементларини такомиллаштириш”
...иқларни ишини муваффақиятли ҳимоя қилиб, қишлоқ
...иқларни бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини

...иқларни, у помидондан сабзавот экинларини етиштириш
...иқларни, селекцияси ва уруғчилигига доир 57 та
...иқларни ва республика журналлар ва анжу-
...иқларни ва уруғларини етиштириш техно-
...иқларни тавсиянома” қўлланмасининг ҳаммуаллифи,
...иқларни ва “Ботаника” китоблари муаллифидир.

Ҳайдарали. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди,
...иқларни ўрганиш лабораториясида катта илмий ходим, лабо-
...иқларни давозимларида ишлаган. Сабзавот, полиз ва
...иқларни зараркундаларига қарши кураш тизимини
...иқларни катта ҳисса қўшган.



Ҳасминова Ёсмина Гаязовна. 1940 йил Татаристонда
...иқларни 1974 йилдан лаборант ва илмий ходим бўлиб ЎзСПЭ
...иқларни лабораториясида иш фаолиятини бошлаган.
...иқларни кишлоқ хўжалик институти мева-сабзавот
...иқларни томонлаган. Иш фаолияти даврида картошка
...иқларни қосил олиш, экиш муддатлари, суғориш ва
...иқларни картошка етиштиришда ботаник уруғлардан
...иқларни уруғларини ишлаб чиққан.





Аҳмедова Муниса Абдимажитовна. Аҳмедова М. А. 2003–2014 йилларда Тошкент давлат аграр университетиде бакалавр ҳамда 2018–2020 йилларда “Сабзавотчилик ва полизчилик” йўналишида магистратурани битирган.

2017–2020 йилларда СПЭ ва КИТИ институтда ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш лабораториясида стажёр-тадқиқотчи, 2020–2022 йилларда кичик илмий ходим лавозимида ишлаган.

М. А. Аҳмедова илмий фаолияти давомида б.ф.н., катта илмий ходимлар М. У. Холдорев ва С. С. Алимұхамедов раҳбарлиги остида сабзавот ва полиз экинлари ҳосилдорлигини оширишда уруғларга биологик, кимёвий ва наномикрозаррачалар билан ишлов бериш ва органик тоза маҳсулот етиштиришда лаборатория ва дала тажрибалари устида илмий изланишлар олиб борган.

Ҳозирги кунда М. А. Аҳмедова институт докторанти ҳисобланиб қ.х.ф.д., профессор С. И. Дусмуратова ва б.ф.н., катта илмий ходим М. У. Холдорев раҳбарлиги остида “Полиз экинлари ҳосилдорлигини оширишда уруғларга ишлов беришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги ўз илмий ишларини давом эттириб келмоқда.



Ашеров Иосиф Моисеевич. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Самарқанд таянч бўлимининг асосчиси ва 1968–1994 йилларда шу таянч бўлим раҳбари, қовоқнинг “Нон кади” (1993) нави яратган ва қовуннинг 1 та навининг муаллифи.



Байтўраев Қўчқор Исакович. 1946 йилда Тошкент вилояти Калинин туманида таваллуд топган. 1970 йилда Тошкент Давлат Университетининг тупроқ биологияси факультетига ўқишга кириб, 1975 йилда томонлаган. 1978 йилдан Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида картошкачилик бўлимида иш фаолиятини давом эттириб, 1981 йилда Н. И. Вавилов номидаги институтга мақсадли аспирантурага қабул қилинган ва 1984 йилда биология фанлари номзоди бўлган. У ҳосилдор учта 3 (9), 24 (1), БКИ ва бошқа дурагайлар яратган, 9 дан ортиқ илмий мақолалар chop этган.



Картошканинг янги навларини яратиш ва маҳаллий навлар уруғчилигини ташкил қилишга катта ҳисса қўшган.

Боқиев Акбар Бориевич. Иқтисод фанлари номзоди. 1961–1993 йилларда иқтисод лабораториясининг катта илмий ходими, лаборатория мудири, 1993–1998 йилларда институт директори, 1998–2005 йилларда иқтисод лабораторияси мудири лавозимларида ишлаган. Республикада сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликни ихтисослаштириш ва самарадорлигини янада ошириш йўлларини илмий асослаб берган олим. Боқиев Акбар Бориевич, 1938 йил 13 сентябрда Тошкент шаҳрида зиёли оилада туғилган. 1961 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини агроном мутахассислиги бўйича тугатиб, меҳнат фаолиятини Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида катта лаборант вазифасида бошлаб 1993 йилда мазкур институтнинг директори даражасига қадар кўтарилган. 1998 йил декабр ойидан бошлаб иқтисод лабораторияси мудири лавозимида фаолият юритган, ташкилотчилик қобилияти кучли, ҳар томонлама ўта иқтидорли иқтисодчи олим эди. Шу ўтган вақт давомида А. Б. Боқиев республика қишлоқ хўжалигининг муҳим ва долзарб масалаларини мустақил тадқиқ қилишда лаёқатли олим сифатида танилди. А. Б. Боқиев раҳбарлиги остида иқтисод лабораторияси илмий ходимлари республикамызнинг жамоа ва давлат хўжаликларида сабзавот етиштиришни ташкил этиш, сабзавот етиштириш ва картошка етиштиришнинг ихтисослашуви ва концентрацияси бўйича долзарб тадқиқотлар олиб борди, А. Б. Боқиев 100 дан ортиқ илмий мақолалар ва тўртта рисоаларнинг муаллифи ва ҳаммуаллифи бўлиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини келажақда ривожлантириш бўйича комплекс дастурни ишлаб чиқишда, иқтисодий самарадорликни ошириш учун катта аҳамиятга эга бўлган сабзавотчилик, картошка етиштиришни ривожлантириш бўйича кукуматимизнинг энг муҳим қарорларини тайёрлашда фаол иштирок этди, институт тажриба хўжалигида сабзавот етиштиришда бригада пудратини жорий қилишда ва технологик хариталар ишлаб чиқишда амалий ёрдам берди. А. Б. Боқиев меҳнат юнумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш, ихтисослаштирилган хўжаликларда ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиб, фан-техника ютуқларини жорий этиш асосида сабзавотчиликни жадаллаштиришни белгилаш йўлларини



яратди, картошка ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш самардорлигини, қовун ва сабзавот экинларини оқилона тақсимлаш усулларини илмий жиҳатдан исботлаб берди.



Бакурас Никос Сидерис. Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор. Республика сабзавотчилигини ривожлантиришда катта ҳисса қўшган етук мутахассис олим. Бакурас Никос Сидерис 1930 йил 26 октябрда Грецияда туғилган. 1956–1961 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг Боғдорчилик ва узумчилик факультетида ўқиган ҳамда 1961–1964 йиллар давомида ушбу институтни Сабзавот етиштириш кафедраси аспиранти бўлган. Н. С. Бакурас 1964 йилда СПЭ ва КИТИ да Иссиқхонада сабзавот етиштириш лабораториясида иш бошлади ва 1965 йилда селекция бўлимига катта илмий ходим сифатида кўчирилди. Н. С. Бакурас 1972–1978 йилларда Ҳимояланган ерлар бўлими бошлиғи этиб тайинланди. 1978–1979 йилларда илмий ишлар бўйича директор, 1979–1991 йилларда Ҳимояланган ерлар лабораториясида, 1973 йилда унга қишлоқ хўжалиги фанлари доктори илмий даражаси ва 1978 йил 24 февралда “Сабзавотчилик” ихтисослиги бўйича профессор илмий унвони берилди. У докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган 20 дан ортиқ аспирантларни тайёрлади. 1975–1977 йилларда Н. С. Бакурас ва Д. Б. Джумаклычев билан биргаликда плёнка билан ҳимояланган тупроқ шароитида бодрингнинг уруғ ва кўчатларини экиш муддатларини ҳамда мақбул экиш схемасини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борган. Н. С. Бакурас Иссиқхоналарда етиштиришга мўлжалланган помидорнинг “Аве-мария”, “Гулқанд” навлари, 1977 йилда селекционер К. К. Луценкова билан биргаликда бодрингнинг “Ветерок-800” навининг ҳаммуаллифи.



Балашов Николай Николаевич. Хизмат кўрсатган фан арбоби, қишлоқ хўжалик фанлари доктори. 1934–1948 йилларда Ўзбекистон сабзавот-картошкачилик станциясида ишлаган. Ўзбекистонда картошка етиштириш бўйича илмий тадқиқотларнинг ва етиштириш технологияси асосчиси, картошка экинлари етиштириш бўйича бир неча монография ва сабзавотчилик китоблари муаллифи.

Банасис Фанасис Ахилеас. 1953–1958 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти талабаси. 1959–1961 йилда агрохимия ва физиология лабораториясида катта илмий ходим лавозимида фаолият олиб борган. Сабзавот, полиз ва картошка етиштиришда тупроқ унумдорлигини ошириш; ўсимликларни озиклантириш тизимини ишлаб чиқишда иштирок этган.



Баҳромов Ботир Баҳромович. (1950–2011) қ.х.ф.н., катта илмий ходим. Ширин қалампирнинг эртапишар ва сабзининг биринчи авлод F1 дурагайларини яратишда эркаклик бепушт шакллардан фойдаланиш йўналиши бўйича тадқиқотлар олиб борган. Ширин қалампирнинг эртапишар “Наргиза”, “Юлдуз” навлари ва “F1-Жайхун” дурагайи ҳамда сабзининг турли муддатларда етиштиришга мўлжалланган “Фаровон” навлари муаллифи. Б. Баҳромов томонидан 30 дан ортиқ мақолалар ва битта монография чоп этилган.



В. Ф. Бел-Кузнецова — қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, сабзавот, полиз экинлари селекцияси лабораториясининг асосчиси ва биринчи мудираси. 1933–1939 йилларда фаолият юритган, эртаги қовун навини яратиш бўйича иш олиб борган, “Ўзбекистон қовунлари” номли монография муаллифларидан бири.



Бережнова Валентина Васильвна. Биология фанлари доктори агрохимё ва маҳсулот сифат лабораторияси мудираси. 1954–1959 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти талабаси. 1961 йилдан агрохимия ва физиология лабораториясида катта лаборант лавозимида ишлаган. 1963–1966 йилда аспирантурани тамомлаган. 1972 йилда биология фанлари номзоди ва 1984 йилда биология фанлари доктори даражасини олган. 1968–1978 йиллар давомида физиология лабораториясида катта илмий ходим, 1978–1979 йилда илмий котиб лавозимида ишлаган. 1979 йилдан бошлаб шу лабораторияда катта илмий ходим лавозимида, 1981–2020 йилларда сифат лабораторияси мудираси лавозимида фаолият олиб борган. Сабзавот, полиз ва картошка етиштиришда сабзавот сифатини яхшилашнинг тупроқ унумдорлигини



Банасис Фанасис Ахилеас. 1953–1958 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти талабаси. 1959–1961 йилда агрохимия ва физиология лабораториясида катта илмий ходим лавозимида фаолият олиб борган. Сабзавот, полиз ва картошка етиштиришда тупроқ унумдорлигини ошириш; ўсимликларни озиклантириш тизимини ишлаб чиқишда иштирок этган.



Баҳромов Ботир Баҳромович. (1950–2011) қ.х.ф.н., катта илмий ходим. Ширин қалампирнинг эртапишар ва сабзининг биринчи авлод F1 дурагайлари яратишда эркаклик бепушт шакллардан фойдаланиш йўналиши бўйича тадқиқотлар олиб борган. Ширин қалампирнинг эртапишар “Наргиза”, “Юлдуз” навлари ва “F1-Жайхун” дурагайи ҳамда сабзининг турли муддатларда етиштиришга мўлжалланган “Фаровон” навлари муаллифи. Б. Баҳромов томонидан 30 дан ортиқ мақолалар ва битта монография чоп этилган.



В. Ф. Бел-Кузнецова — қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, сабзавот, полиз экинлари селекцияси лабораториясининг асосчиси ва биринчи мудираси. 1933–1939 йилларда фаолият юритган, эртаги қовун навини яратиш бўйича иш олиб борган, “Ўзбекистон қовунлари” номли монография муаллифларидан бири.



Бережнова Валентина Васильвна. Биология фанлари доктори агрохимё ва маҳсулот сифат лабораторияси мудираси. 1954–1959 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти талабаси. 1961 йилдан агрохимия ва физиология лабораториясида катта лаборант лавозимида ишлаган. 1963–1966 йилда аспирантурани тўлиқлаган. 1972 йилда биология фанлари номзоди ва 1984 йилда биология фанлари доктори даражасини олган. 1968–1978 йиллар лавозимида физиология лабораториясида катта илмий ходим, 1978–1979 йилда илмий котиб лавозимида ишлаган. 1979 йилдан бошлаб шу лабораторияда катта илмий ходим лавозимида, 1981–2020 йилларда сифат лабораторияси мудираси лавозимида фаолият олиб борган. Сабзавот, полиз ва картошка етиштиришда маҳсулот сифатини яхшилашнинг тупроқ унумдорлигини



инобатга олган ҳолда режалаштирилган ҳосилни олиш учун ўғитлар тури, миқдори, нисбати, бериш муддатлари ва чуқурлигини аниқлаш; тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлатилган ўғитларнинг экологик чегарасини белгилаш; бошоқли экинлардан сўнг сабзавот ва картошка экинларини маъдани ўғитлар билан озиқлантириш; янги турдаги ўғитларни ва ўсвостимуляторларини сабзавот, картошка ҳосили ва маҳсулот сифатига таъсири; физиологик фаол моддаларнинг сабзавот ҳосили ва сифатига таъсири каби илмий ишларнинг асосчиларидан Бережнова Валентина Васильевна фаолияти давомида 4 та илмий-амалий тўпلام, бир қанча тавсиянома, журнал ва илмий-амалий анжуманларда 100 дан ортиқ мақолалар чоп этган.



Борасулов Акмал Мирайимович 2010–2021 йиллар давомида Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг “Сабзавот экинлар селекцияси” лабораториясида лаборант, илмий-тадқиқотчи ва кичик илмий ходим лавозимларида фаолият юритган. Қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, доцент. Бодрингнинг очиқ ер майдонларида етиштириш учун мос, комплекс қимматли хўжалик белгиларига эга нав ва F1 дурагайлари яратиш йўналишида селекция ишлари олиб борган.

Тадқиқотлари натижасида бодрингнинг “Ифор” (2018), “Шабнам” (2019), “Мусаффо” (2020), “Жило” (2020), “Ғалаба” (2020) каби нав ва F1 дурагайлари яратган.

Василевский Виктор Николаевич. Ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилиш лабораториясининг кичик илмий ходими. 24 та илмий ишлар муаллифи. В. Н. Василевский 1984–1985 йилларда сабзавот экинларини қишлоқ хўжалиги зараркунандаларидан комплекс ҳимоя қилишда биологик усунининг энг муҳим бўғини сифатида энтомофагларни ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борган.



Василенко Павел Свиридович. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. 1941–1967 йилларда институтда фаолият олиб борган. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

Васиханова Сурайё Набиевна. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. 1982–1998 йилларда физиология ва сифат лабораториясида катта лаборант, кичик илмий ходим, 1998 йилдан бошлаб физиология ва сифат лабораториясида кичик илмий ходим лавозимида фаолият юритган. Сабзавот, полиз ва картошка етиштиришда бошоқли экинлардан сўнг сабзавот ва картошка экинларини маъданли ўғитлар билан озиклантириш; янги турдаги ўғитларни ва ўсув стимуляторларини сабзавот, картошка ҳосили ва маҳсулот сифатига таъсирини тадқиқ этишда иштирок этган. Васиханова Сурайё Набиевна фаолияти давомида бир қанча тавсиянома, журнал ва илмий-амалий анжуманларда 15 дан ортиқ мақолалар чоп этган.



Волков Владимир Яковлевич. 1961–1972 йилларда қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим, СПЭ ва КИТИ нинг Ҳимояланган ерлар лабораториясининг бошлиғи. Волков Владимир Яковлевич 1928 йил 4 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган. 1946–1951 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида ўқиган. 1952 йилда институтни тугатгандан сўнг Венгрия Халқ Республикасининг Бутуниттифоқ ўсимликларни етиштириш институтининг сабзавот экинлари бўлимига аспирантурага ўқишга кирган. 1955 йилда аспирантурани тугатгандан сўнг 1956 йилда сабзавот экинлари лабораториясида ВИР нинг Средневский филиалида кичик илмий ходим бўлиб ишлаган. 1955 йилда у "Иссиқхона бодринги уруғларининг ҳаётийлигини ошириш ва нав сифатларини яхшилаш усуллари" мавзусида диссертациясини ҳимоя қилди, унга биология фанлари номзоди илмий даражаси берилди. 1956–1960 йилларда у сабзавот экинлари лабораториясининг бошлиғи лавозимига Майкоп ВИР таъриба станциясига юборилди. 1960–1971 йилларда Сабзавот, полиз ва картошка илмий-тадқиқот институтига иссиқхоналарда сабзавот етиштириш бўлимига мудир лавозимига ўтказилиб,

6 та аспирант ва номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган абитуриентлар тайёрлади. 1970 йил “Ўзбекистонда иссиқхоналарда сабзавот экинларини етиштириш хусусиятлари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Олимлар билан ҳаммуаллифликда бодрингнинг 2 та ВИР-1 ва ВИР-2 сортларини яратди ва районлаштирди.



Ганиев Фарход Каюмович. Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Агротехнология ва механизация лабораториясининг мудири. Иш фаолияти давомида қуйидаги илмий ишланмаларни ишлаб чиққан: тўрт ғилдиракли, тўла узатмали, юқори клиренсли, олд ва орқа гидравлик оғир юкларга мослашган осмалар билан жихозланган, куввати кучайтирилган двигател ўрнатилган, юриш системаси 1400 ва 1800 мм кенгликда жойлашган сабзавот ва картошка экинлари қатор ораларида қўлланадиган ТТ3-100SP сабзавотчилик тракторнинг тажрибавий нусхаси яратилган; комбинациялашган машина — трактор агрегатлари базасида бирлаштирилган технологик жараёнлар билан картошка етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш мақсадида СПЭваКТИ, ҚҲМИТИ, “БМКБ-АГРОМАШ” АЖ, СКБ “ТРАКТОР” мутахассислари томонларидан ТТ3-100SP русумли сабзавотчилик трактори, РР-2,8 русумли ротацион юмшатгич, BShPS-2,8 штанга-брандспойтли пуркагич, РМ-1,4 палак-поя майдалагич, АОР-3/4-35 айланма плуг, КРО-4 русумли сабзавотчилик культиватори ва КС-4 русумли картошка экигичларнинг тажрибавий нусқалари ишлаб чиқилиб яратилган. Картошка етиштиришда далада бир маротаба юришида ишнинг агротехникавий сифатига зарар етказилмайдиган яратилган трактор ва унинг олди ва орқа гидроосма тизимига осиладиган мазкур техника воситалари ёрдамида қуйидаги комбинациялашган машина-трактор агрегатлари жихозланди: ўтмишдаги экинларидан қолган чиқиндиларни тракторнинг олди гидроосма тизимига осилган РМ-1,4 русумли поя-палак майдалагич билан майдалаб сочиш билан бир йўла тракторнинг орқа гидроосма тизимига осилган АОР-3/4-35 русумли айланма плугни ёрдамида тупроқни текис хайдаш; РР-2,8 русумли фронтал тупроқ ротацион юмшатгичда ер майдони хайдовдан сўнг тайёрлаш ва шу вақтни ўзида тракторнинг орқа гидроосма тизимига осилган картошка экигич билан картошка экиш ҳамда технологик ва суғориш ариқларини очиш; касаллик ва зараркунандагиларни

қарши тракторнинг олди гидроосма тизимига осилган BShPS-2,8 штанга брендспойитли пуркагич билан ўсимликларга ядохимикатлар аралашмаларини пуркаш ва бир йўла тракторнинг орқа гидроосма тизимига осилган КРО-4 русумли культиватор билан қатор ораларига ишлов бериш; тракторнинг олди гидроосма тизимига осилган РМ-1,4 русумли поя-палак майдалагичда картошка палагини майдалаб далага сочиш билан бир йўла далани юзасига тракторнинг орқага гидроосма тизимига осилган КН-2, КТН-2В ёки КСТ-1,4 русумли картошка ковлагичларда картошкани қазиб олиш каби бирлаштирилган технологиялар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари помидор, ширин қалампир, бақлажон ва бошқа сабзавот, полиз ва картошка экинларни бевосита очиқ далага уруғи билан экиш ва қора пленка билан мульчалош ҳамда эгатларни қора плёнка орқали мулчалаб ва бир йўла томчилатиб суғориш агротехнологиялари ишлаб чиқилган. У ҳаммуаллифликда 64 та илмий мақолалар, та монография, 2 та ихтиро патенти ва 1 та муаллифлик гувоҳномасини олган. Мы добавили этого ученого


Гулимов Собирбой 1947 йил 10 июлда Хоразм вилояти, Гурлан туманида туғилган. 1972–1975 йилларда Бутуниттифоқ Пахтачилик институтида аспирант. 1986–2003 йилларда Хоразм илмий-тажриба станцияси бошлиғи вазифасида ишлаган. 1971 йилда Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. Қовуннинг “Гурлан” (1998), “Амударё” (2000), “Гулоби Хоразмий” (2002), “Зар гулоби” (2002), “Саховат” (2007) навларининг муаллифи.



Джалимбетов Муса Аяпбергенович. 2022 йилдан СПЭ ва ИТИ ҚРИТС директори ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

М. А. Джалимбетов қ.х.ф.д., профессор С. И. Дусмуратова раҳбарлигида “Баҳорги ва ёзги экинда салатбоп ва баргли шолғомни Қорақалпоғистон Республикаси шароитида экиш мuddатларини аниқлаш” мазусида (PhD) фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тадқиқот ишларини олиб бормоқда. М. А. Джалимбетов томонидан 8 дан ортиқ мақолалар ва 1 та услубий тавсиянома чоп эттирилган.





Джуров Петр Горанов. 1931 йил 11 июлда Болгариянинг Туроковци қишлоғида таваллуд топган. 1963–1978 йилларда институтда катта лаборант, стажёр тадқиқотчи, кичик илмий ходим, аспирант, катта илмий ходим бўлим фаолият юритган. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. 1982–1992 йилларда институтнинг технология лабораторияси катта илмий ходими. 1995–2004 йилларда ҳимояланган майдон сабзавотчилиги, биотехнология лабораторияларида катта илмий ходим.



Дудко Полина Николаевна. 1937–1971 йилларда сабзавот, полиз экинлари селекцияси лабораторияси мудираси, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, катта илмий ходим лавозимларида ишлаган. Дастлаб Дудко П. Н. (1937–1971) томонидан пиёзнинг “Каба-132” (1946), “Самаркандский красный-172” (1949), “Маскиланский удлиненный” (1961) навлари яратилган. Оқ бош қарам бўйича биринчи селекционер Дудко П. Н. томонидан “Судан” (1946), “Узбекистан (1946), “Тошкент-10” (1957), “Ўзбекистон-133” (1957) навлари яратилди. Бу навлар бугунги кунда ҳам ишлаб чиқарилиб экилиб келинмоқда. Дудко П. Н. томонидан маҳаллий навлар популяциясидан яқка танлов билан “Кўй бош-476” (1939), “Ханларак кўкча-14” (1946), “Кўкча-588” (1949) навлари яратилган. Қовоқнинг 8 та, қарамнинг 3 та, пиёзнинг 2 та, қовоқни 1 та навлари муаллифи.



Ермолова Евгения Викторовна. Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди. Институтда навшунослик лабораториясида 1961 йилдан катта илмий ходим бўлиб ишлайди. Помидорнинг 12 та, ширин қалампирнинг 3 та ва бақлажон, укроп, кашниқнинг биттадан навининг муаллифи. Республикада хизмат кўрсатган қ/х ходими, ихтирочи унвонларига эга. 1963 йилдан 2020 йилгача помидор экини билан селекционер Е. В. Ермолова селекция ишлари олиб борди. Е. В. Ермолова томонидан помидорнинг ҳар йили муддатда пишадиған, истеъмолга, қайта ишлаш саноатига мос юқори ҳосилдор, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган “Восток-16” (1978), “Ўзбекистон-178” (1985), “Октябрь” (1982), “Прогрессивный” (1988), “ТМК-22” (1990), “Узмаш” (1991), “Роза Востока” (1999), “Тошкент тонги” (2000), “Баҳодир” (2001), “Авиценна” (2002), “Ширин Юлдузи” (2004), “Ситора” (2008), “Дархон” (2012) ва “Фарҳон” навлари яратилди. Селекционер томонидан ширин қалампирнинг эртапишар, ўртапишар, кечпишар, юқори ҳосилдор, истеъмолга



молга ва қайта ишлаш саноатига мос “Дар Ташкента” (1980); “Зумрад” (1992), “Заря Востока” (1994) навлари яратилди. 2010 йилда селекционер Е. В. Ермолова Мавлянова Р. Ф. билан ҳамкорликда аччиқ қалампирнинг “Саид” навини яратдилар. Е. В. Ермолова томонидан бақлажоннинг “Аврора” (1982) нави яратилди. 2011 йилда Мавлянова билан ҳамкорликда “Феруз” нави яратилди.

Ермохин Виктор Никифорович. Ўзбекистон зонал сабзавотчилик тажриба станциясининг биринчи раҳбари (1933–1936 йиллар), кўп йиллар илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, катта илмий ходим лавозимларида ишлаган. Республикада сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик ҳамда илмий-тадқиқот ишларининг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.



Жамолов Зариф Жалилович. 1936–1942 йилларда тажриба станцияси директори, станцияда илмий ишларнинг ривожланишига ва ишлаб чиқаришнинг гуллаб-яшнашига катта ҳисса қўшган.



Земан Георгий Оттович. Ўзбекистон зонал сабзавотчилик тажриба станцияси ташкилотчиларидан бири ва илмий раҳбаридир. Тожикистонда хизмат кўрсатган агроном.



Золинская Н. П. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди 1958–1961 йилларда агрохимия лабораториясига раҳбарлик қилган. Сабзавот, полиз ва картошка етиштиришда тупроқ унумдорлигини ошириш, ўсимликларни озиклантириш тизимини ишлаб чиқиш асосчиларидан бири.





Ибрагимов Ниғмон Усмонович. 1950 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1973 йил Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтини муҳандис-гидротехник мутахассислиги бўйича тамомлаган. 2004–2009 йилларда Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида картошка селекцияси ва уруғчилиги лабораториясида илмий ходим. 2009–2014 йилларда институтда уруғчилиги лабораториясида кичик илмий ходим, 2014–2019 йилларда нафақада. 2019 йилда Институтнинг тажриба участкасида сабзавотларни қайта ишлаш цех бошлиғи. 6 тада ортиқ илмий мақолалар муаллифи.



Иброҳимов Баҳодир Акмал ўғли. Қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, катта илмий ходим Иброҳимов Баҳодир Акмал ўғли Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида 2021 йилдан институтининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда. 2019–2020 йилларда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти таянч докторанти бўлган. Докторлик диссертациясини 2021 йилда Тошкент Давлат Аграр Университети хузуридаги илмий кенгашда “Ноанъанавий сабзавот экинларидан бамия интродукцияси, уни етиштириш технологиясининг айрим элементларини такомиллаштириш (Тошкент вилояти мисолида)” мавзусида 06.01.06 — “Сабзавотчилик” ихтисоси бўйича диссертациясини ҳимоя қилган. Б. А. Иброҳимов кўп йиллик тадқиқотлари натижалари асосида раҳбари профессор Р. А. Ниязов бошчилигида бамиянинг “Тошкент тухфаси”, “Замин” ва “Шабоб” янги навларини яратган. Б. А. Иброҳимов 3 дан ортиқ амалий ва инновацион ҳамда хорижий лойиҳаларда иштирок этиб, саноат ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шу билан бирга 19 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир.



Икромова Сожида Норматовна. 1982–1987 йилларда Тошкент Давлат Университети талабаси. 1990–2010 йилларда сифат лабораториясида кичик илмий ходим лавозимида фаолият юргизиб борган. Сабзавот, полиз ва картошка етиштиришда бошқача экинлардан сўнг сабзавот ва картошка экинларини маъданли ўғитлар билан озиқлантириш; янги турдаги ўғитларни ва ўғит стимуляторларини сабзавот, картошка ҳосили ва маҳсулот



тига таъсирини тадбиқ этишда иштирок этган. Иш фаолияти давомида 15 дан ортиқ илмий-амалий мақолалар чоп этган.

Исломова Дилфуза Мирахматовна. 1967 йил Тошкент вилоятида туғилган. 1984 йилдан бери Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида ишлаб келган. Пиёз селекциясида илмий изланишлар олиб борган ва натижада пиёзнинг ўртапишар “Зафар”, “Хамал”, эртапишар “Сумбула”, “Оқ дур”, “Равнақ” навлари ҳаммуаллифи ва кичик илмий ходим ҳисобланади.



Исмоилов Одилхўжа Солихўжа ўғли. 1992 йилда Тошкент вилояти Пискент туманида туғилган. Тошкент давлат аграр университетининг 2010–2014 йилларда бакалавр ва 2021–2022 йилларда магистратура йўналишини битирган.

2017–2022 йилларда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида картошка экинлари селекцияси ва уруғчилиги лабораториясида тажриба орртирувчи тадқиқотчи ва кичик илмий ходим. 2023 йилдан бошлаб институт таянч докторанти. 2018–2022 йиллар давомида 3 та инновацион ва амалий лойиҳаларда тажрибалар олиб борган.

О. С. Исмоилов илмий фаолияти давомида картошканинг эртапишар юқори ҳосилли навларини яратишда илмий ишлар олиб борган, шунингдек докторлик илмий мавзуси бўйича С. С. Лапачев раҳбарлигида ноанъанавий сабзавот экинларининг янги навларини яратиш ва интродукция қилиш билан биргаликда улардан юқори ва сифатли маҳсулот етиштиришда турли агротехник тадбирлар ўстида илмий изланишлар олиб бормоқда.



Камилов Муроджон Муқумжонович. Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти мустақил тадқиқотчиси. Институтнинг Андижон илмий-тажриба станциясида 2001 йилдан буён лаборант, илмий ходим ва директорнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари вазифаларида ишлаб келмоқда. Бататнинг 2 та, исмалоқнинг 2 та, бодрингнинг 6 та, помидорнинг 3 та, жағ-жағнинг 1 та, райхоннинг 1 та, жамбилнинг 1 та, пиёзнинг 1 та ва турпнинг 1 та навларига ҳаммуаллифдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланган.



2016–2021 йилларда М. М. Камилов томонидан помидорнинг ҳар хил муддатда пишадиган, истеъмол ва қайта ишлашга мос, юқори ҳосилли, тупроқ иқлим шароитига мос (иссиққа чидамли) бўлган “Найман” (2019), “Дарё” (2019), “Барлос” (2019) навлари, бодрингнинг иссиқхона ва очиқ майдонлар учун “Сардор-F1” (2018), “Баҳора-F1” (2018), “Дурафшон-F1” (2018), “Дояра-F1” (2019), “Ширин-F1” (2019) ва “Эзгу-F1” (2022) дурагайлари, исмалоқнинг “Ҳосилдор” (2018) ва “Ҳосилдор-1” (2018) навлари, батат ширин картошкасининг “Хазина” (2018) ва “Хазина-1” (2018) навлари, жағ-жағ ўсимлигининг “Барра” (2018) нави, райхоннинг “Ихлос” (2022), жамбилнинг “Хуштаъм” (2022), пиёзнинг “Қизил шаҳзода” (2022) ҳамда турпнинг “Мурод” (2022) навлари яратилди.



Карабаев М. А. 1982–1983 йилларда Ўзбекистонда илк бор иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналарда ширин қалампир навларини танлаш, уруғларни ва кўчатларни экиш муддатларини ҳамда мақбул озикланиш майдонини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борган. Тадқиқотлар натижасида иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналарда ширин қалампирни етиштиришда 25 мартдан 5 апрелгача бўлган экиш муддати ҳамда 70x20 см ва 70x30 см экиш схемаси мақбуллиги аниқланган.



Карабоев Шукур Карабоевич. Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти селекция ва уруғчилик лабораториясида 1954 йилда кичик илмий ходим вазифасида иш фаолиятини бошлаган. 1959 йилда агроном лавозимига тайинланган. 1978 йил “Ленинград” совхозига раис этиб тайинланган. 1979 йилдан институтда бош агроном бўлиб ишлаган.

Тошкент вилоятида ўртаги карам навлари селекцияси билан шуғулланган ва уларни етиштириш бўйича илмий иш қилиб, 1975 йилда қишлоқ хўжалик фанлари номзоди бўлди. Илмий устозлари Ермохин Е. В билан биргаликда ўртаги карам етиштириш бўйича уларни экиш, кўпайтириш ва сув режимлари ресурслари ҳақида тавсиянома ва китоблар нашр қилган. 1995 йилда иш фаолиятини тамомлаган.



Каримов Аман Абдурахманович. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, 1966–1982 йилларда ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш лабораториясида катта илмий ходим бўлиб ишлаган, 4 та илмий мақолалар муаллифи.



Каримов Абдурахмон Каримович. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, республикада хизмат кўрсатган агроном. 1942–1946 йилларда институт директори, 1947–1978 йилларда илмий кўрсаткич бўйича директор ўринбосари лавозимларида ишлаган. Сабзавот, полиз экинларидан юқори ҳосил олиш технологиясини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилишга катта ҳисса қўшган. Сабзавотчилик ва полизчилик бўйича бир неча китоблар муаллифи.



Каримов Юльбарс Юнусович. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. 1966–1978 йилларда институт директори лавозимида ишлаган. Раҳбарлик фаолияти давомида республика қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантиришга ва институтнинг илмий салоҳиятини оширишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган.



Ю. Ю. Каримов бошчилигида Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтини бугунги кундаги юқори биносига асос солинди. Сабзавот, полиз ва картошка экинларини уруғлари билан таъминлаш мақсадида уруғлик мевадарилари уруғларни тозалаш, саралаш, қадоқлаш ҳамда уларни сақлаш мақсадида уруғ омборхонаси қурилди.

Институт раҳбари томонидан институтни илмий ва ишчи кадрлари учун коттеджлар ва кўп қаватли уйлар қурилди. Бу билан бирга Ю. Ю. Каримов томонидан институт ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ерларни текислаш, янги ер участкаларни таркибга киритиш каби амалий ишлар бажарилган.

Ю. Ю. Каримов бошчилигида Халқаро конференция ва йиллик мажлисларда селекционер олимлар қовуннинг “Ич-қизил”, “Таштрук” ва бошқа навлари учун бир қанча олтин, кумуш ва бронза медаллари билан тақдирланган.



Ю. Ю. Каримов томонидан институтнинг чорвачиликка асосланган фермаси ҳамда институт техникаларини сақлаш учун махсус гаражлар барпо этилган. Институтни асосий моддий техник базасини қуришга бошчилик қилган институт директори Ю. Ю. Каримов меҳнатлари тақсинга лойиқ ва келажак авлод учун ўрнак бўлган инсон сифатида институт тарихида юксак ўринни эгаллади.

Институт директори Ю. Ю. Каримов бошчилигида ёш олимлар, талабалар, сабзавоткорларга институт томонидан турли конференциялар, ўқув семинар курслари мунтазам равишда ташкил этиб борилди. Уша даврларда кўпгина илмий мақолалар тўплами, тавсияномалар ҳамда илмий китоблар чоп эттирилди.



Кузнецова Наталья Григорьевна — биология фанлари номзоди, 1958–1976 йилларда фитопатология лабораторияси мудири лавозимида ишлаган. Қовуннинг фузариоз сўлиш касаллигини тарқатувчи замбуруғларнинг турлари, биологияси ва ўрганишга ва унга қарши курашга ҳамда помидорнинг вирус касалига қарши кураш чораларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшди.



Кулакова Мария Николаевна — 1940–1982 йилларда факультет кўрсатган, 1958–1972 йилларда сабзавот, полиз экинлари селекцияси лабораторияси мудири. Бодринг селекцияси бўйича биринчи селекционер Кулакова М. Н (1940–1982) томонидан “Ўзбекистон-740” (1944), “Марғилон-822” (1946), “Первенец Узбекистана” (1955), “Ранний-645” (1964), “Кўйлик” навлари яратилган. Бу навлар бугунги кунгача давлат реестрида бўлиб, ишлаб чиқаришда кенг тарқалган. Селекционер М. Н. Кулакова қовоқ-чани “Греческий-110” (1950), “Тошлоқи-862” (1959), “Испанский-75” (1949) ва “Палов каду-268” (1950) навларини яратган.



Қўчқоров Сайфиддин Қўчқорович. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, 1972–1985 йилларда полиз экинлари селекцияси лабораторияси мудири. Қовун коллекциясини ўрганиш, маҳаллий навларни яхшилаш ва янги навлар яратишга катта ҳисса қўшган, 2 та тарвуз ва қовун навларининг муаллифи. 1958–1962 йилларда С. Қ. Қўчқоров Хоразм қовун навларининг вегетатив ва генератив органларининг ривожланиш хусусиятларини ҳамда ташқи муҳит ва уруғлар сифатининг қовун генератив



органларига таъсирини, 1962–1963 йилларда қовун уруғларининг абсолют оғирлигининг ҳосилдорлигига таъсирини ўрганган. 1969 йилда Сурхондарё вилояти Гулистон вилоятида кенг тарқалган маҳаллий Ола-тарвуз навини популяциясидан юқори маҳсулдор элита ўсимликни танлаш ва аналитик селекция ишларини бошлаган ва селекция ишлари натижасида 1984 йилда тарвузнинг кечпишар Гулистон навини яратган. 1970–1972 йилларда С. Қ. Қўчқоров ва С. Собиров Хоразм воҳаси шароитида қовун уруғларининг сифатини ошириш усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борган ҳамда институт селекционери Р. А. Ҳакимов ҳаммуаллифлигида ўртапишар “Дилноз” (1994) навини яратган.

Қодиров Рустам Ҳамидович — 1975–1980 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти талабаси. 1980–1984 йилларда сифат лабораториясида кичик илмий ходим лавозимида фаолият олиб борган. Ўғит ва ўсув стимуляторларининг сабзавот, картошка ҳосили ва маҳсулот сифатига таъсирини тадбиқ этишда иштирок этган.



Қараходжаева Ҳамида Тажиевна. 1980 йил агрохимия лабораториясида лаборант, 1989 йил агрохимё лабораториясида кичик илмий ходим, 2021 йилдан институтнинг органик деҳқончилик лабораториясида кичик илмий ходим лавозимида ишлаб келмоқда. Тупроқ унумдорлигини ошириш, муҳофаза қилиш, комплекс мониторингни озиклантиришда, тупроқнинг ҳолатини ўзлаштириш ва Ўзбекистонда ишлатиладиган ўғитларнинг экологик чегарасини белгилаш бўйича тадқиқот ишларини амалга оширган. Ҳозирги кунда помидор, қовун ва картошкадан экологик тоза маҳсулот етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш мақсадида минерал ўғитлар ўрнига альтернатив органик ўғитларни ўзлаштириш (биоғумус, лифогум вермекултура чиқиндилари) бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.





Лапасов Сайфиддин Санакулович — 1982 йилда Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманида туғилган. Қишлоқ хўжалик фанлари фалсафа доктори, катта илмий ходим.

2000–2004 йилларда Тошкент давлат аграр университети “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик” мутахассислиги бўйича бакалавр босқичини имтиёзли диплом билан, 2004–2006 йилларда “Сабзавотчилик” мутахассислиги магистратура босқичини, 2006–2009 йилларда “Сабзавотчилик” ихтисослиги бўйича аспирантура босқичини тамомлаган.

Республика Олий ўқув юртлири талабалари ўртасида ўтказилган Фан олимпиядасида кимё фани бўйича 2001 йилда II ўрин, 2002 йилда III ўринларни эгаллаган. 2001 йил “Ўзмева-сабзавот-зумсаноатхолдинг” компаниясининг стипендиясига, 2003 йил Абу Райхон Беруний номли давлат стипендиясига сазовор бўлган.

2007 йил Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг интеллектуал мулк асослари, 2011 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси Олий бизнес мактабининг Корпоратив бошқарув марказида “Инсон ресурсларини бошқариш, меҳнат қонунчилиги ва менежмент психологияси”, 2013–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академиясида Раҳбар ходимларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги билимларини янада мустаҳкамлаш бўйича малака ошириш курсларини тамомлаган.

2021 йилдан ҳозирги кунгача СПЭ ва КИТИда Картошқа генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси мудири лавозимида фаолият олиб бормоқда.

С. С. Лапасовнинг 06.01.06 — Сабзавотчилик ихтисослиги бўйича “Кечки муддатда оқбош қарам (*Brassica capitata* L.) намуналарини танлаш, экиш муддатлари ва схемасини аниқлаш” мавзусида қишлоқ хўжалиги бўйича фалсафа фанлари доктори илмий даражаси учун тадқиқотлар олиб борган. 2019 йилда диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилиб, PhD илмий даражасини олган. 2022 йилда катта илмий ходим унвонига эга бўлган.

С. С. Лапасов ўзининг илмий фаолиятида 30 дан ортиқ илмий мақолалар, 15 та тавсиянома, хорижий илмий анжуманлар тўпламларида 10 дан ортиқ тезислар ва 2 та монография нашо қилган.



Лучинина Елена Гавриловна. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, 1949–1984 йилларда ёпиқ грунт лабораториясида катта илмий ходим лавозимида ишлаган. Лучинина Елена Гавриловна 1938 йил 18 февралда Тошкент шаҳрида туғилган. 1960–1965 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг “Агрохимё ва тупроқшунослик” факултетида ўқиган ва уни имтиёзли диплом билан тамомлаган. Ўқишни тугатгандан сўнг у ЎзСПЭ ва КИТИ да раҳбар вазифасини бажарувчи сифатида ишлаган, 1965–1970 йилларда катта илмий ходим. 1970–1972 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг Сабзавотчилик кафедраси кундузги аспирантурасида таҳсил олди ва 1972–1975 йилларда институтнинг сабзавот етиштириш бўлимида ишлаган. 1975 йилда “Ўзбекистон шароитида соғлом серхосил уруғлик картошкасини етиштиришнинг баъзи масалалари” мавзусида диссертациясини ҳимоя қилди. 1976 йилдан 1983 йилгача Симферополь тажриба станциясида катта илмий ходим вазифасини бажарувчи бўлиб фаолият юритган. Е. Г. Лучинина 1984–1994 йилларда ЎзСПЭ ва КИТИда ҳимояланган ерларда сабзавот етиштириш лабораториясида катта илмий ходим бўлиб, иссиқхоналар учун помидорнинг 5 та навини яратишга катта ҳисса қўшган ва мазкур навларнинг муаллифларидан бири эътиборланади. У 70 дан ортиқ илмий мақола ва 5 та тавсия муаллифи бўлган.



Лян Екатерина Евгеньевна. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, катта илмий ходим. Ўз меҳнат фаолиятини 1977 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тугатиб Сирдарё вилоятидаги давлат хўжалигининг иссиқхона комбинатида катта агроном лавозимида бошлади. 1981 йилда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида ёпиқ грунт сабзавотчилиги лабораториясида лаборант вазифасида ишлаб, кичик илмий ходим, аспирант, лойиҳа раҳбари, бугунги кунда эса иссиқхонада сабзавот, полиз экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси мудир лавозимида ҳамда амалий лойиҳа раҳбари сифатида самарали меҳнати натижасида қовуннинг истиқболли 2 та дурагайи, ширин қаламшир, бақлажоннинг 7 та дурагайлари ажратиб олинди.



Ўтган вақт давомида Е. Е. Лян помидорнинг 10 дан ортиқ — “Булқанд”, “АВЕ-Мария”, “Субхидам”, “F1-Сайхун”, черри “Марварид”, “F1-Турон”, “F1-Баҳор”, черри “Умид”, черри “Янтарный” нав

ва дурагайлари муаллифи ва ҳаммуаллифидир. Бугунги кунда унинг яна 2 та коктейл типига муносиб "F1- Краса Востока" ва "F1-Витаминка коктейльная" дурагайлари давлат нав синови-дан ўтмоқда. Е. Е. Лян томонидан яратилган нав ва дурагайлари республикаимизнинг деҳқончилик хўжаликларигагина эмас, балки Қозоғистон Республикаси, Россиянинг Крим, Новгород шаҳарларида, Приморск ўлкасида ва Петропавловск ҳамда Камчатка ўлкаларида ҳам етиштирилмоқда.

Е. Е. Лян илмий-тадқиқот ишларини олиб боришдан ташқари ҳимояланган майдонларда етиштирилаётган сабзавот экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, қасалликлардан ҳимоя қилиш бўйича етук мутахассис сифатида Ўзбекистонга танилган олимларимиздан биридир. У томонидан соҳа бўйича 180 дан ортиқ илмий мақолалар, шунингдек 7 та тавсиянома ва 1 монография шулардан 7 таси чет элларда чоп этилган.

Е. Е. Лян институтнинг ижтимоий-иқтисодий ишларида фаол қатнашиб иштирок этиб келмоқда ва ўзининг тўғрисиўзлик, ҳалоллиги билан институт жамоаси орасида алоҳида ҳурматга эга. У меҳнатсевар, талабчан, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки билан юртимиз равнақи ва тараққиётига салмоқли қисса қўшмоқда.

Е. Е. Лян қишлоқ хўжалик фанлари ривожига қўшиб келаётган самарали меҳнатлари учун 2001 йилда "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги" эсдалик нишони ҳамда қишлоқ хўжалиги ҳудудларини ривожлантириш, иқтисодий-ижтимоий, маданий, маънавий-маърифий тадбирларни амалга оширишда жонкуярлиги ва фидокорона меҳнатлари учун узоқ йиллик фаолияти давомида илм-фан учун самарали меҳнат қилгани эл-юрт ўртасида танилгани, бугунги кундаги кенг қўлдан фойдаланиш ислохотлар жараёнида жонбозлик кўрсатиб, юрт ободлиги ва халқ фаровонлигини юксалтиришда фаол иштирок этиб келаётгани учун 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг қимматбаҳо совғаси ва ташаккурнома билан 2022 йилда аграр таълим соҳасидаги кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти, фан-техника ютуқлари учун малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги жонкуярлиги ва фидокорона хизматлари учун "Қишлоқ хўжалиги фидойиси" кўкрак нишони ва ташаккурнома ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги Корея маданият марказлари ассоциацияси ҳузуридаги НТО "ТИНБО" нинг халқаро илмий конференциясидаги фаол иштироки учун ташаккурнома билан

билан тақдирланган. 2023 йилда эса Президент Ш. М. Мирзиёев томонидан “Дўстлик ордени” билан тақдирланди.

Мавлянова Равза Фазлетдиновна. 1972 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг мева-сабзавотчилик факултетига ўқишга кирди. Тошкент қишлоқ хўжалик институтини 1977 йилда тугатиб, Тошкент вилояти “Маданият” колхозида агроном вази-фасида ишлади.

1978 йилдан 2004 йилгача Н. И. Вавилов номидаги Бутунит-тифоқ ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё филиалида (ҳозирги кунда Ўсимликлар генетик ресурслари институти) кичик илмий ходим, катта илмий ходим, илмий ишлар бўйича директор муовини лавозимларида ишлади. 2004–2019 й.й. у Бутунжаҳон Сабзавотчилик Марказининг Марказий Осиё ва Кавказ минтақаси бўйича минтақавий координатори ва маслаҳатчи вази-фасида фаолият кўрсатди. Бу йиллар давомида у институт билан илмий мавзулар ва кадрлар тайёрлаш бўйича яқин ҳамкорлик қилди. 2020 йилдан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида етакчи илмий ходим лавозимида ишлади ва 2021 йилдан бошлаб сабзавот, полиз экинлари ва картошка Генбанк лабораторияси мудирини бўлиб ишламоқда. 1984 йилда Н. И. Вавилов номидаги Бутунит-тифоқ ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида (ВИР, С-Петербург, Россия) “Селекция ва уруғчилик” ихтисослиги бўйича диссертацияни мувоаффақиятли ёқлаб, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди илмий даражасини, 1999 йилда қишлоқ хўжалик фанлари доктори илмий даражасини олди. 2001 йилдан катта илмий ходим ва 2021 йилдан буён профессор илмий даражасига эга. ЎЗР Давлат илмий-техник дастури бўйича ҳамда халқаро мақомга эга 25 лойиҳаларни ишлаб чиқишда ва уни амалга оширишда иштрок этди.

Унинг раҳбарлиги остида Ўсимликшунослик ИТИда қишлоқ хўжалик экин-ларининг Генбанки (ҳозирги Миллий генбанки) ташкил этилди. Р. Ф. Мавлянованинг кўп йиллик олиб борган ишлари натижасида 10 тадан ортиқ сабзавот экинлари-нинг жаҳон генетик ресурслари илмий асослари селекцияда соддаланиш учун ишлаб чиқилди. У томонидан жами 270 тадан ортиқ илмий ишлар, шу жумладан 3 та монография, 3 та китоб, 17 та ўқув ва услубий қўлланмалар, 26 та тавсияномалар чоп қилинган. У республикада инновацион ишланмаларнинг, жумладан



сабзавот экинларининг вегетатив пайвандлаш усули, мошнинг тик ўсувчи ҳосилдорли, экспортбоп янги навларини етиштириш ва комбайн ёрдамида йиғиб олиш интенсив технологиялари, қимматли ноанъанавий сабзавот экинларининг жорий этилишида ташаббусчи бўлди. Европа, Америка, Африка, Яқин Шарқ ва Жанубий-Шарқ минтақаларининг 25 дан ортиқ халқаро конгресс, симпозиум ва конференцияларида маърузалар билан иштирок этди.

Р. Ф. Мавлянова Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Арманистонда сабзавот ва техник экинларнинг районлаштирилган 54 та янги нави ва 18 та патентлар муаллифи. Р. Ф. Мавлянова раҳбарлигида “селекция ва уруғчилик”, “сабзавотчилик” мутахассислиги бўйича 7 нафар фан номзоди ва фалсафа докторлари диссертацияларни ёқлаб, илмий унвонга эга бўлишди ҳамда 3 нафар докторантлар илмий ишларни олиб боришмоқда.

Р. Ф. Мавлянова илмий ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиб, ЎзОАК ва институт илмий кенгашларда аъзолик қилмоқда. 2010 йилдан бошлаб Сабзавотчилик бўйича халқаро тармоқ (VEGINET, Ҳиндистон) ижроия қўмитасининг аъзосидир. Р. Ф. Мавлянова илмий ва жамоат хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сўв хўжалиги вазирлигининг фахрий ёрлиғи (2001 й.), Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказининг фахрий ёрлиғи (1999, 2003 й.й.), Бутунжаҳон Сабзавотчилик марказининг фахрий ёрлиғи (2013 й.) ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси” кўкрак нишони (2022 й.) билан тақдирланган.



Мақсудходжаев Дилшод Саиджалилович. 1938 йил 29 мартда Тошкент шаҳрида туғилган. 1956–1961 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалик институтида ўқиган. 1963–1966 йилларда аспирант. 1969 йили биология фанлари номзоди. 1979–1985 йилларда сабзавот, полиз экинлари селекцияси лабораториясида катта илмий ходим. Д. С. Мақсудходжаев пиёз селекциясининг “Истанбол” (1999), “Зафар” (2002) навлари муаллифи.



Маматов Камол Шавқиевич. 1989–1992 йилларда Усимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти аспирантурасида ўқиб, 1993 йилда “Биологические особенности развития ржавчинного клеща и меры борьбы с ними” мавзусида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1994–2021 йилларда Усимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида “Сабзавот ва полиз экинларини зарарли организмлардан ҳимоя қилиш” лабораториясида илмий ходим, катта илмий ходим, лаборатория мудири ҳамда шу институтда илмий котиб лавозимларда ишлаб келди. Шу йилларда олиб борилган илмий янгиликларни республикамизнинг барча вилоятларидаги деҳқон-фермер хўжаликларга тарғиб қилишда амалий ёрдам бериб келди. 2021 йилдан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ да “Иссиқхона агротехнологияси” мудири лавозимида ишлаб келмоқда. Қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш агротехнологияси ҳамда зарарли организмлардан ҳимоя қилиш мавзусида 150 дан ортиқ мақолалар муаллифи.



Маҳкамов Самиг Маҳкамович. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, 1961–1992 йилларда агротехника лабораториясининг катта илмий ходими. Сабзавотчиликда оралиқ экинларни алмашлаб экишнинг илмий асосчиларидан бири. Институтнинг илм-фан соҳасидаги ютуқларини оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот қилишда салмоқли хизмат кўрсатган ходим.



Менгниёзов Жаҳонгир Мадартович. Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида 1995 йилда туғилган.

2016–2020 йилларда Тошкент давлат аграр университетида бакалавр ҳамда 2020–2022 йилларда “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси” йўналишида магистратурани битирган.

2021–2022 йилларда Ўзбекистон фанлар академияси геномика ва биоинформатика марказининг маркерларга асосланган селекция лабораториясида лаборант, 2022 йилларда СПЭ ва КИТИда стажёр тадқиқотчи лавозимида ишлаган.

Ҳозирги кунда Ж. М. Менгниёзов институт докторанти ҳисобланиб, қ.х.ф.д., профессор Р. Ф. Мавлянова раҳбарлиги остида “Ромэн салат (*Lastuka sativa var longifoliya*)” интродукция, нав



намуналарини танлаш ва етиштириш технологиясининг айрим элементларини ишлаб чиқиш мавзусидаги ўз илмий ишларини давом эттириб келмоқда.



Миниров Имадиддин. 1982–1994 йилларда институт тажриба хўжалигининг раҳбари лавозимида ишлаган, айнан у раҳбарлик қилган даврда хўжаликнинг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган, асосий эътиборини ишчи- хизматчиларнинг маиший турмуш тарзини яхшилашга қаратган жонқуяр раҳбар эди. Ўзбекистон Республикаси олий кенгаши президиумининг фахрий ёрлиғи соҳиби.



Мирзаахмедов В. 1970–1984 йилларда институт тажриба станцияларида картошка, помидор, ширин қалампир ва бақлажоннинг вирусли ва микоплазменли касалликларини ўрганган ҳамда уларга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиққан.



Мирзасолиев Мирзаосимжон Мирзасойипович. 1979 йили Андижон вилояти, Булоқбоши туманида туғилган.

Қишлоқ хўжалик фанлари фалсафа доктори, катта илмий ходим. 1997–2001 йилларда Андижон қишлоқ хўжалик институти бакалавр ҳамда 2004–2006 йилларда Тошкент давлат аграр университети “Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси” мутахассислиги бўйича магистратурани тамомлаган. 2020 йил 06.01.2021 — Сабзавотчилик PhDни ҳимоя қилган.

2006–2012 йилларда Тошкент давлат аграр университети “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш” кафедраси ассистенти лавозимида, 2012–2019 йилларда Тошкент давлат аграр университети “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик” факультети декани лавозимида, 2019–2021 йилларда Тошкент давлат аграр университети “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик” факультети декани



муовини лавозимида, 2021–2021 йили — Тошкент давлат аграр

университети “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва
 консервация” кафедраси доценти лавозимида, 2021 йил октябр
 ойида “Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-
 тадқиқот институти “Сабзавот, полиз экинлари уруғчилиги ва
 консервация” лабораторияси мудирини лойиҳа раҳбари сифа-
 тинда иш олиб бормоқда. 23 дан ортиқ илмий мақолалар
 аҳолига муаллифи.

М. М. Мирзасолиев илмий фаолияти давомида пиёзни кўча-
 ва парранчи экин сифатида етиштириш технологиясини
 ишлаб чиққан. Шу билан биргаликда ушбу экинни етиштириш
 технологияларини ишлаб чиққан.

М. М. Мирзасолиев соҳадаги ёш олим ва
 талабани ўз билим ва тажрибаларидан келиб чиқиб, усто-
 злик билан биргаликда, сабзавот, полиз экинларининг
 уруғчилик уруғшунослиги бўйича илмий изланишлар олиб
 бормоқда.

Мирзиятов Мирғани. 1997–2020 йилларда сабзавот, полиз
 уруғчилиги лабораториясининг катта илмий ходими.
 2 январда Тошкент шаҳрида туғилган. У ўз меҳнат
 йилларини 1969 йилда Тошкент вилояти Тошкент туманидаги
 давлат хўжалигида ишчи вазифасида бошлаган.
 Тошкент қишлоқ хўжалик институтини (ҳозирги
 Тошкент давлат аграр университети) агроном ихтисослиги
 бўйича тугатиб 1989 йилдан 1997 йилга қадар Ўзбеки-
 қишлоқ-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот
 институтида ташкил этилган “Меристема” кооперативи
 лавозимида ишлаб, 1997 йил 24 февралдан бери то вафот
 қилишигача 2020 йил сентябргача институтнинг катта илмий
 ходими лавозимида ишлади.

Мирзиятов давомида Мирзиятов Мирғани ўзининг юқори
 илмий ўқиб ўрганишга ҳавасмандлиги билан танилди,
 сабзавот полиз экинларининг йўқолиб кетиш хавфи остида
 уруғларини тиклашда ўзининг муносиб ҳиссасини
 қўшди. Институт ёш олимларининг устоз-мураббийи эди.
 Ўзининг таълим ва тадқиқот фаолиятида сабзавот ва полиз экинлари бўйича юқори
 репродукцияли уруғларни етиштириш, тайёрлаш учун
 селекция қилинган комбинацион усуллар асосида юқори
 продуктив элита ва элита уруғлари етиштирилиб, фермер ва



деҳқон хўжаликларига етказиб берилди. Лойиҳалар доирасида журналларда 50 дан ортиқ мақола ва 1 та тавсиянома муаллифи. Институтнинг давлат дастурларининг бажарилишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш билан бирга давлат дастури доирасидаги илмий лойиҳаларни бажаришда нафақат ўзи олиб борган илмий изланишлар бўйича, балки бошқа давлат грантлари бўйича ҳам эга бўлган билимларни бошқаларга ўргатиб ходимлардан бири сифатида жамоа орасида катта обрў-эътиборга эга олим тимсолида жамоа хотирасида қолди.



Мирпаязов Х. М. Сабзавот, полиз ва картошка экинлари технологияси лабораториясига 1966–1985 йилларда қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Х. М. Мирпаязов бошчилик қилган. Х. М. Мирпаязов томонидан қишки экин экиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди ва эрта сабзавот етиштириш учун агротехника ишлаб чиқилди. У республикада сабзи экинини етиштириш технологиясини ишлаб чиқишга ҳам ўз ҳиссасини қўшди.



Мирҳайдаров Ҳақиқат — биология фанлари номзоди, 1969–1984 йилларда ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш лабораториясида катта илмий ходим бўлиб ишлаган. Илмий фаолияти давомида 28 та илмий мақолалар ва 5 та муаллифлик гувоҳномалари муаллифи. Ҳ. Мирҳайдаров ва Р. К. Каримовлар 1980–1983 йиллар давомида уруғлик сабзи етиштириш майдонларида бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши агротехник ва кимёвий кураш чораларини ишлаб чиққанлар.



Мўминов Олим Мўминович — қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, 1964–1989 йилларда ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораторияси мудири. Ўсимликларнинг зараркунандалардан айниқса кўк қурт тунлами биологиясини ўрганиш ва унга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш асосчиларидан бири. Олим Мўминов 1981–1983 йилларда помидор ва қовоқ етиштиришда касаллик ва бегона ўтларга қарши интеграциялашган биологик тизимларини ишлаб чиққан.



Мўминов Турғун Гулямovich. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. 1947–1951 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти талабаси. 1949–1952 йил давомида аспирантурани тамомлаб, 1953 йилда қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди унвонини олган. 1962 йилда ўсимликлар физиологияси лабораториясини мудирини, 1963–1966 йилларда СПЭ ва КИТИ директори лавозимида фаолият юритиб, 1966 йилдан то 1995 йил — умрининг охиригача физиология ва ўсимликлар биохимияси лабораторияси бўлими мудирини лавозимида фаолият олиб борган. Сабзавот, полиз ва картошка экинларининг суғориш тизимининг физиологик асоси ва сабзавотчиликда микроэлементлар, ўсув стимуляторларини қўллаш, соғлом ва касал ўсимликлар физиологияси, уруғларнинг униб чиқиш физиологиясини ўрганишга катта ҳисса қўшган. Мўминов Турғун Гулямovich фаолияти давомида 7 та илмий-амалий тўплам, бир қанча тавсиянома, журнал ва илмий-амалий анжуманларда қатнашиб, 50 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этган. Бундан ташқари бир неча аспирантларнинг номзодлик диссертациясини ёқлашига ўз хиссасини қўшган олим.



Мустаев Асилбек Мустаевич. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, катта илмий ходим, институтда 1956–2010 йилларда катта илмий ходим, лаборатория мудирини лавозимларида ишлаган. Мустаев Асилбек 1934 йили Тошкент вилоятида туғилган. 1956 йили Тошкент қишлоқ хўжалик институтини мева-сабзавот ва узумчилик факультетини битириб, шу йилнинг май ойидан бошлаб Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида 1967 йилгача кичик илмий ходим, сўнгра 1971 йилгача катта илмий ходим вазифасида ишлади. Мустаев Асилбек 1966 йили аспирантуранинг сиртки бўлимини тамомлаб, қишлоқ хўжалик фанлари номзодлик диссертациясини ёқлади ва гетерозис эффектини сабзавотчиликда қўлланилиши бўйича 15 дан ортиқ мақолалар ёзди ҳамда гетерозис уруғларни ишлаб чиқаришга жорий этиш масаласи бўйича собиқ Иттифоқнинг қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг Илмий кенгашига аъзо этиб сайланди. 1971–1976 йилларда А. Мустаев Сирдарё таянч бўлимининг мудирини лавозимида ишлади. Шу қисқа давр ичида у 250 га қўриқ ерни ўзлаштириб, полиз етиштиришни механизациялаштириш ва унинг уруғчилигини ташкил этиш ҳамда институт навларини



Низомов Рустам Ахролович. 1982 йил 17 сентябр куни Қашқадарё вилояти, Китоб туманида туғилган. Тошкент давлат аграр университетида 2001–2005 йилларда бакалавр, 2005–2007 йилларда магистратура бўлимида ўқиган.

2009–2011 йилларда Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти аспиранти, технология лабораториясида ўриндошлик мақомида кичик илмий ходим, 2011–2017 йилларда сабзавот, полиз экинлари ва картошка агротехнологияси лабораторияси кичик илмий ходими, 2017–2018 йилларда Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, 2018 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказининг Боғдорчилик ва сабзавотчилик селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологиялари соҳасида илмий-тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи бўлиб фаолият юритган. 2018 йилдан ҳозирги кунгача Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Р. А. Низомов қишлоқ хўжалиги фанлари доктори диссертациясини 2016 йилда 06.01.06. Сабзавотчилик ихтисослиги бўйича “Помидорни уруғи билан плёнка остига мульчалаб экиб парваришлаш технологиясини такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилган ва қишлоқ хўжалиги фанлари доктори илмий даражасини олган.

Р. А. Низомов 2008–2017 йиллардаги фаолияти давомида 4 та амалий ва инновацион лойиҳаларда ижрочи ҳамда 2018–2022 йилларда амалий ва инновацион лойиҳаларда лойиҳа раҳбари лавозимида ишлаган. Бугунги кунда халқаро амалий лойиҳа раҳбари.

Р. А. Низомов раҳбарлигида 3 нафар докторант қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа фанлари (PhD) доктори даражасини олиш учун диссертация ишларини мувофақиятли ҳимоя қилишди. 6 нафар докторант қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа фанлари (PhD) доктори даражасини олиш учун диссертация тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Р. А. Низомов томонидан 2010–2022 йиллар оралиғида 115 та ишлар чоп этилган. Р. А. Низомов маҳаллий ва хорижий журналларда жами 84 та илмий ишларни нашр этди. Шу жумладан, монографиялар — 1 та, илмий журналларда мақолалар — 32 (шундан хорижий — 10) та, тавсияномалар — 11 та, симпозиум-



лар ва конференциялар тўпламларида илмий мақолалар — 23 (шулардан хорижий — 3)та.

Р. А. Низомов 2018–2022 йиллар давомида олиб борган изланишлари, сабзавот экинларини етиштириш технологиялари бўйича кўп йиллик илмий-тажрибаси ва турли илмий-тадқиқот институтлари олимлари билан фаол ҳамкорлик, ўз шоғирдларининг истиқболли линиялар билан таъминлаш, услубий ёрдам ва сабзавот экинларини инновацион усулларда етиштириш технологиялари ва уларнинг уруғчилигини йўлга қўйиш жараёнида бевосита иштирок этиш натижасида 11 турдаги қишлоқ хўжалик экинларининг 17 та навларининг ҳаммуаллифи ҳисобланади. Ушбу навлар орасида Р. А. Низомов 11 турдаги экинларнинг 7 та навлари биринчи ёки иккинчи ҳаммуаллифидир (помидор, аччиқ қалампир, бамия, бодринг, саримсоқ, артишок, рокамбол, райхон, қовун, картошка). Янги навларни яратиш борасида СПЭ ва КИТИ олимлари ҳамкорлигида Р. А. Низомов томонидан бошқариладиган 7 та навларида ҳаммуаллифлик бор, шундан бодрингнинг “Ғалаба” (2020) ва “Мусаффо” нави (2020), бодрингнинг “Даяра” (2019) ва “Ширин” (2019), артишокнинг “Жануб гўзали” (2020), саримсоқнинг “Жануб” (2020) ва Сурхон воҳаси райхонининг “Гулчаме” (2020), қовуннинг “Новоткалла” (2022) ва “Офтоб” (2020), бамиянинг “Тошкент тухфаси” (2022), аччиқ қалампирнинг “Шарқ гавҳари”, помидорнинг “Юлдуз” (2018) ва “Мустақиллик-28” (2022), картошканинг “Боғизагон” (2021) навлари республиканинг қишлоқ хўжалиги соҳасида жорий қилинди.

Р. А. Низомов Корея, Америка, Япония ва Венгрия каби мамлакатларининг 10 дан ортиқ халқаро конференцияларида маърузалар билан иштирок этди. Р. А. Низомов барча институт тадбирларида фаол қатнашмоқда.

Илмий фаолияти давомида у жамоа ишларида фаол қатнашиб, илмий кенгаш раиси, услубий комиссия раиси, тахририят-назорат комиссияси раиси ва бошқа кенгашларда эксперт сифатида фаолият кўрсатди.

Р. А. Низомов 2018–2020 йилларда институт бош биносининг капитал таъмирланиши ва лабораторияларнинг замонавий ускуна-жиҳозлар билан таъминланишини бошқарган.

2022 йилда СПЭ ва КИТИ ҳузуридаги илмий даражага эришувчи PhD. 05/30.09.2022. Qx.152.01-рақамли Илмий кенгаш тuzилишига асос солди ва ҳозирги пайтда у СПЭ ва КИТИ Илмий кенгаши раиси ҳисобланади.



Никулина Анна Григорьевна. 1936–1960 йилларда селекционер сифатида фаолият юритган. Дастлабки даврда А. Т. Никулина помидор селекцияси билан (1936–1960) шуғулланган. У томонидан помидорнинг биринчи маҳаллий “Будёновка”, “Бизон”, “Колхозный”, “Гибрид-88” навлари яратилди. Бу навлар асосан нав популяцияларидан якка танлаш услубида яратилган. А. Г. Никулина дастлаб сабзи селекцияси билан ҳам шуғулланган. Унинг “Мирзойи сариқ” (1946), “Мшак-195” (1946), “Мирзойи қизил” (1949) навлари яратилган. Бугунги кунда ушбу навлар республикамизнинг катта майдонларида етиштирилмоқда. Тарвузнинг “Король Кубы-92” (1949), “Қўзибой-30” (1949), “Ўзбекистон-452” (1951) навлари селекционер А. Г. Никулина томонидан яратилган. А. Г. Никулина помидорнинг 5 та, қалампирнинг 1 та, сабзининг 3 та ва 1 тадан бақлажон, тарвуз навлари муаллифи.



Ниязов Миродил Захидович — иқтисод фанлари номзоди, 2011–2015 йилларда институтнинг илмий котиби, лойиҳа раҳбари лавозимларида ишлаган. Ёш олимларга жонқуярлиги билан алоҳида ҳурмат қозонган ходим.



Нуриддинов Анвар Икбалович. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. 1978–1993 йилларда институт директори, 1993 йилдан 2007 йилга қадар биотехнология лабораторияси мудир лавозимларида ишлади. Республикада биотехнология асосида етиштирилган орқали вирусдан холи соғломлаштирилган картошка туғанақларини етиштириш технологиясининг асосчиси томонидан бири. 1986 йилда А. И. Нуриддинов таҳрири остида, қ.х.ф.н. А. Б. Бакиев, қ.х.ф.н. В. Н. Ермохин, қ.х.ф.д. Н. С. Бақураев, қ.х.ф.н. Х. З. Умаровлар “Справочник по овощеводству, бахчеводству и картофелеводству” китоби чоп этилган. Ушбу китоб Ўзбекистонда сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда янги маънавий қўлланма сифатида фойдаланиш учун тавсия этилган. Ушбу китобнинг чоп этилиши билан Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик соҳасида илмий-тадқиқот институти етук олимларининг илмий ва амалий хизматлари натижаларига асосланган ҳолда тавсиялар берилган.



1982–1984 йилларда А. И. Нуриддинов ва В. В. Бережнова помидор меваларининг сифатига ўғитларнинг таъсири борасида тадқиқотлар олиб борилган, тадқиқотлар натижасида эва $N_{300}P_{225}K_{150}$ ва $N_{200}P_{150}K_{100}$ минерал ўғитларининг помидор етиштиришда қўллаш ҳосилдорлиқнинг ва мева сифатининг ошишига олиб келиши аниқланган.

Островская А. В. 1959–1961 йилда агрохимия ва физиология лабораториясида катта илмий ходим лавозимида фаолият олиб борган. Сабзавот, полиз ва картошка етиштиришда тупроқ ҳолатини яхшидорлигини ошириш, ўсимликларни озиклантириш тизимини ишлаб чиқишда иштирок этган.



Песцов Вячеслав Иванович. Ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилиш лабораториясининг катта илмий ходими, кўпдан 36 та илмий ишлар муаллифи. 1982–1984 йилларда В. И. Песцов ва И. К. Қўчқоровлар Самарқанд вилояти шароитида сугорилган режимга қараб тарвуз ўсимликларининг ҳосилдорлиги ва фузариоз сўлиш касаллигига чидамлилигини аниқлаш бўйича тадқиқот ишларини олиб бориб, тарвузнинг тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-65 фоиз бўлишини қайд этишган. Институтнинг Самарқанд тажриба станциясида 1982–1984 йилларда В. И. Песцов ва Х. Музаффаровлар томонидан сув-озуқа режимининг қовуннинг маҳсулдорлиги ва замбуруғли касалликларига чидамлилигига таъсири ўрганилиб, қовунни етиштиришда тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-75 фоиз (2-2-2 сув режимда 490 м³ меъёрда) ва 300 кг суперфосфат N150 K100 бўлганда юқори ҳосил олиш, замбуруғли касалликларга чидамлилигини ошириш мумкин эканлигини аниқлашган.



Песцова Светлана Тимофеевна. Ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилиш лабораториясининг катта илмий ходими, б.ф.н., қовуннинг ун шудринг, фузариоз сўлиш касалликларига қарши илмий изланишлар олиб борган, 19 та илмий ишланмалар муаллифи.



Пряхин Виктор Дмитриевич. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, 1956–1997 йилларда картошкачилик лабораториясида, илмий-техник ахборотлар гуруҳида катта илмий ходим лавозида ишлаган. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.



Раджапов Темур Ашрапович. 1942 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1970 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг Ўсимликларни ҳимоя қилиш мутахассислиги бўйича тамомлаган. Иш фаолиятини 1961 йилдан лаборант бўлиб бошлаган. 1973 йилда ЎзСПЭ ва КИТИда илмий ходим, катта илмий ходим лавозимларида ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимида, институтни сақлаш ва қайта ишлаш бўлимида ҳамда картошка селекцияси ва уруғчилиги лабораториясида ишлаган. Картошканинг янги навларини яратишда ва маҳаллий уруғчиликни ташкил этишга катта ҳисса қўшган. Картошканинг “Умид” навининг муаллифи.

Раджапова Н. А. Песцов В. И. билан ҳамкорликда қовун ва бодрингнинг ун-шудринг касаллигига қарши биологик ҳамда кимёвий препаратларни қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб боришган.





Расулов Аҳмеджан Исраилович. 1964 йил 20 мартда Тошкент шаҳрида туғилган. 1986 йил Педагогика олийгоҳи Биология қишлоқ-хўжалиги асослари факультетини тамомлаган. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, 1959–2016 йилларда катта илмий ходим, картошка экинлари селекцияси ва уруғчилиги лабораториясининг мудирини лавозимларида ишлаган. Сабзавот қовун ва картошка маҳсулотлари сақлашни илмий асослаб берди ва битта монография чоп этди. Картошканинг янги навларини яратиш ва маҳаллий уруғчилигини ташкил қилишга катта ҳисса қўшди. Картошканинг “Кўксарой”, “Диёра”, “Сарнав”, “Пасом” ва “Серҳосил” навлари муаллифи. “Ғарбий Европадан келтирилган картошка навларини синаш натижалари”, “Тошкент-Термез, Ўзбекистон-Германия картошкачилиги” мақолалари муаллифи.



Расулов Муҳаммаджан Аҳмаджанович. 1964 йил Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1986 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаган. 1998–2012 йилларда Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти картошка экинлари селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси илмий ходими, 2012–2014 йилларда технология лабораторияси кичик илмий ходими, 2014–2016 йилларда сабзавот, полиз экинлари ва картошка агротехнологияси лабораторияси кичик илмий ходими, 2017–2021 йилларда картошка селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси кичик илмий ходими бўлиб ишлаган. 2021 йилдан ҳозирги кунгача Агрокимё институти ва ўсимликлар физиологияси лабораторияси мудирини ва мутахассисини бажарувчи бўлиб ишлаб келмоқда.

М. А. Расулов иш фаолияти давомида картошка экинининг селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияси бўйича олиб борган тадқиқот ишлари натижасида салмоқли ютуқларга эришган олимдир. У 30 дан ортиқ тавсиянома ва мақолаларга ҳаммуаллифлик қилган.



Расулов Фахриддин Фахмуддинович. Расулов Фахриддин Фахмуддинович 1983 йил 25 июнда Тошкент вилоятида таваллуд топган. 2004 йилда Тошкент Давлат аграр университети бакалавриятини, 2009 йилда магистратурасини тамомлаган.

2012–2014 йилларда Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти технология лабораторияси кичик илмий ходими, 2014–2020 йилларда Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти



илмий котиби вазифасини бажарувчи, 2020 йилдан шу кунгача Сабзавот-полиэ экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти илмий котиби. 2018 йилда 06.01.06 — Сабзавотчилик ихтисослиги бўйича қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш бўйича диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилган. 2019 йилда катта илмий ходим илмий унвонини олган. Давлат илмий техник дастурлари доирасида 4 та амалий ва инновацион лойиҳаларда изланишлар олиб борган. 1 та амалий лойиҳага раҳбарлик қилган. 60 га яқин илмий мақолалар (шундан 10 таси хориж илмий журналларида), 44 та тезислар, 120 дан зиёд тавсиянома ва қўлланмалар муаллифи ва ҳаммуаллифи. Жанубий Кореяда амалиёт, сабзавотчилик бўйича малака оширган.

Раҳматов Анвар Маматович. 1985 йилда Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида туғилган. Қишлоқ хўжалик фанлари фалсафа доктори, катта илмий ходим. 2004–2008 йилларда Тошкент давлат аграр университетиде бакалавр ҳамда 2008–2010 йилларда “Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси” йўналишида магистратурани битирган. 2010–2011 йилларда ЎзСПЭ ва КИТИ да кичик илмий ходим. 2011–2014 йилларда ЎзСПЭ ва КИТИ қошидаги илмий ходимларни тайёрлаш бўлими стажёр-тадқиқотчи изланувчиси, катта илмий ходим изланувчи. 2014–2017 йилларда кичик илмий ходим, 2018 йилда Қишлоқ хўжалик фанлари фалсафа доктори. 2018–2019 йилларда Сабзавот-полиэ экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти агротехнология лабораторияси мудире ва лойиҳа раҳбари. 2019–2020 йилларда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш агентлиги, янги боғларни режалаштириш ва агротехнологиялар бўлими бошлиғи. 2020–2022 йилларда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Органик ишлаб чиқариш ва мақбул қишлоқ хўжалиги амалиётини ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси лавозимларида ишлаган. 2022 йилдан ҳозирги вақтгача СПЭ ва КИТИда Маҳсулотларни сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологиялари лабораторияси мудире, лойиҳа раҳбари сифатида фаолият олиб бормоқда. Сабзавот экинларининг 2 та навига муаллиф ҳамда 70 дан ортиқ илмий ишланмалар муаллифи. А. М. Раҳматов илмий фаолияти давомида ноанъанавий сабзавот экинлари-



нинг янги навларини яратиш ва интродукция қилиш билан биргаликда улардан юқори ва сифатли маҳсулот етиштиришда турли агротехник тадбирлар устида илмий изланишлар олиб борган. Шулардан республикамиз учун салатбоп ва барг шолғом каби ноанъанавий сабзавот турларидан шолғомнинг “Гулшод” ва барг шолғомнинг “Дармон” навларини яратиган. Шу билан биргаликда ушбу экинларни етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиққан. Ҳозирги кунда А. М. Раҳматов соҳадаги ёш олим ва шогиртларига ўз билим ва тажрибаларидан келиб чиқиб, узтозлик қилиш билан биргаликда, сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотларини сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологиялари бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.



Раҳматуллаходжаев Нигматулла. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. 1961–1991 йилларда институт бош агрономи ва агротехника лабораториясининг катта илмий ходими лавозимларида ишлаган. Картошка етиштириш агротехикасини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшган олим. Шу билан бирга, Н. Раҳматуллаходжаев илмий фаолияти давомида полиз экинларини етиштиришда ва ҳосилини йиғишда фойдаланиладиган механизациялашган технологияларни ўрганиш ва уларни жорий қилиш бўйича тадқиқот ишларини олиб борган.



Сағдуллаев Mирабдулла Мирюсупович. Биология фанлари номзоди 1953–1958 Тошкент қишлоқ хўжалиги институти талабаси. 1962–1965 йилда аспирантурани тамомлаб, яна кичик илмий ходим лавозимида фаолият юритган. 1966–1980 йилда ўсимликлар физиологиясида катта илмий ходим лавозимида фаолият юритган. Сабзавот, полиз ва картошка экинларини суғориш тизимини физиологик асоси ва сабзавотчиликда микроэлементлар, ўсув стимуляторларини қўллаш, соғлом касал ўсимликлар физиологияси, уруғларнинг униб чиқиш физиологияси ўрганишга катта ҳисса қўшган. Сағдуллаев Mирабдулла Мирюсупович фаолияти давомида бир қанча журнал ва илмий-мағалий анжуманларда 30 дан ортиқ мақолалар чоп этган.



Саидмуратов Абдумурот Нормуратович. (1952) — илмий ходим. У картошканинг турли мамлакатлардан келтирилган 30 га яқин нав намуналарини ўрганиб, республикамизнинг жанубий минтақаси шароитида эртаги муддатда етиштириш учун истиқболли навларни ажратиб олди. Буларга Голландия селекциясига мансуб картошканинг ўрта эртапишар: Ликария, Романо, Абиликс, Марфона, Дизера навлари мансубдир. Бундан ташқари А. Саидмуратов ош лавлагининг бир ўсимтали навлари селекцияси бўйича изланишлар олиб бориб, бир ўсимтали “Ягона” нави муаллифидир.



Саломов Баҳодир Саломович. Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори. 2011–2020 йилларда Сурхондарё илмий-тажриба станциясида, 2021 йил қишлоқ хўжалиги билим ва инновациялар миллий марказида, 2022 йил 1 февралдан СПЭ ва КИТИ Сабзавот экинлари генетикаси ва селекцияси лаборатория мудири, катта илмий ходим бўлиб ишлаб келмоқда. Б. С. Саломов саримсоқ селекцияси ва уруғчилиги бўйича тадқиқотларни СПЭ ва КИТИ Сурхондарё илмий-тажриба станциясида 2011–2020 йиллар давомида олиб бориб, “Жануб”, “Сурхон воҳаси”, “Барака” навларини, рокамболнинг “Барака” ва гулқарамнинг “Истиқбол” навларини яратди. Ушбу навларга Интеллектуал мулк агентлиги томонидан патентлар олинди.



Серкова Вероника Олеговна. Кашничнинг “Орзу” (1999), укропинг “Ором” (2001), салатнинг “Қўқ шох” (2002) навлари муаллифидир.

Сабирава Маъмура Шукуровна. М. Ш. Сабирава 1968 йил Тошкент вилояти туғилган. 1991 йил Тошкент давлат аграр университетининг агрохимия ва тупроқшунослик факультетини тамомлаб, олим агроном мутахассислиги берилди.

1991–2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик институти Биотехнология лабораториясига кичик илмий ходим лавозимига ишга олинди.



Саидмуратов Абдумурот Нормуратович. (1952) — илмий ходим. У картошканинг турли мамлакатлардан келтирилган 30 га яқин нав намуналарини ўрганиб, республикамизнинг жанубий минтақаси шароитида эртаги муддатда етиштириш учун истиқболли навларни ажратиб олди. Буларга Голландия селекциясига мансуб картошканинг ўрта эртапишар: Ликария, Романо, Абиликс, Марфона, Дизера навлари мансубдир. Бундан ташқари А. Саидмуратов ош лавлагининг бир ўсимтали навлари селекцияси бўйича изланишлар олиб бориб, бир ўсимтали “Ягона” нави муаллифидир.



Саломов Баҳодир Саломович. Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори. 2011–2020 йилларда Сурхондарё илмий-тажриба станциясида, 2021 йил қишлоқ хўжалиги билим ва инновациялар миллий марказида, 2022 йил 1 февралдан СПЭ ва КИТИ Сабзавот экинлари генетикаси ва селекцияси лаборатория мудири, катта илмий ходим бўлиб ишлаб келмоқда. Б. С. Саломов саримсоқ селекцияси ва уруғчилиги бўйича тадқиқотларни СПЭ ва КИТИ Сурхондарё илмий-тажриба станциясида 2011–2020 йиллар давомида олиб бориб, “Жануб”, “Сурхон воҳаси”, “Барака” навларини, рокамболнинг “Барака” ва гулқарамнинг “Истиқбол” навларини яратди. Ушбу навларга Интеллектуал мулк агентлиги томонидан патентлар олинди.



Серкова Вероника Олеговна. Қашничнинг “Орзу” (1999), укропинг “Ором” (2001), салатнинг “Қўқ шох” (2002) навлари муаллифидир.

Сабирова Маъмура Шукуровна. М. Ш. Сабирова 1968 йил Тошкент вилояти туғилган. 1991 йил Тошкент давлат аграр университетининг агрохимия ва тупроқшунослик факультетини тамомлаб, олим агроном мутахассислиги берилди.

1991–2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик институти Биотехнология лабораториясига кичик илмий ходим лавозимига ишга олинди.



2008 йил Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясига қарашли акад. О. С. Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти “Хужайра технологиялари” лабораторияси кейинчалик ДУК га бўлим бошлиғи этиб тайинланди.

2021 йилдан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик институтига Биотехнология лабораториясига мудир этиб тайинланди. Иш фаолияти асосан уруғлик картошка вирусдан ҳоли in vitro ўсимликларининг маҳаллий навларини етиштириш ва картошканинг биотехнологик коллекциясини барпо этиш ҳамда сабзавот ва доривор ўсимликларни in vitro — стерил ҳолатга ўтказиш ва кўпайтириш ишлари олиб борилади.

Ташкенбоев Алишер Холмурадович — қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. 2001–2002 йилларда институт директори лавозимида ишлаган.



Ташходжаев Ахрор Ташходжаевич — қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент. 1956–1961 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти талабаси. 1961 йилдан бошлаб агрохимия ва физиология лабораториясида катта лаборант, 1961–1963 йилларда кичик илмий ходим лавозимида ишлаган. 1963–1966 йилларда аспирантурани тамомлаб, яна кичик илмий ходим лавозимида фаолият юритган. 1975–1989 йилларда агрохимия лабораториясида катта илмий ходим лавозимида фаолият юритган. Сабзавот, полиз ва картошка етиштиришда тупроқ унвдорлигини ошириш; ўсимликларни озиқлантириш тизимини ишлаб чиқиш; маҳсулот сифатини яхшилашнинг услуб ва воситаларини тадбиқ этиш асосчиларидан. Ташходжаев Ахрор Ташходжаевич иш фаолияти давомида 4 та илмий-амалий тўплам, бир қанча тавсияномалар ҳамда 70 дан ортиқ илмий-амалий мақолалар чоп этган.



Турдиқулов Бойимкул Турдиқулович — б.ф.н., катта илмий ходим. Полиз ва республикамизда кам тарқалган дориворлик хусусияти билан аҳамиятга молик сабзавот экинларини республика ҳудудига интродукция қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борган. Муаллиф томонидан дайконнинг “Содиқ”, салатбоп шолғомнинг “Муяссар”, арпабодиённинг “Шифо”, сельдерейнинг “Сербарг”, исмалоқнинг “Нафис”, петрушканинг “Нилуфар”, тарвужнинг эртапишар “Термезский” ва “Сурхон тонги” навлари яратилган. Б. Турдиқулов томонидан 30 дан ортиқ мақолалар ва 1 та монография чоп этирилган.



Турсунов Дилшод Тухтаевич. 1957 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1974–1979 йй. Тошкент қишлоқ хўжалик институти талабаси бўлган.

1979–1989 йй. сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти катта лаборанти, 1989–2021 йиллар давомида картошка селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси катта илмий ходими, 2021 йилдан ҳозирги кунгача институт лойиҳаларида катта илмий ходим лавозимида ишлаб келади.

Мамлакатимизда иккинчи нонга айланиб улгурган картошка етиштириш, томорқа эгалари ҳамда фермерлар талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб унинг янги навларини яратиш, картошка ҳосилига зиён етказадиган касаллик ва зараркундаларига қарши курашиш, ҳар бир навга хосу-мос агротехник тадбирларга оид усулбуй қўлланмалар, тавсияномалар ишлаб чиқишда ўз тақлиф, тавсиялари, ибратли тажрибалари билан ҳамкасблари эътиборини қозонган.



Тўрабоева Юлдуз Баҳриддиновна. 06.01.05 — Селекция ва уруғчилик ихтисослиги бўйича таянч докторант. 2008–2012 йилларда Низомий номидаги тошкент давлат педагогика университетида бакалаври ҳамда 2012–2014 йилларда Тошкент давлат аграр университетида “Картошкачилик” йўналишида магистратурани битирган. 2019–2020 йилларга қадар ТошДАУнинг Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси кабинет мудири. 2020–2022 СПЭ ва КИТИ да стажёр-тадқиқотчи изланувчиси лавозимларида ишлаган.

2022 йилдан ҳозирги вақтгача СПЭ ва КИТИда 06.01.05 — Селекция ва уруғчилик ихтисослиги бўйича таянч докторанти.



10 дан ортиқ илмий мақолалар ва тезислар муаллиф ҳамда ҳаммуаллифи.

Ҳозирги кунда Ю. Б. Тўрабоева 06.01.05 — Селекция ва уруғчилик ихтисослиги бўйича “Бодрингни гидропоника иссиқхонасида етиштиришга мос нав ва дурагайларида селекция уруғи бошланғич манба ажратиш” мавзуси бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.



Тўрамагов Рустам Ғопурович. 2006–2010 йилларда Тошкент давлат аграр университетининг бакалавр ва 2010–2012 йилларда магистратура босқичини тамомлаган. Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти сабзавот ва полиз экинлари уруғчилиги лабораториясида 2015–2017 йилларда тажриба орттирувчи тадқиқотчи ва 2017–2019 йилларда кичик илмий ходими бўлиб ишлаган. 2020–2022 йилларда институт таянч докторанти бўлиб тадқиқотлар олиб борган.

Р. Ғ. Тўрамагов 2020 йилдан қ.х.ғ.д. А. Ж. Шокиров раҳбарлигида “Такрорий муддатга мос полиз экинлари навларини танлаш ва етиштиришнинг айрим елиментларини такомиллаштириш” мавзусида илмий иш олиб борди.

Р. Ғ. Тўрамагов ўзининг илмий фаолияти давомида 20 дан ортиқ илмий мақолаларни Ўзбекистон ҳамда халқаро нуфузли даврий илмий журналларида чоп эттирган.



Умаров Хуршид Зупарович — қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент. 1949–1954 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти талабаси. 1954–1966 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида аспирант, ассистент, тупроқшунослик кафедраси доценти лавозимларида фаолият юритган. 1966–1994 йилларда агрохимия лаборатория мудири, 1994–2006 йилларда илмий котиб лавозимда ишлаган. Сабзавот, полиз ва картошкани етиштиришда тупроқ унумдорлигини ошириш; усимликларни озиклантириш тизимини ишлаб чиқиш; маҳсулот сифатини яхшилашнинг услуб ва воситаларини тадқиқ этиш, экологик тоза маҳсулот етиштириш технологиясини ишлаб чиқаришга тавсия қилган. Умаров Хуршид Зупарович иш фаолияти давомида 6 та илмий-амалий тўплам, бир қанча тавсиянома, журнал ва илмий-амалий анжуманларда 80 дан ортиқ илмий мақолалар

чоп этган. Бундан ташқари бир неча аспирантларнинг номзодлик диссертациясини ёқлашга ўз хиссасини қўшган.

Умарова Мавжуда Зупаровна. Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент. 1964–1969 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти талабаси. 1969–1973 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида катта лаборант лавозимида, 1973–1976 йилларда аспирантурани тамомлаб, кичик илмий ходим лавозимида фаолият олиб борган. 1994 йилдан уруғчилик лабораториясида катта илмий ходим лавозимида фаолият олиб борган. Сабзавот, полиз экинларини озиклантириш тизимини ишлаб чиқиш; маҳсулот сифатини яхшилаш, сабзавот, полиз экинлари бирламчи уруғчилигини ривожлантириб, супер-элита, элита ва 1-репродукция уруғлар етиштириш ва уларни кўпайтириш, наводорлик, унувчанлик, ҳосилдорлик сифатини оширувчи технологияларни яратиб, ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш каби ишларнинг иштирокчиси. Умарова Мавжуда Зупаровна иш фаолияти давомида 2 та илмий-амалий тўплам, журнал, тавсиянома ва 20 дан ортиқ илмий-амалий мақолалар чоп этган.



Уразбаев Камил Джангабаевич. 2022 йилдан СПЭ ва КИТИ Қорақалпоғистон Республикаси илмий-тажриба станцияси директори лавозимида ишлаб келмоқда. Мутахассислиги иқтисодчи ва инженер механик. 2 та олий таълим муассасаси дипломига эга. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ва Қарши давлат Университетини тамомлаган.



Успенская Елизавета Фёдоровна. 1939 йилда агрохимик ва физиологик тадқиқотларга асос солди, алмашлаб экишда ўғитлаш тизимини ишлаб чиқди ва сабзавот, картошка экинлари физиологиясига озуқа ҳамда сув режимини ўрнатди.



Филатов Эдуард Владимирович. 1962–1974 йилларда ўсимликларни касаллик ва зараркундалардан ҳимоя қилиш лабораториясида катта илмий ходим бўлиб ишлаган, 16 та илмий мақолалар муаллифи.



Фонина Ольга Яковлевна. Оренбургда таваллуд топган. 1931 йил Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик институтини томонлаган. Ўзбекистон Республикаси сабзавотчилик тажриба станциясида кичик илмий ходим лавозимида 1937 йил меҳнат фаолиятини бошлаган. 1938 йилда картошкачилик бўлим мудирини бўлиб картошкачиликни ривожлантиришда экиш муддатлари, агро-техникаси, олинган ҳосилни сақлаш ҳамда икки ҳосилли уруқчилик бўйича тадқиқот ишлари олиб борган. 1957 йилда қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, картошкачилик бўйича кўплаб мақола ва тавсиялар муаллифи.



Ҳайдаров Мирсобит Акбарович — қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент. 1967–1972 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти талабаси. 1994–2005 йилда Агрокимё лабораторияси мудирини лавозимида ишлаган. Сабзавот, полиз ва картошкачилик етиштиришда илғор технологияларни яратиш; тупроқ унумдорлигини ошириш; ўсимликларни озиклантириш тизимини ишлаб чиқиш; маҳсулот сифатини яхшилашнинг услуб ва воситаларини тадқиқ этиш асосчиларидан. Ҳайдаров Мирсобит Акбарович иш фаолияти давомида бир қанча тавсиянома, журналларда ва 50 дан ортиқ илмий-амалий мақолалар чоп этган.



Ҳакимов Абдунаби Султанович — қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими. Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини 1952 йилда томонлаган. Олий маълумотли. 1952–1962 йилларда селекция лабораторияси катта илмий ходими, 1962–2001 йилларда уруқчилик лабораторияси мудирини лавозимларида ишлаган. Қовуқнинг 5 та ва редисканинг 2 та нави муаллифи. Селекция томонидан редиснинг оқ рангли “Эртапишар” (1981) ва қизил рангли “Лола” (2004) навларини яратган. А. С. Ҳакимов “Баёти

қўрган” (1960), “Оқ уруғ-1137” (1967), “Кўк тинни-1087” (1969), “Йирик ич қизил” (1972) навлари муаллифи. Республикада сабзавот ва полиз экинлари уруғчилигини ривожлантиришнинг илмий асосчиларидан бири. Сабзавот ва полиз экинлари уруғчилигини ташкил этишнинг энг яхши минтақалари аниқланди. Пиёз, сабзи, бодринг, лавлаги ва бошқа экинлар уруғларини етиштиришнинг бир қатор янги технологиялари ишлаб чиқилди. Икки йиллик сабзавот экинлари (пиёз, сабзи, карам, лавлаги) оналик меваларини экиш схемалари ва муддатлари аниқланди. Эртапишар карам навларининг уруғликларини ва сабзининг илдизмеваларини кучирмасдан жойида қолдириб етиштириш технологиялари ишлаб чиқилган.

Сабзавот ва полиз экинлари уруғликларини йиғиштириш муддатлари ва уларни қайта ишлаш давридаги технологиялар ишлаб чиқилди. Сабзавот ва полиз экинларининг уруғликларига минерал ўғитларни қўллаш муддатлари ва меъёрлари тавсия этилди. Турли микроэлементлардан фойдаланган ҳолда уруғликларнинг унвчанлигини ошириш, сабзавот уруғларини турли идишларда сақлаш технологияси ишлаб чиқилган. Уруғшунослик ва бирламчи уруғчиликка оид олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари бирламчи уруғчиликда якка, оилавий ва оммавий танлаш усулларини яхшилаш, республика уруғчилик хўжаликларини мавжуд ва янги яратилган навларнинг юқори сифатли уруғлари билан таъминлашда раҳбарлик қилган. Институтда меҳнат фаолиятлари давомида Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими унвони, бир қанча медал ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Ҳақимов Рафиқжон Абдунабиевич — қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, катта илмий ходим. 1976–1981 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалик институтида ўқиган. 1981–1982 йилларда ЎзСПЭ ва КИТИ да кичик илмий ходим. 1982–1985 йилларда аспирант, 1985–1988 йилларда кичик илмий ходим, 1988–1993 йилларда катта илмий ходим, 1993–1996 йилларда сабзавот ва полиз экинлари селекцияси лаборатория мудири. 1988 йилда Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

1998–2001 ва 2002–2018 йилларда институт директори авозимларида ишлаган.

Ҳақимов Рафиқжон Абдунабиевич 1959 йил 23 октябрда ошкент шаҳар Куйбишев туманида туғилган. Илмий фаолияти



давомида сабзавот ва полиз экинларини юқори маҳсулдор, сифат кўрсаткичлари юқори, касалликларга чидамли нав ва дурагайлари яратган. Сабзавот, полиз, картошка экинларининг 60 та навига муаллиф ва ҳаммуаллиф. Қовуннинг ун шудринг касаллигига чидамли навларини яратиш бўйича селекция ишларини олиб бориб, “Зарчопон- F1” (1990), “Тўёна” (1991), “Лаззатли” (1991), “Олтин водий” (1997), “Гурлан” (1998), “Амударё” (2000), “Гулоби Хоразмий” (2002), “Зар гулоби” (2002), “Суюнчи-2” (2002), “Саховат” (2007), “Кичкинтой” (2010), “Дилхуш” (2012), “Кўк мағиз” (2017), “Офтоб” (2022), тарвузнинг “Дилноз” (1994), “Манзур” (2001), “Чиллаки-F1” (2009), “Шарқ неъмат” (2012), “Ширин” (2017) навлари муаллифи. Шунингдек, помидорнинг 9 та, бодричнинг 7 та, бақлажон, пиёз, ош лавлагининг 3 тадан, исмаккач, батат, картошка, ширин қалампирнинг 2 тадан, сабзи, шолғом, жағ-жағнинг биттадан нав ва дурагайлари яратишда илмий раҳбарлик қилган ва ҳаммуаллиф.

Р. А. Ҳақимов 300 дан ортиқ илмий ишлар чоп этган, шундан монография — 1 та, китоб — 5 та, услубий қўлланма — 5 та, тавсиянома ва қўлланма — 48 та, хорижий нуфузли журналларда — 5 та, республика журналларида — 89 та, халқаро илмий анжуманлар материалларида — 24 та, республика илмий анжуман тўпламларида — 57 та.



Халимова Мастура Уринбаевна. Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида 1994 йилдан буён катта илмий ходим лавозимида ишлаб келмоқда. Санномзодлик диссертациясини 1991 йилда Тошкент Давлат Аграр Университети ҳузуридаги илмий кенгашда “Ўзбекистон шароитида эрта муддатда вақтинчалик плёнкали қоплама остида қовун етиштиришда нав танлаш, экиш муддатлари ва усулларини ўрганиш” мавзусида 06.01.06 — “Сабзавотчилик” ихтисоси бўйича диссертация ҳимоя қилган. 1988–1990 й.й. Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти аспиранти, 1990–1991 й.й. катта лаборант, 1991–1994 й.й. кичик илмий ходим, 1994–2018 й.й. сабзавот-полиз экинлари селекцияси лабораторияси катта илмий ходим, 2018–2021 й.й. амалий ва 2021 йилдан ҳозирги кунгаче инновацион лойиҳа раҳбари бўлиб фаолият юритмоқда.



М. Ў. Халимова томонидан 105 та илмий мақолалар, шундан 20 таси хорижий илмий нашрларда ва анжуман тўғламларида чоп этилган.

М. Ў. Халимова республикамызда сабзавотчилик ва полизчиликнинг янада ривожланишида, мазкур соҳанинг фан билан узвий боғлиқлигини мустаҳкамлашда, илм-фанни соҳага тарғиб қилишда салмоқли ҳисса қўшиб келаётган олима.

Касбий, ишчанлик ва инсонийлик фазилатлари: полиз экинлари бўйича илмий изланишлари натижасида жаъми 11 та, шундан қовуннинг “Роҳат”, “Кичкинтой”, “Дилхуш”, “Қўқ мағиз”, “Ифтихор”, “Офтоб”, тарвузнинг “Ўринбой”, “Манзур”, “Ширин”, “Шарқ неъматини” навлари ва “F1-Чиллаки” дурагайларининг муаллифларидан бири. Бугунги кунда полиз экинларининг янги навларини яратиш борасида илмий-тажрибалар олиб бормоқда. Яратилган навлар ишлаб чиқаришда катта майдонларда экиб юқори ҳосил олинмоқда.

М. Ў. Халимова 2011 йилда “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил” эсдалик нишони, 2020 йилда “Mo'tabar ayol” кўкрак нишони, 2021 йилда Халқаро 15-ECO Summit Economic Cooperation Organization ECO Award 2021 ECO медали билан тақдирланган ва 2022 йилда “DO'STLIK” ордени билан Президент Ш. М. Мирзиёев томонидан тақдирланган.

Хатамов Шахзод Дониёр ўғли. Хатамов Ш. Д Самарқанд вилояти Оқдарё туманида 1996 йилда туғилган. 2015–2019 йилларда Самарқанд Қишлоқ Хўжалиги институтида бакалавр йўналишида ўқиган. 2020–2022 йилларда Тошкент давлат аграр университетиде Картошқачилик йўналишида магистратурани битирган. 2022 йилда СПЭ ва КИТИ институтида уруғчилик лабораториясида стажёр тадқиқотчи лавозимида ишлаган. Ҳозирги кунда Ш. Д. Хатамов институт докторанти ҳисобланиб қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим Б. А. Иброҳимов раҳбарлиги остида “Ноанъанавий сабзавот экинларидан Пастернак (*Pastinaca sativa* L.) интродукцияси ва уни етиштириш технологиясининг айрим элементларини такомиллаштириш” мавзусидаги ўз илмий ишларини давом эттириб келмоқда.





Ҳасанов Аширали Ражапович. (1952–2020) қ.х.ф.н., катта илмий ходим. Оқбош карамнинг иссиққа чидамли нав ва дурагайлари яратиш ҳамда ширин қалампир ва помидорнинг эртапишар навларини яратиш йўналишида тадқиқотлар олиб борган. Оқбош карамнинг иссиққа чидамли “Термиз–2500”, ширин қалампирнинг “Тонг” ва помидорнинг эртапишар “Дўстлик” ва эртапишар “Истиқлол — 10” навлари муаллифи.



Ҳизкилов Яков Еремеевич — қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. 1955–1987 йилларда механизация лабораториясининг муdiri лавозимида ишлаган. Республикада хизмат кўрсатган агроном.



Ҳоджаев Мажид Машарипович — қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. 1952–1958 йилларда станция директори.

Ҳоджаев Ғайрат Фозилович — 1939 йил Тошкент шаҳрида таваллуд топган.

1961 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтини мевабзавотчилик мутахассислиги бўйича тамомлаган. 1966–1969 йилларда аспирантура, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. 1968–1978 йилларда Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида илмий ходим лавозимида, 1978–1979 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалик институти тажриба станциясида, 1979–1980 йилларда Ғагарик совхозида бош агроном. 1980–1981 йилларда қишлоқ хўжалик вазирлигининг уруғчилик бўлимида фаолият юритган. 1981–1983 йилларда 3-сонли қишлоқ хўжалик махсулотларни



қлаш комбинатида директор муовини. Саримсоқ ўсимлигини иш муддатлари, ундан юқори ҳосил олиш, сақлаш, суғориш, шлов бериш ва картошка экинлари бўйича 15 дан ортиқ илмий ақолалар муаллифи.

Холдоров Мирхалил Уразбекович. 1979–1982 йилларда Ленинграднинг ВНИИ микробиология аспирантурасида ўқиб, 1985 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1993 йилдан катта илмий ходим, лаборатория мудирининг лавозимида ишламоқда. 1982–1998 йилгача Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида катта лаборант, кичик илмий ходим, катта илмий ходим, лаборатория мудирининг лавозимида ишлаган.



1993 йилдан СПЭ ва КИТИ ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораторияси мудирининг илмий фаолияти давомида сабзавот, полиз, картошка ва ноанъанавий экинларнинг уруғларини (профилактика) экишдан олдин дорилашда қўлланиладиган препаратлардан фойдаланишни ишлаб чиққан.

Очиқ майдонларда помидор қуясига қарши асосан маскид препаратлардан фойдаланиш усулларини ишлаб чиққан. Ўсимликларни касалликлар ва зараркунандалардан ҳимоя қилишда фитопатологик, микробиологик ва кимёвий уйғунлашган қураш чоралари, замонавий усуллари ва технологияларини ишлаб чиқариш бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда. 173 ортиқ илмий ашланмалар муаллифи ва ҳаммуаллифи.

“Ўзбекистонда Республикаси Қишлоқ хўжалиги фидойиси” ордени билан (2020 й.) тақдирланган.

Ҳолиқулова Насиба Шерали қизи. 1997 йилда Қашқадарё вилояти Китоб туманида туғилган. 2017–2021 йилларда Тошкент вилояти аграр университетида “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик” йўналишини тамомлаган. Ҳозирда “Сабзавотчилик ва полизчилик” йўналиши 2-курс магистранти.

2022 йилдан бери СПЭ ва КИТИ институтида “Ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш” лабораториясида тадқиқотчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Н. Ш. Ҳолиқулова илмий фаолияти давомида б.ф.н., катта илмий ходим М. У. Холдоров раҳбарлиги остида сабзавот ва полиз экинлари ҳосилдорлигини оширишда уруғларга биоло-



гик, кимёвий ва наномикрозаррачалар билан ишлов бериш ва органик тоза маҳсулот етиштиришда лаборатория ва дала тажрибалари устида илмий изланишлар олиб борапти.

Ҳозирги кунда Н. Ш. Холиқулова институтнинг стажёр тадқиқотчиси ҳисобланиб қ.х.ф.д., профессор Р. А. Низомов раҳбарлиги остида “Оқбош карамни эртанги муддатда етиштириш учун мос бўлган нав ва дурагайлари танилаш” мавзусида ўз илмий изланишларини давом эттириб келмоқда.



Хушвақтов Нурбек Жумаевич. 1989 йилда туғилган, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

2015–2017 йилларда Н. Ж. Хушвақтов Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтидаги картошкани селекцияси ва уруғчилиги лабораториясида кичик илмий ходим лавозимида ишлаган. 2018–2020 йилларда институтда сабзавотчилик ихтисослиги бўйича таянч докторантурада таҳсил олган. 2022 йилда “Иситилмайдиган иссиқхонада аччиқ қалампир навларини танилаш, экиш муддатлари ва схемаларини ишлаб чиқиш” мавзусида 06. 01. 06-сабзавотчилик ихтисослигида қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун диссертация ишини мувофақиятли ҳимоя қилди.

2021 йилдан бошлаб Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари ҳамда ишлаб чиқариш ва умумий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Н. Хушвақтов илмий раҳбари профессор Р. А. Низомов бошчилигида аччиқ қалампирни иссиқхоналарда экишга мос ўртапишар юқори ҳосилли, истеъмолга мос “Шарқ гавҳари” (2022), “Ният” (2023) ва “Дилноз-2019” (2023) навларини яратган.

Бугунги кунгача 1 та тавсиянома ва 20 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир.



Черников Пётр Фёдорович. 1924 йилда Қозоғистонда тавалуд топган. 1956 йил Тошкент қишлоқ хўжалиги институти мева-сабзавот бўйича олим агроном мутахассислигини тамомлаган. 1964–1974 йилларда ЎзСПЭ ва КИТИ илмий котиблик, 1974–1985 йилларда картошкачилик бўлим мудири, истиқболли картошка туганаклари бўйича иш олиб борган, янги ҳосил туганакларини экиш, қиш мавсуми олдидан картошкани тупроқ остида қолдириб, ҳосил етиштириш, туганакларни иссиқлик



совуққа таъсири, туганаклар пайдо бўлишининг ҳосилдорликка таъсири бўйича тажрибалар олиб борган. 100 дан ортиқ тавсия ва мақолалар муаллифи.

Чернова Людмила Акимовна. 1954–1959 йилларда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти талабаси. 1959-йилдан бошлаб агрохимия лабораториясида катта лаборант, 1961–1967 йилда кичик илмий ходим лавозимида ишлаган. 1967–1970 йилларда аспирантура ни тамомлаб, қишлоқ хўжалиги фанлари номзодлик диссертациясини ёқлаб, лаборатория мудири лавозимида фаолият юритган. Сабзавот, полиз ва картошка етиштиришда илғор технологияларни яратиш; тупроқ унумдорлигини ошириш; ўсимликларни озиклантириш тизимини яратишда фаолият юритган.

Шарипов Жўра Шарипович. 1946–1952 йилларда тажриба станцияси директори бўлиб ишлаб, улуғ ватан урушидан кейин тажриба станциясида сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Улуғ ватан уруши қатнашчиси.



Шарипов Ҳошим Зарипович. 1962–2000 йилларда институт бош иқтисодчиси ва бош ҳисобчиси лавозимларида ишлаган, ўз касбининг устаси ва фидойиси эди.



Докиров Алишер Жўрабоевич — қ.х.ф.д., Сабзавот, полизчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директорининг Илм-фан ва илмий фаолият бўйича директор маслаҳатчиси.



1993–1998 йилларда Тошкент Давлат аграр университети-нинг Мева-сабзавотчилик ва узумчилик факультетида ўқиган. 1998 йил университетнинг “Сабзавотчилик” кафедраси кундузги аспирантурасига ўқишга кирган. 1999–2001 йилларда “Бақлажоннинг интенсив нав намуналарини танлаш ва ўсимликка қулай озикланиш майдонини аниқлаш” мавзусида илмий-тадқиқот



ишларини олиб борган ва 2003 йил ушбу мавзуда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

А. Шокиров 2001–2021 йиллар мобайнида Тошкент давлат аграр университетида иш фаолиятини олиб борган.

2007 йилдан бошлаб “Оқбошли карамни ёзги муддатларда етиштиришнинг илмий асослари” мавзусида докторлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб борган ва 2020 йилда Докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Унинг раҳбарлигида 2019 йилда Лапасов Сайфиддин Санақуллович қишлоқ хўжалиги бўйича фалсафа доктори диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. А. Шокиров ТДАУ да Мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик кафедрасида тахсил олаётган магистрларга раҳбарлик қилиб келади, унинг раҳбарлигида 10 да ортиқ магистрантлар магистрлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Ҳозирда институтнинг таянч докторантлари Р. Тўраматов, М. Матёкубов, А. Файзуллаев ва стажёр тадқиқотчилар С. Тўраев, Д. Абдуллаевларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Бугунги кунга қадар илмий фаолияти давомида 100 дан ортиқ илмий мақолалар ва тезислар, 10 дан ортиқ илмий, ўқув-услубий ишлар, 2 та монографиялар чоп этган.



Шукина Анфиса Семёновна — қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, 1972–1996 йилларда полиз экинлари селекцияси лабораториясида катта илмий ходим, лаборатория мудирининг лавозимларида ишлаган. Ун шудринг ва фузариоз сўлиш касалликларига чидамли қовун навларини яратиш услубининг асосчиси ҳамда Ўрта Осиё қовун турларини линиялараро чатиштирганда гетерозис самараси ва инбридингга депрессияни ўрганган. Маҳаллий қовуннинг 300 дан ортиқ нав намуналарини ҳудудларга экспедиция уюштириб йиққан, ўрганган ва сақлаган. Бугунги кунда ушбу маҳаллий қовун нав намуналари келажак авлод учун институт генбанкида сақланмоқда. Селекция ишлари натижасида мамлакатимизда биринчилардан бўлиб маҳаллий навларнинг ташқи кўриниши ва мева сифатини ўзгартирмаган ҳолда ун шудринг касалига чидамли 7 та қовун навларини яратган. Булар қовуннинг “Ширали” (1982), “Ғалаба” (1984)



“Олтин тепа” (1989), “Тўёна” (1991), “Лаззатли” (1991), “Олтин зодий” (1997), “Суюнчи-2” (2002) навлари.

Ҳасанов Имир Аҳмедович. 1937 йилда Хитой халқ республикаси Кашкар шаҳрида туғилган. 1962 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти мева-сабзавот ва узумчилик мутахассислиги бўйича йўналишини тамомлаган. 1963 йилда Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик институтида картошқа бўлимида меҳнат фаолиятини бошлаган. 1973 йилда қишлоқ хўжалик фанлари номзодлигини ёқлаган, илмий ходим, 1985 йил артошқачилик бўлимида мудир бўлган. Республикамизда артошқа экинини кенг қаторли қилиб экиш асосчиларидан. Меҳнат фаолияти даврида кенг қатор услубда ҳар хил навлар қиб, картошқа етиштириш бўйича тавсиялар ва кўплаб мақола ҳамда “Ақроб”, “Тўйимли”, “Маҳаллий” навлари муаллифи.



Юсупов Карим Раҳимович. 1930–1933 йилларда Урта Осиё тахтачилик институтини битирган. 1960 йилда ЎзСПЭ ва КИТИ институтда кичик илмий ходим. 1980 йилдан катта илмий ходим. 1960 йилларда селекционер К. Юсупов томонидан помидорнинг ирик мевали “Юсупов” нави яратилган ва бугунги кунгача стеъмолда энг ширин навлардан бири ҳисобланади. Бу нав сосида кейинчалик мева сифати юқори бўлган “Октябр” ва “аҳодир” навлари яратилган.



М. Якубжанов 1987 йили ташкил этилган сабзавот, полиз экинлари ва картошқа етиштириш технология лабораториясига 1995 йилгача қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Р. М. Якубжанов ахбарлик қилган.



Институтда фаолият юритаётган илмий-техник ходимлар



Бош бухгалтер
Умиджон
Отақузиев



Эркин Зуфтаров



Иқтисодчи
Алишерхон Якубов



Иқтисодчи
Мухторжон
Уринбоев



Аброр Файзуллаев



Хушнудбек
Буронбоев



Котиб Рахима
Мухсимова



Девонхона
мутахассиси
Дилбар Исламова



Омборхона мудири
Даврон Шарабаев



Лаборант
Машкура Юнусова



Лаборант Муяссар
Қучқорова



Лаборант
Тожиниса Мусоева





Лаборант Санобар
Қодирова



Лаборант Лобар
Мирзаева



Лаборант Малика
Раҳимова



Лаборант
Муқаддас
Нисарбаева



Лаборант Феруза
Хасилова



Лаборант Ҳосият
Ибрагимова



Лаборант Ойниса
Раҳимова



Лаборант Дилфуза
Кучкарова



Лаборант Санобар
Рузиева



Лаборант Нурима
Камолова



Лаборант
Музаффар Шодиев



Лаборант Рустам
Мусеев





*Лаборант
Абдивақоб Ашуров*



*Рустам
Лутпуллаев*



Баҳром Ширимбоев



*Абдурахмон
Гафуров*



Баҳром Раҳматов



Акбар Шарабаев



Мухлиса Юнусова



Шодиева Замира

Ўзбекистонда қадим замондан сабзавотлар етиштирилиб келинган. Бирок, 1933 йилда ташкил этилган тажриба станцияси катта илмий-тадқиқот институтига айлантиришгунча сабзавотчиликни илмий асосда ривожлантирди.

Институтнинг кўп йиллик фаолияти сабзавотлар ассортиментини сезиларли даражада кенгайтириш, ноанъанавий экинларни жорий этиш, агрокимё, физиология, биотехнология усулларидан фойдаланиб, сабзавот, полиз ва картошка етиштириш учун илмий асосланган технологияларини ишлаб чиқиш, тупроқ ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда республикамизнинг турли минтақаларида сабзавотларни турли фаслларда етиштиришни илмий жиҳатдан тавсия этиш, сабзавот ва картошкачиликда янги илмий йўналишларни ишлаб чиқиш имкониятларини берди.

Қишлоқ хўжалиги ва илм-фан олдида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш. М. Мирзиёев, ҳукумат қарорлари ва қўйилган вазифалари асосида, институт ходимлари турли сабзавот экинларидан юқори сифатли уруғлик ишлаб чиқариш; сабзавот, полиз ва картошка, сақлаш ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш; юқори сифатли сабзавот ишлаб чиқариш; маҳаллий бозор йил давомида таъминлаш ва фермер ҳамда хусусий сектор даромадларини ошириш, сабзавот экспортини кенгайтириш, шунингдек, республика фаровонлигини ошириш учун замонавий қишлоқ хўжалиги технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ишларни амалга оширади.



ФОТОЛАВҲАЛАР




Институтнинг илк ташкил этган даври



*Институтнинг директори Жалилов Зариф Жалилович жамоа билан биргаликда
(1936–1942 йилларда).*





Институтнинг иссиқхоналари



Институтнинг биринчи директори Ермохин Виктор Никифорович лабораторияда маълумотларни қайд қилмоқда (1933–1936 йилларда).





Каримов Абдурахмон Каримович (1970 й.)



З.Ж. Жалилов картошка даласини кўздан кечирмоқда





Қовун меваларини терими



Ю.Ю. Каримов бошчилигида ходимлар қишлоқ хужалиги техникалари билан танишишмоқда (1968–1970 йиллар)





Каримов Абдурахмон Каримовични 70 йиллигига бағишланган йиғилиш (1980 йил)



Институтда Нуритдинов Анвар Икбалович (1978–1993 йилларда институт директори) томонидан ташкил этилган конференция ва биотехнология лабораториясини очилиши (1988 йил)





Янги ташкил этилган биотехнология лабораториясини очилиши (1988 йил)



Ш.Р. Рашидовнинг қовун сайлида институт навлари билан танишиши (институт директори Каримов Ю.Ю., селекционер олимлар А.С. Хакимов, М.Н. Кулакова).





А.И.Нуритдинов ва илмий ходимлар қовун сайлида кўрғазмали майдонида меҳмонларга институт ишланмаларини таништирамоқда (1985 йил)





Институнинг яратилган навларини қовун сайлида дегустацияси



Институнинг кўрғазмаларда кўрғазмали майдони





А.И. Нуритдинов ва илмий ходимлар қовун сайлида кўргазмали майдонида институт ишланмаларини таништирамоқда (1986 йил)



А.И. Нуритдинов, А.С. Хакимов, А. Расулов кўргазмаларда кўргазмали майдонида (1982 йил)






В.В. Бережнова V Умум Иттифоқ координацион йигилишида иштирокчилар билан бирга (1988 йил)



Тарвузни Мансур нави



Қовунни Бўри-Калла нави





Ш.Қ. Қорабоев ва Бухоро таянч пункти директори Т. Дадаматов



М.Ў. Халимовани хандалак типдаги қовун навларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш даласида А.И. Нуритдинов бошчилигида апробация ўтказиш (1988 йил)



А.С. Хакимов, А.И. Нуритдинов ва Е.В. Ермолова институтга таширф буюрган меҳмонлар билан бирга (1979 йил)





Ж. Наджиев, М.Х. Арамов, В.В. Бережнова ва бошқалар Сурхондарё таянч булимида



Е.Е. Лян, В.В. Бережнова, Е.В. Ермолова, Р.Ф. Мавлянова, Д. Хакимова





Е.В. Ермолова бақлажон селекцияси олиб борилаётган майдонда



Лаборантлар картошка оталик ва оналик гулларини чатиштириш жараёнида





Институт ходимлари чет эл ҳамкорлар билан картошка уруғчилиги буйича ўқув тренингида





Институт ходимлари картошка уруг чилиги буйича уқув тренингидан сунг



Институтни ташкил этган конференциясида кўрғазма хонаси





Институт биносининг аввалги ва ҳозирги кундаги кўриниши






М. Халимова ва Ҳ. Ибрагимова қовун тизмасини баҳолаш жараёнида (2021 йил)



Ёш олимлардан О. Исмоилов қовун навларини иссиқхонада синовдан ўтказмоқда (2021 йил)



Тадқиқотчи Р.Ш. Тулабоев картошка уруғликларини етиштириш жараёнида (2023 йил)





Тадқиқотчи Ж. Шералиев етиштирган айсберг карамини дегустацияси (2022 йил)



Институт илмий котиби қ.х.ф.ф.д, Ф.Ф. Расулов талабаларга гидропоника иссиқхонасида қулуннай етиштириш агротехнологияси ҳақида маълумот бермоқда (2023 йил)



Институт директори Р.А. Низомов бошчилигида лаборатория мудирлари билан ёзилган дастурхон атрофида (2023 йил)



Институт директори Р.А. Низомов ва илмий ходимлар институтда ташкил этилган конференцияда иштироки (2022 йил)





Институт директори Р.А. Низомов томонидан ташкил этилган "Навруз" байрамига тақлиф этилган меҳмонлар (2023 йил)



Институтни ёш олимларидан ташкил топган фахрли "СПЭваКИТИ" футбол жамоаси (2022 йил)



МУНДАРИЖА

Кириш сўзи.....	4
Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг ривожланиши	6
Институтнинг биринчи 30 йиллик ривожланиш даври.....	7
Институтнинг иккинчи 30 йиллик ривожланиш даври	11
Институт мустақиллик йилларида	17
Институт таркибидаги лабораториялар ва бўлимлар	21
Сабзавот ва полиз экинлари селекцияси лабораторияси	21
Лаборатияда олиб борилган тадқиқот ишлари жараёнидан фотолавҳалар	30
Сабзавот ва полиз экинлари уруғчилиги лабораторияси	33
Лаборатияда олиб борилган тадқиқот ишлари жараёнидан фотолавҳалар	35
Картошкачилик ва уруғчилик лабораторияси	38
Ҳимояланган ерда сабзавотчилик лабораторияси	43
Сабзавот, полиз экинлари ва картошка агротехнологияси лабораторияси.....	48
Ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш лабораторияси ...	58
Агрокимё ва маҳсулот сифати лабораторияси	63
Биотехнология лабораторияси	67
Қишлоқ хўжалиги иқтисодийёт ва меҳнатни ташкил қилиш лабораторияси.....	69
Институтнинг сўнги йилларда ривожланиши	70
Сабзавот, полиз экинлари ва картошка генбанк лабораторияси	74
Сабзавот экинлари генетикаси ва селекцияси лабораторияси	75
Полиз экинлари генетикаси ва селекцияси лабораторияси	76
Картошка генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси	78
Ноанъанавий экинлар селекцияси ва интродукцияси лабораторияси	79
Сабзавот, полиз экинлари уруғчилиги ва уруғшунослиги лабораторияси	80
Иссиқхонада сабзавот, полиз экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси	81
Иссиқхона агротехнологияси лабораторияси	82
Органик деҳқончилик лабораторияси	84
Сабзавот, полиз ва картошка экинлари агротехнологияси ва механизация лабораторияси	86
Ўсимликларни касаллик, зараркунандалардан химоя қилиш ва фитопатология лабораторияси.....	88



Биотехнология лабораторияси.....	89
Маҳсулотларни сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологиялари лабораторияси	91
Агрокимё ва ўсимликлар физиологияси лабораторияси.....	91
Институт фахрийлари	93
“Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фахрий ходими” фахрий унвони билан тақдирланган институт ходимлари	93
Институт илмий кенгаши	97
Институтнинг зонал-тажриба станциялари	99
Самарқанд илмий-тажриба станцияси.....	99
Самарқанд илмий-тажриба станцияси архивидан фотолавҳалар	104
Хоразм илмий-тажриба станцияси	106
Сурхондарё илмий-тажриба станцияси	107
Андижон илмий-тажриба станцияси	111
Бухоро илмий-тажриба станцияси	114
Тошкент тажриба хўжалиги.....	115
Қашқадарё илмий-тажриба станцияси.....	116
Қорақалпоғистон Республикаси илмий-тажриба станцияси	118
Илмий кадрларни тайёрлаш.....	120
Фермер ва томорқачиларга илмий-услубий ёрдам	127
Илм-фан ютуқларини тарғибот қилиш.....	128
Нашриёт фаолияти	132
Халқаро ҳамкорлик	134
Институт ривожланишида ўз ҳиссасини қўшган олимлар.....	141
Институтда фаолият юритаётган илмий-техник ходимлар	197
ФОТОЛАВҲАЛАР	200



Муҳаррир: Зухриддин Кудратов
Дизайн ва компьютер тайёрловчи: Андрей Холматов

Нашриёт тасдиқномаси
№ 9183-7961

Босишга рухсат этилди 06.05.2023 й.
Бичими 70x100/16
«Myriad Pro» гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди.
Босма табоғи 14,0.
Адади 300 нусха.

Нашриёт уйи «BAKTRIA PRESS»
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йули мавзеси, 15-25
Тел.: +998 (71) 233-23-84
e-mail: baktriapress@gmail.com

MEGA BASIM босмахонасида чоп этилди
Baha Is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey.
www.mega.com.tr

ISBN 978-9943-8658-9-1



ISBN: 978-9943-8658-9-1



9 789943 865891